

ПУЛАТ МУМИН

ҚЎШИҚ АЙТИБ

Шеърлар

Ғазаллар

ТОШКЕНТ

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти

1983

Уз
М 99

Мўмин, Пулат.
**Қўшиқ айтиб: Шеърлар. Ғазаллар.— Т.:
Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983.—328 б.**

Ғафур Ғулом номидаги мукофот лауреати, таниқли қўшиқ-
навис шоир Пулат Мўмин олтинчи ёшга тўлди.

Ушбу китобга ижодкорнинг турли йилларда ёзган энг сара
қўшиқларидан намуналар жамланди.

Мумин, Пулат. Кннга песен.

М 4702570200—64
М 352 (04)—83

69—83

Уз2

ҚАНОТЛИ ҚҶШИҚЛАР МУАЛЛИФИ

Пўлат Мўмин ўзбек совет шеъриятида, хусусан болалар адабиётида ва қўшиқчиликда айтса-айтгудек ижод қилаётган шоир. У ўзбек совет адабиётини яратган ва шакллантирган, такомиллаштирган ва умумсовет адабиёт минтақасига олиб чиққан устозлар шогирди ва бу катта адабиёт кўламини умумсовет адабиёти минтақасида муносиб давом эттираётган қатор шогирдлар устози. Унинг олтамиш йил мобайнида ватани, халқи, партияси қадамига ҳамқадамлиги ва қирқ йил мобайнида уларга, уларнинг буюк идеалига ҳалол сидқи-содиқликда хизмат қилиб келиши, асарларининг хоҳ катталар, хоҳ кичиклар томонларидан мақбул қилиниши, севилиб ўқилиши, қайта-қайта нашр этилиши, улуғ рус ва қардош халқлар тилларига таржима қилиниши ва нашр этилиши, сўлим ва дилкаш қўшиқларининг тиллардан-тилларга кўчиб, халқники бўлиб кетиши бунинг далилидир.

Мазкур китоб фақат қўшиқлардангина иборат бўлганидан, бугун мен унинг ана шу сўнгги асарларидан гапираман, сўлим ва дилкаш қўшиқларидан.

Пўлат қўшиқлари туғилиши билан қанот чиқаради. Уларнинг қанотлари ҳам дилбар оҳанглардан, гўзал ижролардан иборат бўладилар. Пўлат қўшиқлари мазмуни ҳам кунимизнинг томир уриб турган масалаларидан бўладилар. Шу сабаб тез тарқаладилар. Пўлат қўшиқлари муваффақиятининг яна бир сирини шундаки, улар халқимизнинг тилида, энг яхши, мазмундор, ибратомуз, баҳрибайт, андишали, серташбиҳ сўзларидан тўқиладилар, мазмуни халқ қўшиқларини эслатадилар, теранлик ва соддаликлари билан, ўринли ва чиройли такрорлари билан. Шунинг учун улар ўз оҳанглари-ни дарров топа қоладилар, бастакорлари, ҳатто ижрочиларигача. Шу сабабдан унинг шуқуҳли қўшиқлари кўп. Улар бугун галалашиб юрадилар қўшиқ осмонидан. Она юрт, она ватан, унинг доно етакчиси партия, унинг суюкли дастёри халқ, унинг яккаю-ягона суюкли тузуми, тираги дўстлик, қардошлик ҳақида қанотли қўшиқ яратиш учун ана шундай халқ дидини, фикри-зикрини билиш, фикран, қалбан улар таркибига кириш керак. Ана шундагина қўшиқ самимий бўлади, тилдан-тилга кўчади, сидқидил хизмат қилади. Демак, умри

боқий бўлади, вақти келиб халқ қўшиғи деган шарафли ном олади.

Китоб муаллифи мазкур қўшиқлари китобини уч бобга бўлган. Биринчисини ватанига, халқига, коммунистик партиясига бағишлаган, иккинчисини муҳаббатига, учинчисини болаларига бағишлаган. Биринчи боби унинг сиз яхши билган «Давронлардан давронларга», «Сўзи санъат десунлар» ҳамда ҳаётимиз аввали бўлмиш оналаримизнинг гўзал ва самимий тавсифи битилган «Онадир ул, онадир» деган машҳур қўшиқлар, ватанимиз қаҳрамонлари, меҳнатлари билан уни кўркам қилаётган, қудратли қилаётган фидокорлари самимият билан куйланган «Тиллоларга баробар», «Олтин ижодкорлар», «Пахта терсам», «Улкам ясанибди», «Санъат саодатимдир», «Шифокорлар», «Узма дўстлик торини», «Устозлар» деган жарангдор қўшиқлари жамланган. Шоирнинг «Партиямиз карвонбоши йўлларимда, элтар элни давронлардан давронларга» мисралари бу бобнинг теран таъбиридир.

Шоир маҳорати деган адабий асарнинг қисматини белгилайдиган ўлчов бордирки, асар унинг теран томирида жон сақлайди. Пўлатнинг шундай қўшиқлари борким, бадинятда, хусусан қўшиқ саҳнида камоли ибратлидир. Оналар ҳақида қўшиқлар кўп, яхшилари албатта оз. Ана шу озлар орасида Пўлатнинг «Онадир ул, онадир» қўшиғи ажралиб туради. Унинг образлари наинки ўзига хос, ҳатто ўхшатишлари, сўз тўқималаригача ҳам ўзига хос ва ёқимли. «Оналар бор, олам қўшиқхонадир» деб бошланади қўшиқ. У наинки қўшиқ ҳолида, шеър ҳолида ҳам ўқувчини бирдан жалб этади. Иккинчи куплетда дейди: «Юрагидан янги юрак кўчирган, оқ сутига меҳрин қўшиб ичирган, гуноҳ қилса энг биринчи кечирган онадир ул, онадир ул, онадир...» Бу мисралар оддий мисралар эмас, бу мисралар ҳали айтганимиз маҳорат машаққати қатламларидан ўтган, оқ кўнгилдан оққа тушган мисралардир. Шунинг учун унинг оҳанги ҳам майин, гўзал, ижроси ҳам энгил ва самимий. Ё бўлмасам «Санъат саодатимдир» қўшиғига қулоқ беринг. Сарлавҳанинг ўздан қўшиқ янграб турипти. Унинг ижрочиси бўлмиш санъаткорнинггинамас, муаллифнинг ўзининг ҳам айтгани деса бўлади: «Санъат йўлига тушдим, санъат саодатимдир, халқим бахтини куйлаш ҳар кунги одатимдир», у бир қўшиғида дейди. Нақадар оддий ва самимий, қаламдан шундайгина том-

гану қўшиққа айланган. Шоир баъзан мўйсафидлар сингари насихатомиз қўшиқлар ҳам ёзади ва бунинг ҳам уддасидан чиқади. «Узма дўстлик торини, боғлаш қийин, дўст бўлиш осон, уни сақлаш қийин» деб ҳикматли сўзлар билан мурожаат қилади тингловчисига. У оҳанг талқинида ўйчан, қилқаламдек нозик ва мавзун кўлкаланани. «Ўлкам ясанибди» қўшиғи ҳам шундай майин ва нозик ифодалайди байрам тароватини: «Гуллар очилиб, байрам ясанибди, байрамни севиб ўлкам ясанибди»... Бу мисраларда оҳанг ўзи етиб келади, ўйноқи, шўх ва дилбар, «олам ясанибди», «одам ясанибди», «кўркем ясанибди» қофиялари эса, қўшиқ оҳангига сайқал бериб боради. Пулат музыка талқинларини теран тушунади, қай сўзлар қай ҳолатда кераклигини яхши англайди, уларга яраша образлар, сўзлар, қофия ва мушоҳадалар қидиради ва топади ҳам. «Устозлар» қўшиғида бу айниқса яққол сезилади. «Меҳр, нури ёғар доим кўзингиздан, устозлар, юрсам дейман шу табаррук изингиздан, устозлар» мисралари бастакор қўлида биргалашиб куй, оҳанг қидирадилар. «Устоз» сўзи ва унинг маъноси ўзига хос оғир, мазмундор, салобатли оҳанг истайди. Буни эса, бастакор яхши топган, ижрочиси ҳам ўринли топилган. У куйлаганда ҳақиқатан ҳам ишонасиз, диққат билан тинглайсиз, мамнун бўласиз. «Одоб билан сўз олгин, сўзи санъат дегенлар» қўшиғи ҳам мана шу тоифа мароқли.

Пулат Мўмин қўшиқлари туғилибоқ қанот боғлайди дедик. Унинг муҳаббатомуз қўшиқлари айниқса шу тахлит. Унинг бастакор дўстлари, ижрочи санъаткор дўстлари кўп. Хусусан, кекса бастакорлар ўзларининг кўп йиллик тажрибалари билан шоир қўшиқларини тағин ҳам сайқаллайдилар, ёш композиторлар эса, шоир қўшиқларига бугуннинг ҳали тилга тушмаган тароналари билан қанот боғлайдилар. Ёш хонанда дўстлари куйлаган бу қўшиқларнинг овозаси узоқларга кетади. Унинг «Қиз бола, ҳой, қиз бола», «Эй, муҳаббат», «Сенга бир гап айтаман», «Кулди хиёл, индамади» қўшиқлари бугун эл орасида машҳур. «Тингла жоним, сенга бир гап айтаман, дил тўрида севги асраб айтаман. Шунчалар доно экансан, жонгинам, ҳар сўзимни минг авайлаб айтаман» мисралари андишали ёшларнинг муҳаббат қўшиқлари бўлиб қолдилар. Улар худди самимий сўздай, бир эллик муҳаббат қоғозига битилган хатдай: «рози бўлсанг сўзларимга сен агар, севгимизни элга

мақтаб айтаман» дейди. «Кулди хиёл, индамади» қўшиғи ҳам устоз Фафур Фулом ҳазиллашиб муаллифига айтганидай: «Индамайди, албатта индамайди, бундай ширин, хуштаб мисраларга индамай бўлурми!»

Пўлат бугун ўзбек совет адабиётининг таниқли, мўйсафид авлодига мансуб шоир. Унинг ҳар бир асари мана шундай тажрибали бадиний сўз санъаткори сифатида ўқилади, баҳоланади. Қўшиқлари ҳам ана шундай юқори савияда ўзи мансуб халқнинг талабига яраша, социалистик замони талабига яраша баҳоланади. Унинг китобига кирган болаларга атоғлиқ қўшиқлари ҳам шундайдир. Унинг «Уч баҳо — пуч баҳо», «Салим-жон-нимжон» ва «Ухшагим келади, ўхшагим» сингари бирталай қўшиқлари болалар қўшиғимизнинг сара қўшиқлари қаторига кирган ва суюб айтиладиган қўшиқлардир.

Киши қалбига чироқ ёқолган санъаткорларнигина санъаткор, дейди устозлар. Пўлат қалами ана шу чироққа ета олган қаламдир. У оддий сўзлардан мўъжиза яратмоққа қодир бугун. Буни унинг ҳали мисоллар билан кўриб ўтганимиз қўшиқлари ҳам таъкидлайди. Санъатда энг муҳими — ортиқча гап айтмаслик. Қўшиқда бундан ҳам. Шунинг учун «қўшиқдан бир сўзни ҳам олиб ташлолмайсан» дейдилар. У шундай тўқилиши, унинг таркибиде битта ҳам ортиқча, келишмаган, жўн сўз бўлмаслиги керак. Бугун муҳокама юритаётганимиз шоир қўшиқларининг ҳаммасини ҳам шундай деб бўлмас балки, аммо унинг халққа манзур ва маъқул бўлиб, кундалик қўшиғига айланиб қолган қўшиқлари шундай. Заргар ҳам зарга қўл урганда санъат яратаман деб қўл уради. Аммо ҳаммаси ҳам санъат бўлади деб таъкидлолмайди. Аммо у қўл урган зарда санъат пайдо бўлади. Бугун сўз юритаётганимиз санъат мана шундай санъат.

ТУРОБ ТУЛА

Ўзбекистон халқ ёзувчиси





**ХАЛҚИМ —
БАХТИЁРИМГА**

СИЗГА ТАЪЗИМ

Она юртим аълолари, сизга таъзим,
Жононлари, момолари, сизга таъзим,
Санъатимиз шайдолари, сизга таъзим,
Юрак торим ошнолари, сизга таъзим.

Қўшиқларим гулин терай изингиздан,
Илҳомландим саломингиз, сўзингиздан,
Уқиб олдим маъноларни кўзингиздан,
Чаманзорим раънолари, сизга таъзим.

Бахтиёрсиз, бу бахтингиз этсин давом,
Мамнундирман бахш этолсам завқу ором,
Қайда бўлса ўзингизга этурсиз ром,
Улкам кўзи шаҳлолари, сизга таъзим.

Қўшиқларим ижодкори асли сизлар,
Севишганлар — мард йигитлар, жонон қизлар,
Қалбингиздан Мўмин доим қўшиқ излар,
Давронимиз донолари, сизга таъзим.

УЛУҒ ЛЕНИН МАДҲИЯСИ

Кўз олдимда улуғ Ленин салобати,
Юз очмоқда доҳиёна башорати.

Тинч яшашни, дўст бўлишни ўргатган у,
Тугамайди менга берган саодати,
Саодати,

саодати,

саодати!

Энг улуғвор, энг меҳрибон, содда ўзи,
Офтоб мисол ёқимлидир нурли юзи.
Доим бордир ёнимда у, онгимда у,
Меҳру шафқат сочиб турар доно кўзи,
Доно кўзи,

доно кўзи,

доно кўзи!

Қўшиқларда янграр мақтов-мадҳияси,
Дилга тўлган ғоясию тарбияси.
Узи бўлиб йўл кўрсатар, бошим силар —
Улуғ Ленин тузган одил партияси,
Партияси,

партияси,

партияси!

ДОНО ПАРТИЯМ

Партиям, меҳрингдан бахтларга ёрмиз,
Дўстларга ўзингдай чин маладкормиз.
Қардошлик боғингда етдик вояга,
Қаерга чақирсанг шу ерда бормиз.

Н а қ о р а т:

Жаҳонга арзир
Салобатинг бор,
Рўёбга чиқар
Башоратинг бор.
Доно партиям,
Доно партиям,
Ленинча меҳру
Саховатинг бор.

Ургандик яшашни бахт мактабингда,
Ленинча ҳақиқат ҳар бир гапингда,
Коммунизм тонг бўлиб нур сочар ҳарён,
Бу йўлдан борамиз шонли сафингда.

Н а қ о р а т:

Жаҳонга арзир
Салобатинг бор,
Рўёбга чиқар
Башоратинг бор.
Доно партиям,
Доно партиям,
Ленинча меҳру
Саховатинг бор.

ОЛИЙ РЕЖАЛАР

Одатдир бизларда эртани кўзламоқ,
Юраклар завқидир эртадан сўзламоқ,
Янгиллик, яхшилик яратиш ишқи бор,
Шарафдир нурафшон истиқбол изламоқ.

На қ о р а т:

Партия тузади олий режалар,
Кўнгилга тушади олий режалар.
Энг одил режалар, олий режалар,
Режалар, режалар, олий режалар!

Етурмиз доимо мақсад-у армонга,
Бўстонлар қўшурмиз бепоён бўстонга.
Улуғвор пойдевор яратдик мустаҳкам,
Чаманзор аталган замин-у замонга.

На қ о р а т.

Кўнгилда Ленинча матонат, ирода,
Режалар орзумиз этмоқда ифода,
Сафарда, сафларда, бардам-у, илдаммиз,
Бахтимиз кундан-кун бўлмоқда зиёда.

На қ о р а т:

Энг одил режалар, олий режалар,
Режалар, режалар, олий режалар!

КОМСОМОЛ МАРШИ

Илғормиз меҳнатда,
Биз жасур комсомол.
Фанда ва санъатда
Топганмиз катта йўл.
Шодлик, бахт ярашган
Биз қувноқ комсомол.
Мард ёшлик яратган
Зафарлар бизда мўл.

Н а қ о р а т:

Эй, ватан — боғим, яша!
Партиям, доим яша!
Коммунизм йўлида
Бахтиёр ёшлик, яша!

Шонли юрт мустаҳкам,
Биз содиқ комсомол.
Қардошлик чинакам,
Берганмиз қўлга-қўл.
Тобланган елкамиз,
Биз ботир комсомол.
Ҳар ишда енгамиз,
Яшнайти ўнгу сўл.

Н а қ о р а т:

Кулсин кенг гулбоғлар
Қўлингда, комсомол.
Ленинчи ўртоқлар,
Сафларда бардам бўл.
Кутмоқда истиқбол,
Олға юр, комсомол.
Чўлларга назар сол,
Саҳролар бўлди гул.

Нақорағ:

Эй, Ватан — боғим, яша!
Партиям, доим яша!
Коммунизм йўлида
Бахтиёр ёшлик, яша!

ДАВРОНЛАРДАН ДАВРОНЛАРГА

Бўстонларим бўйлашдилар бўстонларга,
Бахтим ҳамроҳ байрамона хуш онларга.

Октябрнинг тонготари — саодатдир,
Зафар тонги ёғду сочган шу тонгларга.

Жавлон урдим жабҳаларда мардонавор,
Шараф топдим, қўшилдилар шон шонларга.

Водийларда бахтим мисол оқ олтинлар,
Хирмонларим ёндошдилар хирмонларга.

Адолатдан доврўғ ёйдим жаҳон бўйлаб,
Сафда, дўстлар, етдик орзу-армонларга.

Тўйларимиз хуррамлиги — замонамдан,
Қўшиқларим ёзган қанот осмонларга.

Байрамларда байроқларим товланурлар,
Қуёш кулиб чирой берар алвонларга.

Партиямиз карвонбоши йўлларимда,
Элтар элни давронлардан давронларга.

ҲАМ ҲАЗИНА, ҲАМ ЧАМАНЗОР

Тўлди кўнгил завқ, ғурурдан, мард диёрим мақтайин,
Пахтасин — оқ олтиним, чин ифтихорим мақтайин,
Пахтадан бахтим яратган бахтиёрим мақтайин,
Сўзига доим вафодор, аҳди борим мақтайин,
Ҳам ҳазина, ҳам чаманзор пахтазорим мақтайин,
Қаҳрамонлар тан берувчи пахтакорим мақтайин!

Нурли хирмонларга уйган кузда оқ олтин — зарин,
Турсунойларнинг ўзи тўлдирди ҳақтов дафтарин,
Пахта терган барча машъалларга олам офарин,
Куй-қўшиққа тўлдирайлик ўлка ер-осмонларин,
Ҳам ҳазина, ҳам чаманзор пахтазорим мақтайин,
Қаҳрамонлар тан берувчи пахтакорим мақтайин!

Пахтакорлар ёз-қишда чарчамай қилди ижод,
Пахтазорим ҳосилидан бўлди ҳосиллар мурод,
Дўстларим қойил яна, партиям ҳам бўлди шод,
Бу Мўминга берди илҳом, водийлар узра — ҳаёт,
Ҳам ҳазина, ҳам чаманзор пахтазорим мақтайин,
Қаҳрамонлар тан берувчи пахтакорим мақтайин!

ОНАДИР УЛ, ОНАДИР

Оналар бор, олам қўшиқхонадир,
Оналарни мақтаса дил қонадир,
Фарзанд учун ким қувониб, ёнадир?
Онадир ул, онадир ул, онадир!

Юрагидан янги юрак кўчирган,
Оқ сутига меҳрин қўшиб ичирган,
Гуноҳ қилса энг биринчи кечирган
Онадир ул, онадир ул, онадир.

Фарзандига бахт берай деб ўйловчи,
Дил тўридан тахт берай деб ўйловчи,
Иродаю аҳд берай деб ўйловчи,
Онадир ул, онадир ул, онадир.

Ургатолган кулмоқ билан сўзлашга,
Ургатолган эъозлашга, сизлашга,
Ургатолган яхшиларни излашга
Онадир ул, онадир ул, онадир.

Кулган чоғда гулларни ҳам кулдирган,
Ифлаганда ёши дарё тўлдирган,
Ҳар қандайин бўлмагани бўлдирган
Онадир ул, онадир ул, онадир.

Фарзандининг жони учун жон тиккан,
Соғинганда дийдорига энтиккан,
Не донолар, не ботирлар бўй эккан
Онадир ул, онадир ул, онадир.

Ҳақ йўлида қайтмаган ҳеч шахтидан,
Ҳатто жаллод қўрқар унинг қаҳридан,

**Фарзанд учун кечган бахту тахтидан
Онадир ул, онадир ул, онадир.**

**«Ортимда қол»... деган улуғ дуода,
Фарзанд учун яшагувчи дунёда —
Жаҳонларни кеза олган пиёда —
Онадир ул, онадир ул, онадир.**

**Одамзоднинг даврасида табаррук,
Табарруклар даврасида энг буюк,
Энг буюклар даврасида энг суюк:
Онадир ул, онадир ул, онадир.**

**Фарзандига олам олтин олмаган,
Фарзанд учун чарчамаган, толмаган,
Фарзанд учун не кунларга қолмаган;
Онадир ул, онадир ул, онадир.**

**Она каби юртимиз ҳам бағри кенг,
Она меҳри қуёшларга келар тенг,
Мўминга ким мангу илҳом берди денг:
Онадир ул, онадир ул, онадир.**

ХАЛҚИМ — БАХТИЁРИМГА

Аввал саломим жон диёримга,
Азиз халқимга — бахтиёримга.
Жило бергансиз иқтидоримга,
Жўр овоздирсиз юрак торимга.

Кўрганда сизни яйраб кетурман,
Ҳурматларимни изҳор этурман,
Қўшиқ гулларин сизга тутурман,
Сизлар чиройсиз чаманзоримга.

Келар доимо сизни мақтагим,
Дилни шод этмоқ улуғ тилагим,
Даволар олур сиздан юрагим,
Бўлай таъзимда шифокоримга.

Сўзсиз англайсиз юрак сўзимни,
Хизматга чорлаб ҳар дам ўзимни,
Оқласам дейман тотган тузимни,
Раҳмат сизлардай мададкоримга.

Мўмин қалбини этиб ифода
Янграр саломим қўшиқ — навода,
Бўлсин бахтингиз мангу зиёда,
Саломлар айтай дўсту ёримга.

ВОДИЙ ҚУШИҒИ

Фарғона чорласа меҳмонга,
Кирурсиз жаннату бўстонга,
Ҳайратда қарайсиз ҳар ёнга,
Бу воҳа чаманзор кошона:
Фароғат водийси — Фарғона.

Воҳада уч ака-укадай,
Ҳар бири кенгликда ўлкадай,
Тоғлари алпона елкадай,
Таърифи дostonдай номланган:
Андижон, Фарғона, Наманган.

Туташган боғлари, пайкали,
Анвойи меваси — сайқали,
Хирмонлар — меҳнатин ҳайкали.
Ялангтўш пахтакор учовлон:
Фарғона, Наманган, Андижон.

Ҳамзага бахш этган илҳомлар,
Ўржило тонглару оқшомлар,
Октябрь бахтидан оромлар,
Етилган уч гўзал фарзона:
Андижон, Наманган, Фарғона.

ШИФОКОРНИНГ ШИРИН СЎЗИ

Шифокорда бўларми ё
Меҳригиё, меҳригиё?
Беморларга бахш этаркан,
Соғлиқ-даво, соғлиқ-даво.

Юрагимни тинглаб кўрди,
Чин юракдан, чин юракдан.
Уйлаб қолди бирор сирни
Билганнамо, билганнамо.

Ажиб ғазал тинглагандай,
Кулиб қўйди, кулиб қўйди.
Юрагимдан эшитдими,
Қўшиқ-наво, қўшиқ-наво?

Яхшиликдан гап бошлади
Маромида, маромида,
Қалбим тори созида ҳеч
Йўқмиш хато, йўқмиш хато.

Мўмин бўлиб англаб олдим
Насиҳатин, насихатин.
Энг аввало ширин сўзи
Берди шифо, берди шифо.

ИЖРОДА МЕҲРУ ОҚИБАТ

Аҳли инсонга зарур
Дунёда меҳру оқибат,
Ростлигин исбот этур
Ижрода меҳру оқибат.

Бу сифат инсондаги
Олий ҳамият рамзидир,
Дўстлигин мангу этур
Ошнода меҳру оқибат.

Оқибат қилган киши
Иззатда бўлгай ҳар қачон,
Кетмасин раҳна тушиб
Ошнода меҳру оқибат.

Ким агар ҳотам мисол
Донг ёйса элга, соз эрур,
Дейдилар офтобча бор
Зуккода меҳру оқибат.

Ўз-ўзин мақташ билан.
Оввора бўлса баъзилар,
Бормикан ундай тили,
Буррода меҳру оқибат?

Яхши дўстлар меҳрига
Меҳрингни пайванд айлагин,
Бўлмагай, билсанг сира
Тиллода меҳру оқибат.

Имтиҳон айлаб Мўмин,
Бергай сенга зимдан баҳо,
Одобу андишаси
Аълода меҳру оқибат.

ЖОНИМ ТОШКЕНТИМ

Она шаҳрим, кўркам Тошкентим,
Бахту ҳуснинг олам Тошкентим.
Яшил чаман, гул-гулзорга кон,
Шарқ кўксида ўктам Тошкентим.

Дилдан мақтай, жоним Тошкентим,
Кўздай сақлай, жоним Тошкентим.

Чилонзору шифобахш боғлар,
Анҳор бўйин сайр этган чоғлар,
Сулув тонгу оқшом қўйнида
Минг яшаймиз дўстлар, ўртоқлар.

Дилдан мақтай, жоним Тошкентим,
Кўздай сақлай, жоним Тошкентим.

Боғларингга гул экдим ўзим,
Қўшиқ бўлди сенга дил сўзим.
Меҳмонингга нону гул тутиб,
Хизматингга ёруғдир юзим.

Дилдан мақтай, жоним Тошкентим,
Кўздай сақлай, жоним Тошкентим.

СОҲИБКОР ҚУШИҒИ

Боғи дурафшон
Боғбон бобомлар,
Ярашмиш нишон
Ушбу айёмлар,
Бердингиз бизга завқу илҳомлар,
Дўстлардан сизга таъзим — саломлар.

Боғбон бўлмоқлик
Шараф нечоғлик,
Дурлар тўкурсиз
Пешона боғлиқ.
Ранг олур боғдан тонглар, оқшомлар,
Айтур тасанно меҳмон-изломлар.
Мўл бўлса ҳосил,
Муродлар ҳосил,
Табаррук ёшга
Етибсиз ҳозир.
Эгилмиш сизга олтин ишкомлар,
Ошнолар билан суринг оромлар.

Сиз учун меҳнат
Мисоли санъат.
Таҳсин айтарди
Устоз Ризамат.
Чиққан рўёбга мақсаду комлар,
Сизга минг раҳмат, минг эҳтиромлар.

Боғда ҳусайни
Асал баайни,
Дўстлар суҳбатив
Қўнгил тусайди...

Зарурмас бунда бодали жомлар,
Кўрса лол эрур Умар Ҳайёмлар.

Эл назар этган,
Мўмин шеър битган,
Нози неъмат
Дўстларга етган.
Шон-шуҳратингиз этсин давомлар,
Сиз боғбонларга izzat-икромлар!

ТУҒИЛГАН КҮН ҚҰШИҒИ

Файзингдан даврага нур тўлди, дўстим,
Қадрингдан даврага гул тўлди, дўстим,
Мадҳингдан даврага куй тўлди, дўстим,
Туғилган айёминг муборак бўлғай,
Дўстларга саломинг муборак бўлғай.

Яхшидир уланса ёшингга ёшинг,
Умрингга нур сочар бахтинг — қуёшинг,
Қўшилсин қалбингга куч ва бардошинг,
Туғилган айёминг муборак бўлғай,
Дўстларга саломинг муборак бўлғай.

Бахт топдик барчамиз она диёрда,
Мақсадинг гул очсин боғу гулзорда,
Саломат яшаб юр, дўстим, қаторда,
Туғилган айёминг муборак бўлғай,
Дўстларга саломинг муборак бўлғай.

САНЪАТ САОДАТИМДИР

Санъат йўлига тушдим,
Санъат саодатимдир,
Халқим бахтини куйлаш
Ҳар кунги одатимдир.

Дилларга бахш этолсам
Қувонч ила фароғат,
Дўстларнинг роҳати ҳам
Маним ҳаловатимдир.

Ошиқ кулса кулурман,
Маъшуқ куйса кукюрман.
Бу менга тушмас осон,
Санъат машаққатимдир.

Куйлаб висол пайтим мен,
Жондан яйраб кетурман,
Севилгану севганга
Шодлик аломатимдир.

Қўшиқларим тилимда,
Дилимга жўр овозим,
Муҳаббат саҳнасида
Вафо адолатимдир.

Севдим санъатни, Мўмин,
Халқимни севганимдай,
Берган нону гулига,
Қўнгилдан хизматимдир.

НОН МАҚТОВИ

Чин фазилат топди деҳқон нон билан,
Дилда шодлик, белда дармон нон билан,
Сийланаркан барча меҳмон нон билан,
Аҳли инсон сурди даврон нон билан.

Онадай эъзозга лойиқ нон ўзи,
Она сўзидай муқаддас нон сўзи,
Она юзидай илиқдир нон юзи,
Барқ ураркан қанча имкон нон билан.

Билки, дастурхон аро нон энг ҳалол,
Бир увоқни этмагин асло увол,
Нонни ким тутса азиз, топгай камол,
Кўнгил олгай тўйда мезбон нон билан.

Гул каби кўнгилга тегмас нон сира,
Уртада нон, сўзлама ёлғон сира,
Нон емаслар топмасин имкон сира,
Ҳеч билинмас уйда ёвғон нон билан.

Эй, Мўмин, ёзсанг, табаррук нонни ёз,
Қирда тер тўккан буюк деҳқонни ёз,
Нонни эъзоз айлаган виждонни ёз,
Аҳли инсон сурди даврон нон билан.

ОЛТИН ИЖОДКОРЛАР

Пахтазор полвонлари, мен сизга чертай торлар,
Водийларда пахта терган, тингланг, ой рухсорлар,
Жўр бўлингиз куйларимга, кўзлари хуморлар,
Завқ бағишлар сиз яратган пахтазор-гулзорлар,
Минг тасанно, пахтакорлар, олтин ижодкорлар!

Олтини хирмон бўлиб юксалди кенг осмонга,
Довруғингиз шуъла сочди бу музаффар тонгга,
Шодланиб боқдим бугун юртимда ҳар жононга,
Сўзларим бийрон келар, илҳом берар дилдорлар,
Минг тасанно, пахтакорлар, олтин ижодкорлар!

Кўз қорамдай қақлагайман пахтазор-гулзорни,
Чин дилимдан мақтагайман сиз каби донгдорни,
Партиям бағрига босган ишлари илғорни,
Шонингиздан бўлдилар шод барча дўсту ёрлар,
Минг тасанно, пахтакорлар, олтин ижодкорлар!

ЖОНГА ЖОН ШИФОКОРЛАР

Мен сиздан даво топдим, жонга жон шифокорлар,
Мақсади саломатлик, меҳрибон шифокорлар.

Инсоннинг ҳаётига чанг солса агар бир хавф,
Илмини қурол қилган посбон шифокорлар.

Чин дилдан юракларга бергайсиз даво-малҳам,
Меҳрингиз қуёш гўё, жонажон шифокорлар.

Бу чаманда — юртимда одамлар очилган гул,
Гулларга қараб юрган сиз боғбон, шифокорлар...

Илмингиз қуёшидан қалбларга югургай нур,
Халқ учун бўлинг сиз ҳам соғ-омон, шифокорлар.

ОЛАМДА ШОДИЁНА

Меҳнат билан ясанган
Улкамда шодиёна,
Яшилликдан яшарган
Кўкламда шодиёна.

Яшнаб боғу ўрмонлар,
Чирой сочиб бўстонлар,
Оқ олтин кон аталган
Даламда шодиёна.

Улуғ зафар тонгидан
Ҳарён кулган янгидан,
Бахтим мисол ярашгай,
Ҳар дамда шодиёна.

Тақиб байроқ ва алвон,
Чамандай еру осмон.
Авжига чиқди, ҳай, ҳай,
Байрамда шодиёна.

Гуллар қўниб қўлларга,
Эллар тўлиб йўлларга,
Шаҳдам-шаҳдам қўйилган
Қадамда шодиёна.

Дўстлик таронасидан,
Тинчлик замонасидан,
Мўмин дер, мангу кулсин
Оламда шодиёна.

ҚАЛБИ КУЛГАН

Сўзламоқ соз даври даврон айшидан,
Яшнагай чўл элни севган яхшидан,
Тарқалар куй тонгда меҳнат маршидан,
Дил саломинг қалби кулган Қаршидан.

Мирзачўлга Қарши чўл дугонадай,
Ҳар қадамда мўъжиза-афсонадай,
Нозинсѐмат ҳосили — Фарғонадай,
Гул терайлик янги гулшан Қаршидан.

Қарши дашти тупроғи зар воҳа бу,
Чўлни гул қилмоқ муқаддас соҳа бу,
Эртамининг бахтига сарлавҳа бу,
Тошди илҳом куйга тўлган Қаршидан.

Бу нишон, Қосонда йўқ чўлдан нишон,
Воҳамиз бўлган ипак пахтага кон,
Партиям меҳри билан нурли макон,
Кетди доврўғ қадди улкан Қаршидан.

ЖИЛМАЯР ТОНГ

Жилмаяр тонг шуълалардан соч тараб,
Минг яшайман тонг юзига бир қараб.

Уйғотарди меҳнат, ижод аҳлини
Нурга буркаб кўрсатиб юрт бахтини.

Тоққа боқсам, елкасида бор қуёш,
Нур сочади толеимдай беқиёс.

Боққа кирсам, жилва қилгай меҳнатим,
Тонг кўрарди гулларимда саяхатим.

Гул узатдим жилвагар тонг қўлига,
Одим отдим сафма-саф бахт йўлига.

Янги тонглар шунчалар мазмунга мўл,
Шон-шарафга тонг очарди катта йўл...

УЗМА ДҶУСТЛИК ТОРИНИ

Узма дўстлик торини, боғлаш қийин,
Ранжиса, дўст кўнглини чоғлаш қийин.
Сўзда дўстингман дея оқлаш қийин,
Дўст бўлиш осон, уни сақлаш қийин.
Узма дўстлик торини, боғлаш қийин.

Чин қадрдонлар туғишгандай зарур,
Яхши ошно дилга сочгай шуъла, нур,
Бир тилақдир, бир юракдир, бир умр,
Дўст бўлиш осон, уни сақлаш қийин.
Узма дўстлик торини, боғлаш қийин.

Дўст бўлиб зимдан сиринг билса ёмон,
Дилда нолиб, тилда ўргилса ёмон,
Душманинг бирлан сенга кулса ёмон,
Дўст бўлиш осон, уни сақлаш қийин.
Узма дўстлик торини, боғлаш қийин.

Яхшилар бор — ору виждонингга дўст,
Халқингга ҳам юрту бўстонингга дўст,
Баъзилар бор — даври давронингга дўст,
Дўст бўлиш осон, уни сақлаш қийин.
Узма дўстлик торини, боғлаш қийин.

Дўсту ёрлик мактабин ўз дарси бор,
Дўстга содиқликнинг, Мўмин, фарзи бор,
Яхши дўстликнинг қувончи, файзи бор,
Дўст бўлиш осон, уни сақлаш қийин.
Узма дўстлик торини, боғлаш қийин.

ИССИҚ САЛОМ, ШИРИН СЎЗ

Энг аввало иссиқ салом — ширин сўз,
Одам учун чин эҳтиром — ширин сўз,
Дилга берар завқу ором ширин сўз,
Беморни ҳам этар соғлом ширин сўз,
Қўшиқларга қўшар илҳом ширин сўз.

Ширин сўзлаш фазилятдир инсонга,
Тилга боғлиқ эмас, дилга — виждонга,
Малҳам этур ҳатто дили вайронга,
Қимларни ҳам этмайди ром ширин сўз,
Давраларда этсин давом ширин сўз.

Ширин сўзнинг тафти офтоб бўлар денг,
Заминида ҳикмат, одоб бўлар денг,
Ҳар биттаси доно китоб бўлар денг,
Дастурхонда тотли таом — ширин сўз,
Олижаноб иззат-икром — ширин сўз.

Ширин сўзинг ерга эккан дон эрур,
Илму фандай ҳеч туганмас кон эрур,
Она меҳри каби жонга жон эрур,
Одат бўлсин, хуллас калом — ширин сўз,
Мўмин сизга айтар мўдом ширин сўз.

ДАВРОНИ СОЗ

Ўзбекистон бахти кулган,
Гул тўлиқ бўстони соз,
Таърифи ҳар ён таралган,
Пахтазор майдони соз.
Сир билан Жайхун бўйида
Бир ажиб воҳа эрур,
Бир кўришда мафтун этган
Боғи соз, боғбони соз.
Бунда кўпдир донг таратган
Қаҳрамон машъаллари,
Меҳнатидан олтин унган,
Нур сочар хирмони соз.
Донмо аҳдин бажаргай
Тер тўкиб пешонадан,
Қалбида эл ишқи бордир,
Мақсади, виждони соз.
«Ўлкамизга хуш келинг» деб,
Халқи куйлар янгратар.
Кўнглида мўл завқи-шавқи,
Базми соз, хушхони соз.
Тўйларида, уйларида,
Дўстига пешвоз чиқар,
Доҳий Ленин ҳадя этган
Бахт ила даврони соз.

ДУТОРИМНИНГ БОРИДАН

Бармоқларим тегса дутор торига,
Шифо берар дилнинг дарду зорига.
Майин куйлар ҳаволаниб оҳиста,
Ёр саломин элтар гўё ёрига.

Қанот янглиғ дутор тори қўш эрур,
Севишганлар икки юввош қуш эрур,
Еқимли куй парвоз этар ҳар ёнга,
Висол фасли қўшиқ билал қуш эрур.

Дутор севган кўнгил асло тор бўлмас,
Бевафолар жамолига зор бўлмас,
Дутор торин дил торига жўр этган,
Санъаткорлар умри бўйи хор бўлмас.

Созандалар завқу нқтидоридан,
Кўнгил илҳом олур дутор торидан.
Санъатимдан Мўмин каби мамнунман,
Мажнундирман, қўлда созим боридан.

ОЛТИН ТОЛАЛАР

(Ялла)

Далаларда тонгда нур бўлиб,
Юлдуз коса — чаноққа тўлиб,
Мени тер, деб қарайди кулиб,
Оқ лолалар,
Минг бор товланар,
Оқ толалар, олтин толалар.

Ясангандай чаман қўриқлар,
Қайнар меҳнат, янграр қўшиқлар,
Очилгандир ҳарир момиқлар,
Оқ лолалар,
Минг бор товланар,
Оқ толалар, олтин толалар

Пахтакорим тер тўкиб ҳалол,
Нондай азиз, этмаймиз увол,
Бу бахтимиз, бу — кулган иқбол,
Оқ лолалар,
Минг бор товланар,
Оқ толалар, олтин толалар.

Хирмонлари кўзга чиройдир,
Эл олдида юзга чиройдир,
Аҳду паймон, сўзга чиройдир,
Оқ лолалар,
Минг бор товланар,
Оқ толалар, олтин толалар.

ШОДОНЛИГИМ-ШОДЛИГИМ

Саодатга яралган,
Шодонлигим-шодлигим.
Қўшиқ бўлиб таралган
Шодонлигим-шодлигим.

Нурли акси юзимда,
Меҳри тўла кўзимда,
Дилдан чиққан сўзимда
Шодонлигим-шодлигим.

У гул бўлиб очилган,
Эл завқини оширган,
Шуълалардай сочилган
Шодонлигим-шодлигим.

Қайнаб турар булоқдай,
Ҳамишалик ўртоқдай,
Чарақлаган чироқдай
Шодонлигим-шодлигим.

Бахтим қушин қўндирган,
Ешлигимдан кулдирган,
Давронларни тўлдирган,
Шодонлигим-шодлигим.

Чин меҳнатга ўргатган,
Ҳам яйратган ўйнатган,
Мўминни ҳам сўйлатган,
Шодонлигим-шодлигим.

СИЗ РАҲНАМО ЯХШИЛАР

Сизга таъзим, саломимиз,
Энг аввало, яхшилар.
Хуш келибсиз, бош устига,
Минг марҳабо, яхшилар.
Кўнглингиздан кўнглимизга
Меҳрингиз йўл топибди.
Файзингиздан даврамизда
Завқу сафо, яхшилар.
Бизлар учун улуғ бахтдир
Тўймоқ дийдорингизга,
Суҳбатингиз тортар гўё
Оҳанрабо, яхшилар.
Одам билан олам обод,
Одам билан одам шод,
Элга сиздан одат бўлган
Аҳду вафо, яхшилар.
Кўзлар кўзга тушганида
Яна меҳр товлангай,
Мамнунликдан кўзларда ҳам
Порлар зиё, яхшилар.
Яхшилиқни ўргатдингиз,
Сиз — дўстлару Мўминга,
Бахт йўлида кўпга бўлинг
Сиз раҳнамо, яхшилар.

ПОЛВОН КУЗИМИЗ

Ҳосилдан сеп ёзган водий, бўзимиз,
Солланиб кезмоқда меҳмон кузимиз,
Ошнолар сафида кулган юзимиз,
Гул сочган дур сочган ҳар ён кузимиз,
Меҳнатда тобланган полвон кузимиз.

Оқ олтин чамани очилган роса,
Чаноқлар мисоли дур тўла коса,
Фусункор жилмаяр қуёш — раққоса,
Ҳосилни тер дейди чаққон кузимиз,
Пахтаси, бугдойи хирмон кузимиз.

Осмондай ишкомда минг хил узумлар,
Олмаю ноклари — шарбатли хумлар,
Дўстларга улашмоқ яхши удумлар.
Новвот ранг либосли боғбон кузимиз,
Ясанган, тусанган жонон кузимиз.

Ажойиб фурсатдир кузнинг ҳар куни,
Маъмурлик яратар яқун-мазмунни,
Шайланиб кутамиз доимо уни,
Мўлчилик конига дармон кузимиз,
Пахтакор мардларга майдон кузимиз.

ЕР ВА ДИЕР ҚҶШИҒИ

Тўпланганмиз дўсту ёр,
Дилларда орзу, виқор.
Дастурхон тўкин бисёр,
Яшайлик соғ, бахтиёр,
Омон бўлсин ёр, диёр.

Бу шодлик, айём янги,
Табрик, ассалом янги,
Ҳурмат-эҳтиром янги.
Бундай даврон қайда бор.
Омон бўлсин ёр, диёр.

Ширин суҳбатлар учун,
Жонон улфатлар учун,
Ишда суръатлар учун,
Яна янграсин гулёр,
Омон бўлсин ёр, диёр.

Тўйни тўйга улайлик,
Хизматга шай бўлайлик,
Куйлашайлик, кулайлик,
Тонглар отсин бегубор,
Омон бўлсин ёр, диёр.

ПАХТА ТЕРСАМ

Дўстларимдай тонгда турсам,
Пахтазорим бўйлаб юрсам,
Пешона тер завқин суриб,
Пахта терсам, пахта терсам.

Очилганда минг-минг чаноқ,
Нур сочади мисли чироқ,
Кўнглим яна бўларди чоғ,
Пахта терсам, пахта терсам.

Ўтказмасдан олтин вақтим,
Элга пахтам этай тақдим,
Кулар менинг кулган бахтим,
Пахта терсам, пахта терсам.

Пахтазорлар — чаманзорлар,
Ҳосил фасли элни чорлар,
Кўксим узра юлдуз порлар,
Пахта терсам, пахта терсам.

Машинамда урсам жавлон,
Оқ олтинлар бўлар хирмон.
Довруғ ёяр Ўзбекистон,
Пахта терсам, пахта терсам.

ТОШМИ ҚИЗЛАРИ

Эй, ТошМИ қизлари, айтиб берингиз,
Фарғонадан келган қайси бирингиз?
Бухороданмисиз ёки Тошкентдан,
Қайси бўстонимдан она ерингиз?
Бунчалар дилдорсиз, ТошМИ қизлари,
Илму фан кўкининг шўх юлдузлари.

Чамандан чиройли фан саройингиз,
Гулдай кулиб боқсин «5» баҳойингиз.
Устозлар қўлида ўқиб, ўрганиб,
Шифохоналарга етсин пойингиз.
Тунлари бедорсиз, ТошМИ қизлари,
Илму фан кўкининг шўх юлдузлари.

Ойлар чирой олар юзларингиздан,
Маънолар тераман сўзларингиздан,
Жозиба ярашмиш сизга шунчалар,
Меҳрингиз сезилар кўзларингиздан.
Доною ҳушёрсиз ТошМИ қизлари,
Илму фан кўкининг шўх юлдузлари.

Эл ичра топингиз ҳурмат-эҳтиром,
Сизлардан кимларга айтайин салом,
Ўнгитлар кўржаанда роса маҳлиё,
Қалбимга бердингиз давою илҳом.
Азиз шифокорсиз, ТошМИ қизлари,
Илму фан кўкининг шўх юлдузлари.

ФАРЗАНД БУЛАЙ

Шул дуторим торига пайванд бўлай,
Завқингизни куйламакка банд бўлай.

Меҳрингизни сездиму қайнар дилим,
Кенг жаҳонга сизгаин хурсанд бўлай.

Куйларим қолсин юрак меҳваридя,
Тил топиб сизлар билан, дилбанд бўлай.

Кўзламангиз ҳеч қачон, кўзлар ҳақи,
Мақсадим чин, яхшилар монанд бўлай.

Ешлигим ардоқлагай даври элим,
Сизга мен Мўмин каби фарзанд бўлай.

БАХТИМ БОР

Бахтим, бахтим, бахтим бор,
Умрим бўйи бахтим ёр.
Доим яшнаб яшарган
Бахтим йўли чаманзор.

Бахтим завқи кўнглимда,
Гули кулган қўлимда,
Бахти ўхшаш бахтимга
Дўстларим бор йўлимда.

Бахтимга ёр замонам,
Ёруғ этди пешонам.
Бахту меҳнат меваси
Тилимдаги таронам.

Бахтимнинг ўз йўли бор,
Бахтимнинг ўз гули бор.
Бахтли бошим силаган
Партиямиз қўли бор.

НОМИ КҮЧГАН ҚҮШИҚЛАРГА

Тошкентимдан доврӯғ ёйиб чиққан полвон,
Жанггоҳларда Алпомишдай урган жавлон,
Ғалабанинг тонғларига қўшолган шон,
Собир Раҳим ўғли — полвон — марди-майдон.

Ешлигидан чиниққанди аскарликда,
Урнак бўлган камол топиб камтарликда,
Тадбиркору ҳам донодир сарварликда,
Собир Раҳим ўғли — полвон — марди-майдон.

Энг биринчи генералдир чаман ғлда,
Маҳкам эди ҳар доимо белбоғ белда.
Ғурур билан ёдланади ҳар бир дилда,
Собир Раҳим ўғли — полвон — марди-майдон.

Саркор бўлган наъра тортган қўшинларга,
Писанд қилмай отлар солган тўсиқларга,
Номи кўчган ўзи севган қўшиқларга,
Собир Раҳим ўғли — полвон — марди-майдон.

МАРДЛИК МАДҲИ

Таҳсин айтай мен одамлар мардига,
Мард ярайди доимо эл дардига.
Ҳеч ёмонлик истамас инсонга мард,
Доғ туширмас умрида виждонга мард.

Яхшилардай ҳеч қачон кек сақламас,
У ёмонни қайда кўрса ёқламас.
Қаҳрамонлик қилса мард мақтанмагай,
Сохта обрў, сохта йўл ахтармагай.

Яхши ният, яхши одат унга ёр,
Мардга ҳамроҳ ҳар сафар андиша-ор,
Бермас озор ўзгаларнинг қалбига,
У етар дўст ҳам қариндош қадрига.

Гоҳи-гоҳи учрагай номард одам,
Ғам таралгай даврага қўйса қадам,
Ҳар қадамда пайқагай номардни эл,
Унда асти ўзга тил бор, ўзга дил.

Мардни кўрсанг кўнгли тоза кенг бўлар,
Барча ерда кекса-ёшга тенг бўлар.
Тантиликдан элга ёйгай яхши ном,
Мард одамга сақла, Мўмин, эҳтиром.

ЮЛДУЗ ТАҚДИМ ЮЛДУЗДАН

Осмон ерга ўхшарми,
Юлдузлари кўчарми? .
Юлдузлари чарақлаб
Пахтазорга тушарми?

Оқшом боқсам осмонга,
Ухшар чаман бўстонга,
Чарақлаган юлдузлар
Қарайди ер томонга.

Ерга боқсам кундузи,
Осмон мисол ер юзи.
Пахтазорга кўчибди,
Чаноқлари — юлдузи.

Пахтазорни яшнатдим,
Юлдуз билан ясатдим.
Пайкалларни юлдузли
Осмонимга ўхшатдим.

Пахтазорим — осмоним,
Юлдуз тўла бўстоним,
Юлдуз тақдим юлдуздан,
Чарақлади армоним.

УЛКАМ ЯСАНИБДИ

Гуллар сочилиб, байрам ясанибди,
Байрамни севиб ўлкам ясанибди.

Бу ҳусну жамол дўст меҳнатидан денг,
Кундан-кун элим кўркам ясанибди.

Кўчалар кўрки — қирмизи алвонлар,
Байроқлар ила кўк ҳам ясанибди.

Ун бешта бўлиб сафда юрар дўст,
Дўстларга қаранг, там-там ясанибди.

Эркин таралар қуёш шуълалари,
Кўзлар ўнгида олам ясанибди.

Меҳнату фанда голиб кела олган,
Ҳурлик яратиб одам ясанибди.

Мўмин, эта бер шодликни тарона,
Куй билан кўнгил хуррам ясанибди.

ПАХТА ЖИЛВА ҚИЛАР

Пахта жилва қилар дурдона бўлиб,
Гоҳо жилва қилар гул, шона бўлиб.

Қайси юрак унга бўлмайди мафтун,
Барча хизмат этар фармона бўлиб.

Фан мўъжизаси у, меҳнат меваси,
Пахтакор тер тўкар мардона бўлиб.

Унда жозиба бор, унда табассум,
Хирмон товланади кошона бўлиб.

Дейдилар пахтада меҳригиё бор,
Таърифин ёямиз шодона бўлиб.

Пахта жилвасидан юзларда ҳанда,
Ҳосилни терар эл дўстона бўлиб.

Не сабабдан пахта оппоқ, беғубор,
Она ер сут берган чин она бўлиб.

Пахта тўйи, Мўмин, тўйга улангай,
Меҳмон кутар ўлкам тўйхона бўлиб.

ОТА-ОНАНГГА

Чин фарзандлик бурчингни кўрсат ота- онангга,
Умринг бўйи сақлагин ҳурмат ота-онангга.

Онанг берса оппоқ сут, отанг қилган насиҳат,
Этма зинҳор ишингдан миннат ота-онангга.

Ошно тутиб ёмондан, кирма хато йўлларга,
Туширмагил доғ ила кулфат ота-онангга.

Ёр васлига етишгач, улар меҳрин унутма,
Қариб қолишса бўлгин қувват ота-онангга.

Уларни сен сийласанг, эл сийлайди сени ҳам,
Яхши одоб билан бўл зийнат ота-онангга.

Юрту элингга, Мўмин, хизмат эт чин дилингдан,
Дўстлар десин ҳамиша раҳмат ота-онангга.

УСТОЗЛАР

Меҳр нури ёғар доим
Кўзингиздан, устозлар,
Юрсам дейман шу табаррук
Изингиздан, устозлар.

Чин инсонлик китобига
Бахту ҳикмат битибсиз,
Одоб ила билим олдим
Сўзингиздан, устозлар.

Қалбингизнинг йўқ ғубори,
Меҳрибонсиз шунчалар,
Қуёш олмиш ҳароратин
Юзингиздан, устозлар.

Фан боғининг боғбонисиз,
Чароғбонсиз кўнгилга,
Минг эҳтиром ўғлингиздан,
Қизингиздан, устозлар.

Жой олдингиз бир умрга
Шогирд юрак тўридан,
Мўмин ҳаёт дарсин ўқир
Ўзингиздан, устозлар.

КЕТМА-КЕТ КЎКЛАМ КЕЛИБ

Лолалар тўлди уйимга,
Янгидан кўклам келиб.
Куйларимга завқ қўшилди,
Кетма-кет байрам келиб.

Меҳнату ижодда, дўстлар,
Бор фароғат-роҳатим,
Санъатимни элга сўзлар
Ҳар баҳор кўркам келиб.

Ким ясанмас, ким севинмас
Бу баҳорлар тонгида,
Сайри гулга таклиф айлар
Дўстларим ҳар дам келиб.

Бор-чаманлар нурга тўлди,
Кийди ёшликдан либос,
Байраму тўйларга ўхшар
Кунларим хуррам келиб.

Бу гўзал юртимни кўз-кўз
Айлагайман барчага,
Мақтаса арзир, Мўмин,
Бахтингни кенг олам келиб.

СУЗИ САНЪАТ, ДЕСИНЛАР

Одоб билан сўз олгин, сўзи санъат, десинлар,
Маъносига етганлар бу ҳақиқат, десинлар.

Ихлос қўйиб дилингдан, битирсанг эл ишини,
Мамнун бўлиб одамлар сенга раҳмат, десинлар.

Юриб мардлар йўлидан, чўлларда боғ яратсанг,
Тотиб кўриб мевангдан ширин-шарбат, десинлар.

Ҳар ким ҳаёт дарсига амал қилса зиёнмас,
Ўздан улуғларга, биздан, хизмат, десинлар.

Камтарин ҳеч камаймас, бўлиб обрўи осмон,
Ўзинг йўғингда дўстлар, у серҳиммат, десинлар.

Севишдан ҳам севилмоқ мушкул тушар ҳамиша,
Ёрига ул етишди чекиб заҳмат, десинлар.

Кўплар меҳрин қозонмоқ — бу энг олий мукофот,
Улфатлари Мўминга, кел марҳамат, десинлар!

КҰНГИЛ КҰНГИЛГА

Толе қуши кўнганда қўлга,
Севгидан нур сочилгай йўлга.
Гулни эса қўшарлар гулга,
Мос тушганда кўнгил кўнгилга.

Йўл кўрсатар вафо китоби,
Сеҳрлидир ҳар битта боби.
Достон бўлур севги одоби,
Мос тушганда кўнгил кўнгилга.

Садоқатдан меҳр уйғонур,
Юзлар лола, кўзлар ҳам ёнур,
Ҳузур тўла диллар тўлғонур,
Мос тушганда кўнгил кўнгилга.

Дилдан дилга ишонч қуюлгай,
Яшаш яна тотли туюлгай,
Дўстлар эса чиндан суюнгай,
Мос тушганда кўнгил кўнгилга.

Пингит қизга, қиз йингитга ром,
Мўминга бу бахш этар илҳом,
Ҳаёт бахти этади давом,
Мос тушганда кўнгил кўнгилга.

МАҚСАДЛАРИ ЯГОНА

Ғўзаларда ҳар шона
Очмоқда гул-дурдона.
Пайкалларга — водийга
Таралди шодиёна.

Пахта гули сулув гул,
Йилдан-йилга ҳосил мўл,
Деҳқонларнинг қўли гул,
Мақсадлари ягона.

Майин кулиб келар куз,
Қўйни тўлиб келар куз,
Хирмон бўлиб келар куз,
Тарқар доврўқ-тарона.

Ғўзаларда ҳар шона
Очмоқда гул-дурдона.
Пайкалларга — водийга
Таралди шодиёна.

ТИЛЛОЛАРГА БАРОБАР-

Пахтакорим билимдон,
Доноларга баробар,
Шараф ила доврўғи,
Дунёларга баробар.

Севиб ёру диёрин,
Пешонадан тўкар дур,
Табаррук ер ҳосили
Тиллоларга баробар.

Чаноқларда талпинган
Оққушларим — пахталар,
Пахтакорим бахти ул,
Ҳумоларга баробар.

Юлдуз таққан кўксига,
Давраларда басавлат,
Олтин тоғлар тиклаган —
Самоларга баробар.

Хирмонлари товланар
Нур сочганча ҳар ёнга,
Тонгда қуёш таратган,
Зиёларга баробар.

Мўмин, бўлгин таъзимда
Уктам олтин қўлларга.
Партиям, эл баҳоси —
Аълоларга баробар.

ИМТИҲОН ЭТ

Имтиҳон эт, ён-берингга тўлса дўст,
Шошма унча бесабаб ўргулса дўст.
Эсда тутгил, дўст эмас ул дўст эмас —
Қайси дўстинг душманингга бўлса дўст.

Бу каби дўст душманингдан ҳам ёмон,
Пайқамайсан у томонми сен томон?
Қолди кимлар ички душмандан омон?
Қайда бўлса сенга содиқ қолса дўст.

Яхши дўстлар ул шайиндай оғмагай,
Йиғлаган чоғингда бирга йиғлагай,
Шодлигингдан ҳеч қаерга сиғмагай,
Кулганингда чин юракдан кулса дўст.

Ялтироқдир баъзи ошнолар сўзи,
Ҳар қаерда дўстлигин мақтар ўзи,
Лаблари кулган билан кулмас юзи,
Бир-биридан тоза кўнгил тўлса дўст.

Икки юзлилар тутарлар ўзга йўл,
Барчадан кечгай ўзига келса қўл,
Бундаини дўстдан, Мўмин, ҳушёр бўл,
Дўст эмас ул душманингга бўлса дўст...

ТАЪРИФИ ДОСТОН ПАЛОВ

Палов-палов, жон палов,
Таърифи достон палов.-
Кўп таомлар бобида
Осон-у, арзон палов.

Меҳмон учун обрўйим,
Усиз ўтмайди тўйим,
Таъми созим, хушбўйим,
Қадрдоним, жон палов.

Ишдан кейин дил чоғлаб
Қапгирни белга боғлаб,
Қўй ёгини хўп доғлаб,
Пиширдим жонон палов.

Лиммо-лим ойдай лаган,
Келсин кўнгил хоҳлаган.
Кўрганда кўзни олган —
Қип-қизил алвон палов.

Бир четдан қўл узатиб,
Ён-берини тузатиб,
Иштаҳани қўзғатиб,
Еганлар полвон, палов.

Устидан кўк чой ичсанг,
Ҳатто ой томон учсанг.
Ва қайтиб ерга тушсанг,
Бахш этар дармон палов.

Топганингнинг ҳар сўмин
Паловга сарфла, Мўмин,
Аҳли дўст табассумин —
Этар бир жаҳон палов.





ЯХШИЯМ СЕВГИ БОР

СЕВИЛГАНЛАР, СЕВГАНЛАР

Етсин мақсад-муродга,
Севилганлар, севганлар.
Чирой сочар ҳаётга
Севилганлар, севганлар.

Севилмоқ соз, севмоқ соз,
Одат бўлсин одоб, ноз.
Топар ҳурмат ва эъзоз,
Севилганлар, севганлар.

Тушунгай дил сирига,
Азиздир бир-бирига.
Бахт улар тақдирига
Севилганлар, севганлар.

Қимки севса ёрини,
Ардоқлар диёрини.
Чалар шодлик торини,
Севилганлар, севганлар

Мўмин, ет муддаога,
Севги ўхшар давога.
Вафо боғлар вафога,
Севилганлар, севганлар.

БУНЧА ДОНО СЎЗЛАРИНГ

Бир қўшиқдай дилга ёқди,
Дилда қолди сўзларинг.
Тотли маъноси биланми
Ақлим олди сўзларинг?

Тингладим мен, англадим мен
Сўзларингнинг ҳар бирин.
Ишқ саводин энг биринчи
Ургатолди сўзларинг.

Чин умид бахш этди менга,
Бу вафодан ваъдами?
Мақсадимни мақсадинга
Мос этолди сўзларинг.

Едлаб олдим, келганингда
Бирма-бирлаб айтайин,
Қалбдаги орзу-умидим
Куйга солди сўзларинг.

Кўзларингда борми сеҳринг,
Мунча доно сўзларинг?
Юзларингда борми меҳринг,
Мунча аъло сўзларинг?

КҮНГЛИМ ОЛДИ БИР ҚАРАБ

Базм аро бир нозанин кўнглим олди бир қараб,
Ё уялди кимдан ул, ўйга толди бир қараб.

Бу қадар оҳу қараш ҳар юракни ўртагай,
Қанча одам измини торта олди бир қараб.

Ёнида қизлар билан аста кўзгалди гўзал,
Боғидан гул тергали йўлни олди бир қараб?

Қокилин ўйнаб борар талпиниб учмоқчидай,
Не учун танҳо ўзи четда қолди бир қараб?

Билдируга розини шарми ё йўл қўймади,
Кўзларидан сўзларин айта қолди бир қараб.

Қанчалар баҳра олур, бу қарашлардан Мўмин,
Қай чамандан излайин, у йўқолди бир қараб.

ҚҰШИҚ АЙТИБ...

Құшиқ айтиб, йигит, сени ўйлатдимми?
Ухлоқмидинг ё уйқунгдан уйғотдимми?

Нелар бўлди, безовтасан, термуласан?
Ё бемаҳал қалб торингни сўйлатдимми?

Севги ёмон, фил гавданга ишонмагил,
Тог бўлсанг ҳам ўз ўрнингдан қўзгатдимми!

Мунча менга қарайвериб хўрсинасан,
Севги гулим бўйларини тўзғатдимми?

Боғимдан гул узаман деб умид қилма,
Гулзоримга бегонани йўлатдимми?

Йўлим бошқа, дилим бошқа, севганим бор,
Қўшиқ айтиб юрагингни ўйнатдимми!

БУ ҚАНДАЙ САВДО

Хаёл олиб кетарди гоҳо,
Юргим келар доимо танҳо.
Ураб олган бир оҳанрабо,
Дардим йўғу излайман даво,
Билмайсизми, бу қандай савдо?

Эшитганим ширин эртақлар,
Оғушига аста етаклар.
Кимдир менга тутар чечаклар,
Этган бўлар зору илтижо,
Билмайсизми, бу қандай савдо?

† Бир одамни ўйларман ҳамон
Қандай яхши, қандай бенуқсоң.
Бўлсин дейман бахтимга омон,
Ўўлларимдан қайтарар ҳаё,
Билмайсизми, бу қандай савдо?

Баъзан ювош, Мўмин бўларман,
Ўз ҳолимга ўзим куларман,
Бирдан яна завққа тўларман,
Юрагимдан таралар нидо,
Билмайсизми, бу қандай савдо?

ТОНГ ЮЛДУЗИМСАН

Ором олгин қизгинам,
Ухлаб мулойим.
Еғар сенға дилимдан
Меҳригёйим.

Қараб асло тўймайман,
Ширинсан бунча,
Саодатим боғидан
Сен битта ғунча.

Кўзларимдан нур сочай —
Тонглар отгунча.

Еногингда меҳримдан
Табассум порлар.
Чаманларда югурсанг,
Кулар гулзорлар.

Қизалоғим, оппоғим
Гўё ўзимсан
Бугунимсан, эртамсан,
Нурли изимсан.
Ярақлаган бахтимдай,
Тонг юлдузимсан.

ВАФОНИ ҒОЯ ҚИЛДИ

Жононга ташласам сўз,
Аста киноя қилди.
Ер остидан сузиб кўз,
Ишқдан ҳикоя қилди.

Ҳар сўзни юз бор ўйлаб,
Гўё кўнгилда куйлаб,
Айтар ҳикоясига
Вафони ғоя қилди.

Жонон айтган ҳикоят
Маъноли эрди ғоят.
Одоб-ибога аввал
Узи роя қилди.

Қараб ҳуснига хомуш,
Кўрар эдим ширин туш.
Тикилганимни пайқаб,
Қўлини соя қилди.

Севиб-севилганлардан,
Бахтдан севинганлардан,
Келтирган бир мисоли
Менга кифоя қилди.

Ортиқча сўз деёлмай,
Турган эдим кетолмай.
Мўминлигимни пайқаб,
Севгим ҳимоя қилди.

РАЪНОСИ БИЛАН

Бир йигит боғда турарди
Қўлда раъноси билан,
Ерига ул гул тутарди
Севги маъноси билан.

Суҳбат айлашди йигит-қиз
Васл чоғи яйрашиб,
Қиз боқар ёри—йигитга
Нозли шаҳлоси билан.

Шунчалар одобда яхши,
Икки қушдай меҳрибон,
Бир-бирига тенг экан хўп
Ҳусну сиймоси билан.

Қайси водий ёшлари деб,
Сўрасангиз, дўстлар, агар,
Пахтазорда ишлаганлар
Меҳру ихлоси билан.

Бахтини топган экан денг
Бу чаманда икки ёш,
Қиз боқар энди йигитга
Қўлда раъноси билан.

ГУЛ УЗАТСАМ ҚҰЛИНГГА

Гул узатсам, жонон, қўлингга,
Қараб қўйдинг ўнгу сўлингга...

Уялдингми ё ўзгалардан
Қандай хаёл келди кўнглингга?

Балки берар бирор маслаҳат —
Қулоқ солиб кўргин дилингга.

Мос келгандай кўнглингга кўнглим,
Мос тушибди гулим гулингга.

Қувончимга шерик бўл, жоним,
Мададкорман ҳар мушкулингга.

Муҳаббатда бўлай ҳамроҳинг,
Нур, пояндоз этай йўлингга.

КЎРИНГАЙ

Ошиқ учун маъшуқ танҳо кўрингай,
Хумор кўзда минг илтижо кўрингай.

Учрашганда гулга боққан жононда,
Одоб ила шарму ибо кўрингай.

Гўзаллигин сезмаса ҳам ўзгалар,
Ўз севгани кўпдан аъло кўрингай.

Қайга кетса тортар ақлу қалбини,
Ер жамоли оҳанрабо кўрингай.

Садоқатнинг қуёшидан ҳамиша,
Висол йўли узра зиё кўрингай.

Суҳбат чоғи ошиқ-маъшуқ сўзлари,
Ҳам ёқимтой, ҳам сермаъно кўрингай.
Мўмин дейди, бир мақсадли дилларда
Умр бўйи аҳду вафо кўрингай.

СИЗДАН

Топай бахтимга бахт, жонона, сиздан,
Малоҳатда қолур фарзона сиздан.

Узингизга кўрурсизми муносиб?
Дилим ҳеч бўлмасин вайрона, сиздан.

Агар олтин бўлиб қолса ажабмас,
Қадам қўйган замон остона сиздан.

Юрак тори бериб тургай нишона,
Бўлур кулбам чаман кошона сиздан.

Бу меҳнат саҳнида давуғ ёйибсиз,
Кўнгил боғим бўлур нурхона сиздан.

Гўзал Тошкент, Самарқанди сўзингиз,
Қўшиқ куйлар бугун Фарғона сиздан.

Умр бўйи бўлайлик чин вафодор, —
Мўминдан илтимос, жонона, сиздан.

ГУЛЗОР ЯХШИДИР

Икки кўнгил келиб мос, ёр бўлса, ёр яхшидир.
Ишқини бир-бирига этса изҳор яхшидир.

Юракларин торлари бўлса мудом оҳангдош,
Тушгач кўзи кўзига, боқса хумор яхшидир.

Ёшликдаги муҳаббат кундан-кунга очар гул,
Сўзлари чин йигитга лола рухсор яхшидир.

Сайр айласа ҳар инсон ўзи очган чаманда,
Пешона тер тўкилган боғу гулзор яхшидир.

Ҳаёт ширин туюлгай бўлганда қадру қиммат,
Бир умрга тузилган аҳду қарор яхшидир.

Муҳаббат-у меҳнатда ҳамкор экан кўнгиллар,
Йиллар ўтиб ўғил-қиз юрса қатор яхшидир.

НЕГА БУНДОҚСАН?

Сени кўрсам гоҳо қувноқсан,
Қимларгадир гўё муштоқсан...
Кўзим тушса, бўлиб хижолат,—
Қизаргайсан — лола яноқсан.
Руҳинг тушиб кетар ногаҳон,
Бирдан ўчиб ёнган чироқсан.
Бир қарасам тўлиб шодликка,
Шарқираган жўшқин булоқсан.
Пинҳон-пинҳон боқар кўзларинг,
Хаёлингга ўзинг иноқсан.
Ишончинг йўқ ошкор этишга,
Ўз сирингдан ўзинг йироқсан,
Хаёл қушинг безовта, Мўмин,
Билолмайман, нега бундоқсан?

ҲЕЧ БЎЛМАСА..

Бир қара, соҳибжамол, ҳеч бўлмаса,
Кетмайин ҳозирча қол, ҳеч бўлмаса,
Менга қўй шарту мисол ҳеч бўлмаса,
Терганим шу гулни ол, ҳеч бўлмаса,
Жилмайиб қўйгил хиёл, ҳеч бўлмас.

Кўзларим тўйсин кўриб қадду бўйинг,
Ё аразга тўлдими кўнглинг, ўйинг?
Гар жавоб айтиш сенга бўлса қийин,
Майли, бер менга савол, ҳеч бўлмаса
Жилмайиб қўйгил хиёл, ҳеч бўлмаса.

Эҳтимол бермасми йўл одоб-ибо,
Сўзласанг гунча лабинг кулгайми ё?
Пайқамай қолдимми мен қилсанг имо.
Эт висол пайтин хаёл, ҳеч бўлмаса,
Жилмайиб қўйгил хиёл, ҳеч бўлмаса.

Барқ урар бу ёшлигинг нурдай кулиб,
Тинглагил, мақтай сени кўнглим тўлиб,
Мен ҳузурингда турай Мўмин бўлиб,
Бир ширин сўз айта қол, ҳеч бўлмаса,
Жилмайиб қўйгил хиёл, ҳеч бўлмаса.

«КУЙИБ» ҚОЛИБДИ

(Ҳазил)

Бир гўзални беш йигит
Суюб қолибди,
Бирданига тўрттаси
«Куйиб» қолибди...
Эвоҳ, нега куйибди,
Ут тушибдими?
Ишқнинг олов йўлидан
Утишибдими?

Улар юрак азмига
Бўйсунардилар,
Жонон ўтса бешовлон,
Хўрсинардилар.
Бир-биридан яшириб,
Кўнгил сирини,
Ташлардилар санамга
Кўзлар қирини...
Гўзал эса бепарво
Утарди аста,
Ва лекин бир йигитга
Боқар шикаста.
Сўнг ўтдилар тўртовлон
Бошқа томонга!
Чиқардилар жононни,
Тамом «ёмон»га!
Бир гўзални беш йигит
Суюб қолибди.
Бештасидан тўрттаси
«Куйиб» қолибди...

КИМ УРГАТДИ ФИРОҚНИ?

Моҳир эдинг, жонон, одоб-икромга,
Қўшар эдинг доим илҳом илҳомга.
Сен ўтибсан, энди бошқа мақомга,
Умидларим ўхшадилар тамомга...

Олти гўзал ўтардингиз теришиб,
Севганим шу дея юрсам керишиб,
Назар-писанд этмадинг ҳеч эриниб,
Ким ўргатди товуснамо хиромга?

Бошқаларга қайнаб чиқди сўзларинг,
Гўё мени пайқамасди кўзларинг,
Бурилмасди мен томонга юзларинг,
Доғ туширма жонон деган бу номга.

Ҳолатингга бўлиб қолдим маҳлиё,
Узингсан-ку, ҳозир ўзга сен гўё,
Қувончларим олдин эди бир дунё,
Шу сабоқми ишқда мендай авомга?

Ким ўргатди таманно-ю, фироқни?
Учирмагил севги деган чироқни.
Бу Мўминга яқин этгил йироқни,
Отмагил тош дилим тўла оромга.

СУРАТИНГНИ САҚЛАГАЙМАН

(«Жон қизлар» комедиясидан)

Суратини ҳадыя этган,
Бўлғуси ёр сенмисан?
Севги боғим гулларига,
Бир умидвор сенмисан?
Кўнглима мос келди кўнглинг
Бу муҳаббат тонгида,
Сирли ишқимни тополган
Ёри ҳушёр сенмисан?
Севгимиз у гунча гўё .
Чин вафодан гул очур,
Ёш юракнинг айтганига
Бўлган иқро, сенмисан?
Суратингни сақлагайман
Соф муҳаббат рамзи деб,
Аҳду паймонига содиқ,
Ёр-вафодор сенмисан?

ГУЛНИ ЭТМА БЕЗОВТА

(Қиз қўшиғи)

Севги йўли мушкул дерлар, толмасман,
Қалбим айтар сўздан асло қолмасман.
Маъзур тутгил ва кечиргил, эй йигит,
Менга тутган гулдастангни олмасман.

Ишқ йўлида адашибсан, шошибсан,
Мағрурланиб ўз ҳаддингдан ошибсан.
Кўнгилнимас, гулни қўйиб ўртага —
Ниятингни жуда эрта очибсан.

Уйламасдан чаманзорга кирибсан,
Куйиб-ёниб, талай гуллар терибсан.
Гул қадрига ета олмай ногаҳон,
Гулни узиб, унга озор берибсан.

Агар сенинг кўнглинг бўлса бировда,
Оҳ, бунчалар гулни этма безовта.
Қизлар кўнгли гуллардан ҳам сирлидир,
Аввал тоблан севги ёққан оловда!

АЙТИЛАРМИ АРЗИ ИШҚ

Айтиларми ҳар нигорга арзи ишқ,
Билдирурлар дилхуморга арзи ишқ.

Севги боғи ичра экмасдан ниҳол,
Айламаслар навбаҳорга арзи ишқ.

Топса ким меҳнат билан ўз бахтини,
Сўзла ундай бахтиёрга арзи ишқ.

Дилга дилни пайванд этган севгидир,
Мос келаркан интизорга арзи ишқ.

Яхши билмай борма ёрнинг ёнига,
Ҳеч ярашмас беқарорга арзи ишқ.

Тушмасин доғ одамийлик шаънига,
Садқа кетгай кўнгли торга арзи ишқ.

Арзи ишқ айтишда ҳам одоб зарур,
Айтма, Мўмин, ёри борга арзи ишқ.

СЕВГИ СИРИ

Қўл бўйида икки барно
Сайр этарди, ёр-ёр,
Севги сири дилларини
Сайратарди, ёр-ёр.

Шивирлашиб бир-бирига
Сир айтишар, ёр-ёр.
Икки йигит қулоғини
Қизитишар, ёр-ёр.

Уй суришар сувга солиб
Қокилини, ёр-ёр.
Қиз билади қиз тилини,
Қиз дилини, ёр-ёр.

Икки гўзал битта боғнинг
Қўш ғунчаси, ёр-ёр.
Йигитларни синаймиз, дер,
Тушунчаси, ёр-ёр.

Гуллар очсин икки дилнинг
Бирлиги, ёр-ёр.
Ширин экан муҳаббатнинг
Сирлиги, ёр-ёр.

ЭЪЗОЗ ЭТАРДИ

Ер олдида қиз ноз этарди,
Нозини ё пардоз этарди.
Хаёлинда парвоз этарди,
Ноз этарди, ул ноз этарди,
Ўз ишқини эъзоз этарди.

Салом бериб турарди гўё,
Назокати сочарди зиё,
Ярашарди одоб ва ибо,
Ноз этарди, ул ноз этарди,
Муҳаббатни ҳамроз этарди.

Гул рангими кўчган юзига,
Ердан боқар йнгит кўзига,
Ром бўларди юрак сўзига,
Ноз этарди, ул ноз этарди,
Дил торида куй соз этарди.

Гоҳо улар турар хомушдай,
Фурсат учар бир ширин тушдай,
Икки юрак талпинар қушдай,
Ноз этарди, ул ноз этарди,
Вафосини устоз этарди.

Бир-бирига ширин сўз излар,
Дил қувонар, ёнарди юзлар.
Учрашарди ишвакор кўзлар,—
Ноз этарди, ул ноз этарди,
Севгини ноз эъзоз этарди.

ВАФОДОРИНГМАН

Ишқингда етказ саодатларга,
Қолдирма, жоним, маломатларга.

Пинҳон эт, дерлар, севгингни элдан,
Е бош эгайми ул одатларга?

Парво этмайсан ҳажринг ўтидан;
Қалбимда ёнган ҳароратларга.

Кечма сўзингдан, асло ишонма
Бошқалар қилган сиёсатларга.

Минг бор синаб кўр, ўшал сўзим сўз,
Қўймасин сени хижолатларга.

Кулар истаклар кулган ҳаёда,
Берилма ортиқ хаёлотларга.

Сендурсан азал-охир севганим,
Элтар вафойинг фароғатларга.

Вафодорингман, Мўмин, умрбод,
Боқмагил ўзга малоҳатларга.

КУЛДИ ХИЁЛ, ИНДАМАДИ

Эй гўзал, номинг на деб, бердим савол, индамади!
Маҳлиё этди тамом офтобжамол, индамади.

Боғида танҳо ўзи гулми терар тонг чоғида?
Гулдайин кулган чирой бўлдим ила лол, индамади?

Боғини қилган экан санъатидан гулга макон,
Қокилин аста снлаб ўтса шамол, индамади.

Қўлида гул дастасин менга берар деб ўйласам,
Бағрига босди гулин, кулди хиёл, индамади.

Дер эдим мен ўзима: «Беҳудага ташлама гап»,
Билмадим, ул ким ила айлар висол, индамади.

Ерини таъриф этиб куйлар эди кўнглида ул,
Жавдирар эрди кўзи, сурди хаёл, индамади.

Кўнглида бошқа биров, севги вафодори яшар,
Шу сабаб барча сўзим келди малол, индамади.

ТАСЛИМ ЭТАЙ

Эй, санам, қалбимни ол, тақдим этай,
Ақлу одобинг учун таъзим этай.

Бир нафас, севги ҳақи, бер эътибор,
Сидқидилдан ўйлаган арзим этай.

Бахтиёр этмоқчиман бахтим билан,
Рози бўл, бахтингни мен бахтим этай.

Қелмасин асло малол дил сўзларим,
Аввало содиқлигу аҳдим этай.

Сўзларим буйруқ эмас, бир илтижò,
Севгига Мўминни ҳам таслим этай.

АЙЛА МИНГ БОР ИЛТИФОТ

Сенга бахтдир этса дилдор илтифот,
Айлагаймн меҳрин ошкор илтифот?

Илтифот ул соф муҳаббат сеҳридай,
Қандайин соз бўлса такрор илтифот

Чин садоқат, эҳтиромлар билдирур,
Кўрсатур чег моҳи рухсор илтифот.

Нозанинлар ҳуснидир одоб-ибо,
Бўлса эрди кўзда изҳор илтифот.

Елборишмас илтифотлар ҳеч қачон,
Ошиқ аҳлин этса ҳушёр, илтифот.

Кўз-кўз айлар борлигин нур қўйнида —
Гар қуёшдан кўрса гулзор илтифот.

Эй, Мўмин, сен ёрга ҳурмат сақлабон,
Айла мингбор, айла мингбор илтифот.

АҲДУ ВАФОДАН КЕЧМАС

Сўзда собит бўлса ёр,
Аҳду вафодан кечмас.
Ҳажрида ёнса ҳам зор
Одоб-ибодан кечмас.

Йўлиқма деб озорга
Уқдирсалар дилдорга,
Уз виждони буюрган —
Саҳву хатодан кечмас.

Кўнгилни ҳижрон ўртар,
Ёр меҳри ёрни тортар,
Зор айлаган гулзорда
Булбул наводан кечмас.

Гоҳо ўткир бўлса нур
Кўзларни қамаштирур,
Қалбан ўртанса ҳам ёр
Оташ — зиёдан кечмас.

Юрак сўзлар юракка,
Уз аҳдида турмакка,
Устозлардай Мўмин ҳам
Асло ошнодан кечмас!

БИР ОН КЕЛАҚОЛ

Фурсат топилиб қолса бегим, бир он келақол,
Мезбон бўлайин, сен бўлақол меҳмон, келақол,

Йўлларга кўзим нур таратур сенга атайлаб,
Пойингга мудом гул сочайин, сайрон келақол.

Боғим чечагин ҳуснин очар меҳри қуёшинг,
Бахтим чамани ичра ўзинг боғбон, келақол.

Ошифта юрак ўзни дегай мулки муҳаббат,
Кўнгил тўрида сенсан ахир султон, келақол.

Мўмин бўлибон кўз тутаман зору нигорон,
Уйлаб қоламан, ёлғонми у паймон, келақол.

ДОНО БУЛИБ

Арзи ҳолинг эшитса ёр доно бўлиб,
Сўзи сўзга жилва берса маъно бўлиб.

Севги билан сезиб турса ошифта дил,
Қайда бўлса қолдирса лол пайдо бўлиб.

Муҳаббатнинг мушкул йўлини этса осон,
Висол номли манзилгача ҳамроҳ бўлиб.

Ниҳолларни пайванд этса ниҳолларга,
Кулса гуллар чаманларда зебо бўлиб.

Кўнгилларнинг орзулари кўнгиллардан,
Таралсалар қўшиқ бўлиб — наво бўлиб.

Вафо дарсин ўқир Мўмин устозлардан,
Имтиҳондан ўтсам дебон аъло бўлиб.

СЕН ГҮЗАЛСАН

Гўзаллигинг қўлларингда,
Боғингдаги гулларингда,
Нур поёндоз йўлларингда,
Кўнгилдаги бир ғазалсан,
Сен гўзалсан — сен гўзалсан.
Гўзаллардан энг гўзалсан.

Барча кўрса кўзим бўлиб,
Енса дили ўзим бўлиб,
Таъриф этса сўзим бўлиб,
Сўлмайдиган гул маҳалсан,
Сен гўзалсан — сен гўзалсан.
Гўзаллардан энг гўзалсан.

Сенда бордай оҳанрабо,
Мафтун юрак истар даво,
Бахтимга бахт бўл доимо,
Мен ўйлаган — сен ўшалсан,
Сен гўзалсан — сен гўзалсан,
Гўзаллардан энг гўзалсан.

Кўзим равшан чиройингдан,
Одоб олдим ибойингдан,
Мўмин сўзлар вафойингдан,
Сен шунчалар мукамалсан,
Сен гўзалсан — сен гўзалсан.
Гўзаллардан энг гўзалсан.

МАҚТАНМАГИЛ

Содиқ бўлсанг сохта обрў ахтармагил,
Ёрим ундан, бундан дебон мақтанмагил,
Мақтовларга ўрганмагил, ўртанмагил,
Ўзгаларни этиб ҳайрон, мақтанмагил.

Давраларда гар берилсанг бу одатга,
Эшитганлар борар турфа хаёлатга,
Қолар ёринг, оҳ қанчалар хижолатга,
Чин кўнгилдан бўл меҳрибон, мақтанмагил.

Гоҳ мақтовга оғувчилар учрайдилар,
Хушомадни осмонидан тушмайдилар,
Вафодорлар мақтовларга учмайдилар,
Мўмин бўлиб ёр, ҳеч қачон мақтанмагил.

БУ ИШҚИНГГА ИШОНМАСМУШ

Таманнолар этиб жонон
Бу ишқингга ишонмасмуш,
Чекиб юрган фиғонинг ҳам
Унингча ҳеч фиғонмасмуш.

Кўча-куйларда учратсанг
Севинчинг дилга сиғмасди,
Қувонсанг васлини ўйлаб,
Ўзи асло қувонмасмуш.

Енарсан ҳажрида доим,
Дили мойил бўларму деб,
Эшитсам дўсту ёрлардан,
Сенинг ҳажрингга ёнмасмуш.

Кезармуш бевафо бирлан
Учибми ёки макрига?
Муносибмас деса барча,
Ўзича ул ёмонмасмуш.

Уни севган бу жонингни
Ўзи мушкулга қолдирди,
Унинг жони ширин жонмуш,
Сенинг жонинг-чун жонмасмуш.

Сезибди бевафо макрин,
Пушаймонмуш хатосига,
Ўзича энди ул жонон
Муҳаббатга ишонмасмуш.

ЖОНЛИ ГУЛДАСТА

Гулни бунча парвариш этдинг,
Баргларига ғазалми битдинг?
Гулдасталар тузиб келай деб
Чаман ичра ҳаёллаб кетдинг.

Яна кўрмоқ истардим сени,
Гулзорингдан ахтардим сени.
Кейин билсам боғда экансан,
Булбул бўлиб мақтардим сени.

Юрагимни очай мен аста,
Ҳузуримдан кетма бирпасда.
Керак эмас менга гулларинг,
Жоним ўзинг, жонли гулдаста.

ҚАЙСИ БИРИ

(Лапар)

Б и р и н ч и қ и з:

— Дугонажон, биласизми?
Ажаб ҳолга тушиб қолдим,
Менга ёрдам қиласизми?
Бир йигитни севиб қолдим.

У йигитнинг ўзи яхши,
Юртимизнинг баҳодирин,
Менга айтган сўзи яхши,
Исми ҳали юрак сири.

И к к и н ч и қ и з:

— Гап гапиринг пухта ўйлаб,
Севги бўлар юрак сири,
Қишлоқдаги йигитлардан
Айтақолинг қайси бири?

Шошилмасдан айтиш маъқул,
Нозик бўлар юрак сири.
Севарми ул, севмасми ул,
Синаб кўринг, қайси бири?

Б и р и н ч и қ и з:

— Бу гапингиз маъқул экан,
Рўмолимни яхши ўрай.
У ҳам мени севармикан,
Юрагини синаб кўрай.

У йигитнинг ўзи яхши,
Юртимизнинг баҳодирин.
Менга айтган сўзи яхши,
Исми ҳали юрак сири.

Иккинчи қиз:

— Ешлик ишқи гўё гунча,
Вафо бўлса яшнар гули.
Синаш билан унча-мунча
Билинмайди йигит кўнгли.

Шошилмасдан айтиш маъқул,
Нозик бўлар юрак сири.
Севарми ул, севмасми ул
Синаб кўринг, қайси бири?

КЎЗИМ АСЛО УЗУЛМАС

Изларингдан, ўзингдан
Кўзим асло узулмас.
Вафо учун сўз бердим,
Чин муқаддас-узулмас.
Боқиб одоб-иболи
Чиройдан нур сочурсан,
Сабаб шулким, кўзимдан
Мангу зиё узулмас.
Ипсиз сенга боғландим,
Боғладингми юракдан.
Сеҳри борми ё унинг
Занжирнамо узулмас.
Қўш кучи дунёни
Тўртар дерлар ўзига,
Дилни дилга тортувчи
Меҳригнё узулмас.
Кўнгилларга уланган
Ёхуд қўша тор борми?
Бунда тордан таралган
Ширин садо узулмас.
Боғлаб қўйган, эҳтимол,
Ишқу мақсад торлари,
Тортишса ҳам ва лекин —
У мутлақо узулмас.
Муҳаббатда садоқат
Қувват берур юракка.
Мўмин бунга гувоҳдир
Аҳду вафо узулмас.

ЕРИНГ КИМГА ОҒИБДИ?

(Қиз қўшиғи)

Уртоқжоним, бошинга қор ёғибди,
Билмадингми ёринг кимга оғибди?
Ширин сўзлаб гул узатса маккора,
Ҳийласини нега сезмай олибди?

Пайқабдимми ёринг ўнг-у сўлини?
Сезганмикин маккоранинг кўнглини?
Найрангини сезган бўлса мабодо,
Тан оларми ёринг хато йўлини?

Ҳузуринга бир куни у қайтарми?
Иқроп бўлиб ё афсуслар айтарми?
Адашгани ишқинг учун кечирсанг,
Яна сенга бевафолик айларми?

Уртоқжоним, бошинга қор ёғмаса,
Сен ёрингдан, ёринг сендан оғмаса.
Икки дилда бузилмаса бир қарор,
Вафо билан севгисини оқласа!

АНОР БАҲОНАСИ

(Қиз қўшиғи)

Анорзорлар аълосидир
 бизнинг анорзор,
Анорзордан айтадиган
 бир ҳикоям бор.
Қизлар билан терар эдим
 боғимда анор,
Бир ёш йигит анорзорга
 боқарди хумор.
Саватимдан битта анор
 олиб узатдим,
Бир бор боқди юзимга у,
 Анорга бир бор.
Шундан буён кун беришмас
 Қизлар қиқирлаб,
Билолмайман, анор берсам
 на маъноси бор?
Қаранг, билсам, гўё менга
 бўлмоқчимниш ёр.
Уша йигит кўрингудек
 бўлса кўзимга,
Хижолатдан икки юзим
 бўларди анор.

ТУЗДИМ ГУЛЗОР ОНАМГА

Ҳурматимни этай изҳор онамга,
Қўшиқларим онанзор, онамга.

Онам берган юрак билан, қўл билан,
Боғим аро туздим гулзор онамга.

Юрса агар гулзоримда оралаб,
Ҳатто гуллар бермас озор онамга.

Гулзоримни бир кун кезмай қолса у,
Менинг каби гуллар ҳам зор онамга.

Қуёш бордир онажоним меҳрида,
Таъзим этар боғу баҳор онамга.

Азизликда юрту онам баробар,
Қалбим тўла илҳомим бор онамга.

Умрим бўйи элим учун тўкиб тер,
Ҳурматимни этай изҳор онамга.

УЯЛАЙДИ У ЎЗИНИ

(Қиз қўшиғи)

Бир йигит бор донмо
Этар имо-илтижо...
Имосига боқмасдан
Утар эдим бепарво.

Мисоли гул эмишман,
Сочи сунбул эмишман.
Фақат мени севармиш,
Унга маъқул эмишман.

Кулиб боқсам бир бора,
Севаркан деб бечора —
Соя каби изимдан
Кезиб юрар тобора.

Ҳар кун чиқиб йўлимга,
Гул узатар қўлимга...
Ўз кўнглини ўйлар у,
Боқмас менинг кўнглимга.

Ҳар кимнинг бор армони,
Дилда аҳду паймони.
Даркор эмас севгида
Ўзга юрак фармони.

СОВЧИ КЕЛДИ

(Қиз қўшиғи)

Дил каптарин тутишга
Юрар овчилар.
Бугун бизнинг уйга ҳам
Келди совчилар.

Ёки улар тушганми
Менинг қасдимга,
Синов билан қарашар
Бўйи-бастимга.

Мен тушуниб турибман
Мақсад-ўйига:
Гўё олиб кетишса
Ҳозир уйига.

Дуқуллайдн юрагим,
Ловиллар юзим,
Нима учун келмайдн
Тилимга сўзим.

Сўрамадим, уялдим,
Келишган кимдан.
Улар келган бўлса-я,
Ўз севгилимдан.

ҲАР КУН ҚУЁШ АЙЛАНДИ

Саҳна узра бир қаламқош айланди,
Кўзни олиб, ёнган оташ айланди,
Ишқим дилга бўлиб сирдош айланди,
Висолига етолмай бош айланди.

Кўз-кўз бўлиб кўрингандай кўзгуда,
Чақмоқ мисол товланарди ёғдуда.
Мен юрарман ширин-ширин орзуда,
Чаманга зеб берган наққош айланди.

Муҳаббатим асло пинҳон тутолмай,
Ёр сеҳридан ҳеч айланиб кетолмай,
Не сабабдан бир қарорга етолмай,
Яхши-ёмон фикрим уйқош айланди.

Қачон кўрсам сифмагандай жаҳонга,
Арзи ҳолим англаторсам жононга.
Умрим бўйи етган бўлиб армонга,
Қувончимдан кўзимда ёш айланди.

Санъат бахти оро берди аслида,
Даврон сурар ёшликнинг гул фаслида.
Бир Мўминмас, айланган ёр васлида,
Осмон бўйлаб ҳар кун қуёш айланди.

БОҒЛАРДА

(Ялла)

- Йигитлар:— Чин севги гули унгай,
Жонона, бу боғларда.
- Қизлар:— Айланди ҳақиқатга
Афсона, бу боғларда.
- Йигитлар:— Парвариш топура бу боғ
Меҳрингиз қуёшидан.
- Қизлар:— Янграсин қўшиқ-ялла
Дўстона, бу боғларда.
- Йигитлар:— Сизларга муҳайёдир
Нурлардан поёндозлар.
- Қизлар:— Биз учун зарурмасдир
Кошона, бу боғларда.
- Йигитлар:— Ҳуснингиз камолидан
Боғларга чирой кўчган,
- Қизлар:— Бирликда яратгаймиз
Гулхона, бу боғларда.
- Йигитлар:— Завқ ила қилиб меҳнат
Кашф этсак вафодан гул,
- Қизлар:— Гул териб юролмади
Бегона бу боғларда.
- Ҳамма:— Айланди ҳақиқатга
Афсона, бу боғларда.

ЧИН ЁРМИ У?

Танлаган ёринг сенинг
Сўйла, ўзи чин ёрми у?
Сен хумор бўлган чоғинг,
Бил, сенга ҳам хуморми у?

Сенга у танҳо эрур,
Сен ҳам унга танҳомисан?
Тилда ваъда айлабон
Е дил аро ағёрми у?

Ҳам либос, ҳам ҳуснига
Оғиб пушаймон бўлмагин,
Гоҳ қасамёд айлагайму,
Гул фаслига ҳушторми у?

Орзулар мос тушсалар,
Бир бўлса, кўнглил йўлларинг,
Севгисига сендайин
Чин кўнглидан иқрорми у?

Энг қаро кунда чин ёр
Меҳридан сочгай энё,
Келса ҳижрон ногаҳон,
Енгмоқ учун тайёрми у?

Эй, Мўмин, ёр танлаган
Одоб кўзи бирлан қарар,
Дўстларингга дўстми у,
Чин ёрми у, ҳушёрми у?

МАРҒИЛОН ЖОНОНАСИ

Бу қўшиқни қўйди дилга
Марғилон жононаси,
Мунчалар одоб ўқитган
Қизни боққан онаси.

Лол қилиб қўйди мени
Ҳусну салобати билан,
Арзи ҳолим етказишга
Бормикан дугонаси?

Санъатин билсам унинг
Атлас тўқувчи қиз экан,
Марварид терлар ярашган
Бахтиёр пешонаси.

Ҳар ипакнинг толасига
Ҳусну меҳрин қўшдиму?
Шу сабабдан жилва сочгай
Атласи — дурдонаси.

Шаҳри атлас довруғига
Шон қўшибди ҳиммати,
Марғилон жононларин ул
Энг сулув фарзонаси.

Е Кумуш, Нурхон бериб
Кетган саодат ундами?
Сигмас асло бир қўшиққа
Таърифи — афсонаси.

Ўзгалардан рашк этиб мен
Очмадим қиз исмини,
Бу латофатни, Мўмин,
Берган унга Фарғонаси.

МАҚТАШГА ЭТ ИЖОЗАТ

Назокатда бўлибсан,
Жонон, бунча бадавлат.
Нурдам, гулдан кулибсан,
Мақташга эт ижозат.

Лолман кўзу қошингга,
Қўнибди бахт бошингга,
Йигирма беш ёшингга —
Қайдан келган латофат?

Кулган чоғинг қувондим,
Севарсан деб инондим,
Ҳамон ҳажрингда ёндим...
Этмасмисан хижолат?

Вафо берсин йўлингни,
Топсам агар кўнглингни,
Сўрар эдим қўлингни,
Дилим тўла садоқат.

Чиройингда жило бор,
Сендан менга шифо бор,
Мўминда илтижо бор:
Бахтимга бўл саломат.

СУҲБАТИНГ

Кўп ширин дамлар экан
Билсам у кун, ёр, суҳбатинг,
Ҳар қачон кўнглимни ул,
Айлайди хумор, суҳбатинг.

Қанча-қанча гапларим бор
Эрди ҳеч айтолмадим,
Дилга бергай минг даво,
Жонга шифокор суҳбатинг.

Мен кезардим соғиниб
Севги-вафо оғушида,
Тунлари уйқум олиб,
Утказди бедор суҳбатинг.

Шунча одоб, шунча ноз
Кўрдим гапинг маъносида,
Ҳеч зериктирмас мени,
Гар бўлса минг бор суҳбатинг.

Қайтариш мумкинмикан
Ундай ажиб онларни ҳеч?
Ром этиб қўйдинг тамом,
Ҳар дам этур зор суҳбатинг.

Бирталай сўзлар йиғиб
Қўйдим сенинг мадҳинг учун,
Куй билан айтай, эшит,
Бўлганда такрор суҳбатинг.

Имтиҳон бўлса агар
Ул суҳбатинг Мўмин учун,
Икки кўнгил сирларин
Этсайди ошкор, суҳбатинг.

ТАЪРИФ ЭТИЛДИ

Хусну камолда бир қиз
Еши тўлиб етилди,
Ширин, Зухро ёнига
Қизнинг исми битилди.

Ошифта бўлмади ким
Юриш-туриш, сўзига?
Сутдай тиниқ жамоли
Танҳо таъриф этилди.

Кўпларни мафтун айлаб,
Юрар ўзи бепарво,
Жононга ҳар чамандан,
Талай гуллар тутилди.

Баъзи бирлар умиди
Пуч бўлди бир жавобдан,
Етишмоқлик китобин
Варақлари титилди.

Не жазманлар кўзини
Ендирди у оловдай,¹
Қоши қора қиличдай
Ошиқ юракни тилди.

Гурунгларида гўзалнинг
Исми тушмай оғиздан,
Ул қиздаги фазилат
Минг бор санаб ўтилди.

Кўрганлардан сўранглар
Одоб ила чиройин,¹
Қиз мақтовин ёзишда
Мўмин бир оз тутилди.

ЖОНОН САБАБ

Севги оташида ёнсанг,
Унга бир жонон сабаб,
Оҳу кўзлар жилваси,
Ё ўйнаган мужгон сабаб.

Ёр йўлига чиқмасингдан
Изла йўл кўнгли томон,
Мақсадинг, ишқинг йўлида
Излама осон сабаб.

Бир йўқотдингми ҳаловат
Чин муҳаббат боғида,
Уйлаким, қалбингдаги
Ешлик билан тугён сабаб.

Севгида кўнглингни очгин
Кўзгудай ёр олдида,
Бўлмасин ҳижронга ҳеч
Сўзлардаги ёлгон сабаб.

Икки ёр ё етмаса
Гар ул висол айёмига,
Уртада санқиб юрувчи
Баъзи бир нодон сабаб.

Айлагин қалбингни эҳсон
Ёр учун сен аввало.
Чин аҳилликда яшашга
Одобу виждон сабаб.

Барча севганлар етишсин,
Эй, Мўмин, ўз тенгига,
Севгининг ҳур, поклигига
Бу гўзал даврон сабаб.

ЯХШИЯМ СЕВГИ БОР

Яхшиям севги бор жаҳонда,
Севгидан минг даво топурсан,
Юрак бор, тилақ бор нисонда,
Умрингга ошино топурсан.

Жаҳонда севги бор яхшиям,
Бохабар айлагай борингдан.
Севгида муъжиза мужассам,
Сўзлатар шодлиг-у, зорингдан.

Жаҳонда яхшиям севги бор,
Етказар хаёлий аҳдингга.
Гул бўлиб очилар беғубор,
Нур сочиб туради бахтингга.

Яхшиям севги бор дунёда,
Ҳақлисан минг яшаб юрмакка.
Кимлигинг айлагай ифода,
Ҳарорат бахш этар юракка.

Севгидан яшнаган бу жаҳон,
Вафони улайди вафога.
Эй, Мўмин, ҳеч кимса, ҳеч қачон
Кетмасин севгида хатога.

ЕР ЖАМОЛИН ҰЙЛАСАМ

Ихтиёрим ўзда қолмас, ёр жамолин ўйласам,
Қалбима бергай ҳарорат, нур — камолин ўйласам,
Боғларимда гул очилгай ишқ ниҳолин ўйласам,
Бир ажиб ором бағишлар сўзда болии ўйласам,
Янглишарман гапларимдан ёр саволин ўйласам.

Ер бирор бор ўйлагайми, эслагайми у мени?
Менга ўхшаб интизорми, излагайми у мени?
Е ишонган дўстларимга сўзлагайми у мени?
Иўлларимга кўз тутиб ё кўзлагайми у мени?
Фикру ёдим бўлди чалкаш, ёр хаёлин ўйласам.

Ўйлаб-ўйлаб дил уйида ҳеч ўйимга етмадим,
Беҳаловат кўйда қолдим, ўзга йўлга кетмадим,
Бу ҳалол севгимни, дўстлар, барчадан беркитмадим,
Ўйларим илҳом бериб, не-не газаллар битмадим,
Бўлди душвор ушбу ҳолим, лабда холин ўйласам.

Учмаса бахтим қуши бир кун кутарман соғиниб,
Ўз боғимдан, чин дилимдан, гул тутарман соғиниб,
Е етарман васлига мен, ё ўтарман соғиниб..
Сабру тоқат бирла, Мўмин, ёр кутарман соғиниб,
Кўзларимдан уйқу қочгай, ёр висолин ўйласам.

КЕЛИНЧАК

Дилбарсану дилдорсан,
Нозик ниҳол келинчак.
Чиндан тўқис нигорсан,
Лайло мисол келинчак.

Ярашибди либосинг,
Гулга монанд қиёсинг,
Топдинг ўзингга мосинг,
Сўзлари бол, келинчак.

Иболидир саломинг,
Одобга бой каломинг,
Тутган иззат-икроминг
Берсин иқбол, келинчак.

Бастингга тенг ёр бўйи,
Ўз уйингдай ёр уйи,
Тараларди гул бўйи —
Юрсанг хиёл, келинчак.

Бошда ҳарир рўмолинг,
Кўз-кўз этар жамолинг,
Кулсин орзу—хаёлинг,
Юзлари ол, келинчак.

ОҲ УРАДИ ОҲУЛАР

Оҳ, қандайин кўз улар,
Лол қолгуси кўзгулар,
Кўзинг ўртаб кўзларни,
Гоҳ завқимга завқ улар.

Н а қ о р а т:

Кўзларингни оҳулар
Кўрса ногоҳ оҳ урар,
Оҳулар, оҳулар,
Жодусидан оҳ урар.

Мен қарайман тўймайин,
Уйлатади қўймайин,
Кўзинг ёниб куйдирса,
Нега энди куймайин?!

Кўзларингнинг сеҳри бор,
Оҳанрабо меҳри бор.
Асло ўчмас жамолияг —
Юрагимда муҳри бор.

Кўзинг — ҳуснинг кўзгуси,
Орзум — васлинг орзуси.
Насиб этса Мўминга
Шодлик ила жодуси,

Н а қ о р а т:

Кўзларингни оҳулар
Кўрса ногоҳ оҳ, урар.
Оҳулар, оҳулар,
Жодусидан оҳ урар.

БУ ГУЛНИНГ ЗОРИ БОРМИ?

Чамандаги очилган
Бу гулнинг зори борми?
Нечун қадди букилган,
Зор этган ёри борми?

Гапирсин, зори бўлса,
Кўнгилдан сўзлашайлик.
Ўзга томонда юрса,
Бирликда излашайлик.

Ўзга чаманда ўсган
Ёри ҳам гул эканми?
У бечора манимдай
Ошуфта дил эканми?

Ўзга бўстон гулига
Нечун бўлибди шайдо?
Маним ёримга ўхшаб
Бўлмас эканми пайдо?

Кўринса излаган ёр
Юрак сўзинг уқарми?
Бўлиб айбига иқроп
У ҳам ерга боқарми?

Чамандаги очилган
Бу гулнинг зори борми?
Нечун қадди букилган,
Зор этган ёри борми?

КҰНГИЛ БОҒДИР

**Кўнгил боғдир, ижозатсиз кирилмас ҳеч,
Ниҳол экмай чечаклардан терилмас ҳеч.**

**Баҳо айлаб бўлак кўнгил тилак — розин,
Севилмасдан гулу кўнгил берилмас ҳеч.**

**Таманнолик гўзалларга солур соя,
Чин ошиқлар ғурурларга берилмас ҳеч.**

**Юзу кўзга ибо пардоз бўлиб турса,
Хатоси йўқ зулук қошни терилмас ҳеч.**

**Юрак завқинг, Мўмин, элга баён айла,
Вафо аҳли висол чоғи керилмас ҳеч.**

ИШҚ БАҲСИДА СЕН...

Ташладим йўлингга кўз, боғим томон ҳеч ўтмадинг,
Бир сафар кўнглим учун терган гулингдан тутмадинг.

Гулга гул қўшса чирой ояғай чаман ўз ҳуснини,
Ё гулинг нури билан дил боғини ёритмадинг.

Ошино бўлди хаёл васли хаёлингга мудом,
Гар, хаёлингга келиб гул баргига хат битмадинг.

Битганингда ҳар сўзинг мен ёд олиб яйрар эдим,
Сўзларинг завқи билан маъшуқани овутмадинг.

Сен кўнгли тўридасан, пинҳон тутарман мен буни,
Билмадим, борми сабаб, қалбим тўридан кетмадинг.

Кетганингда ташна дил таскин топарди эҳтимол,
Қолганингда ҳам мени васлинг билан ёлчитмадинг.

Не қилай, андиша бор, ҳеч тўкмадим қадримни мен,
Тингласам Мўмин сўзин, ишқ баҳсида сен ютмадинг.

ҲУШЕР ЮРАҚЛАР

Висол сари талпиниб хумор юраклар,
Севги сирин айласин изҳор юраклар,
Муҳаббатни биларми хуштор юраклар?
Севилсин-у, севолсин бир бор юраклар.

Икки дилнинг торлари соэ бўлгани соз,
Висол айёмларидан кетмай баҳор, ёз,
Гулдай чирой таратсин одоб ила ноз,
Чин севгисин сақласин бедор юраклар.

Юлдузлари келиб мос кулсин ҳамиша,
Юрар йўли ярақлаб турсин ҳамиша,
Ширин даври давронлар сурсин ҳамиша.
Бўлсин аҳду паймонга иқрор юраклар.

Қўнгилларга битилган қарор қарордир,
Орзулари кулганлар чин бахтиёрдир.
Мўмин айтар севгида вафо шнордир,
Муҳаббатни ардоқлар ҳушёр юраклар.

ШОЯД

Кўнгилдаги жонона
Кўнглимни билса шояд,
Ҳурмағ билан эгилсам,
У ҳам эгилса шояд.
Қалбимни очганимда
Эшитса арзи ҳолим,
Қандай севилганин ул
Назарга илса шояд.
Саодат боғи бўйлаб
Нур сочса ишқ қуёши,
Вафойимиз ниҳоли
Бир-бир етилса шояд.
Муҳаббат имтиҳон бу,
Олсак олий баҳолар,
Аҳду одобимиздан
Достон тўқилса шояд.
Мўмин икки юракда
Жўр бўлса гар ниятлар,
Орзуйимиз ҳамиша
Ижро этилса шояд.

ЮРСА ОДОБ ИБОДА

Еғду сочиб сайёра
Кўрингандай самода,
Бўлармикан ошкора
Чин севги бир имода?
Маъшуқа гар яширса,
Ошиқ айларми ошкор?
Пинҳонлиги йўқолгай
Сўзларда — илтижода,
Кўрганда тўлғонур дил,
Тиллар келмас каломга,
Кўзлар кўзларга қилгай
Уз арзини ифода.
Кўнгилдаги орзуга
Мос келганда тилаклар,
Етармикан висолга
Юрган кибру ҳавода.
Нурлар эмиб қуёшдан
Жилоланур чечаклар,
Айлайди бахт гўзалнинг
Ҳуснин яна зиёда.
Севилгану севганга
Омад тилайди мардлар,
Ошиқларни мақтар эл,
Юрса одоб-ибода.
Мадҳ айлагил висолни
Мўмин юрак-юрақдан,
Муҳаббат гул ёзармиш
Чяндан аҳду вафода.

БАХТУ ДАВРОН АСРАГАЙ

Аввало ёр тоза ишқин,
Дилда пинҳон асрагай,
Ё висолга етмоғида,
Орзу-армон асрагай.

Севги нозикликда гулми?
Тегмагай нохуш шамол,
Чин садоқат боғи ичра,
Гулни боғбон асрагай.

Дилга дилни ҳадя этмак
Бахтиёрликдав нишон,
Икки кўнгил икки гулни,
Мисли эҳсон асрагай.

Балки пинҳоний муҳаббат
Гулдан ошкор бўлғуси,
Таъналарга қолса ҳам ул,
Ору виждон асрагай.

Ким севилса улки меҳмон,
Севгучи мезбон эрур,
Келса меҳмон ишқ уйига,
Асли мезбон асрагай.

Севги пинҳон қолса дилда,
Зангламас олтин мисол,
Покиза ишқингиз, Мўмин,
Бахту даврон асрагай.

ЯНА СЕНИ КҮРИБ ҚОЛДИМ

(Қиз қўшиғи)

Яна сени кўриб қолдим,
Яна қалбим бўлди қарам.
Зимдан хомуш назар солдим,
Этармисан менга қарам.

Яна сени кўриб қолдим:
Яхши эди, оҳ, кўрмасам,
На йўлимга кета олдим,
Англармисан арзим десам.

Яна сени кўриб қолдим,
Фурур қуршаб олган сени.
Нимагадир йўлда толдим,
Кўрмаганга олдинг мени.

Яна сени кўриб қолдим;
Сезолмадим қимматингни,
Юрагимга қулоқ солдим;
«Тушурма дер қимматингни».

Яна сени кўриб қолдим;
Гумроҳ бўлсанг мен найлайман.
Мен ўзимни тутиб олдим,
Энди сени зор айлайман.

САБОЛАР БЎЛСА

Ёр кезган боғда саболар бўлса,
Ёр келган чоғда иболар бўлса.

Кўзлар учрашиб лол қолса тиллар,
Оҳу қарашлар — имолар бўлса.

Севган-севишган учрашган дамлар,
Тугалса дарҳол низолар бўлса.

Кўзларда шодлик, дилларда тугён,
Салом-аликда ҳимолар бўлса.

Ёр меҳри ёрга оҳанрабодур,
Сўзлар болидан шифолар бўлса.

Эгри йўлларга оғмайди хаёл,
Севги эрур бахт вафолар бўлса.

Меҳнат, муҳаббат завқин тотганга
Дўстлардан олий баҳолар бўлса.

Мўмин тилакдош севишганларга,
Аҳду паймонда ижролар бўлса.

БУЛИБ ДОНО ФАРОСАТДА

Чаманда бир санам кўрдим,
Қиёси йўқ латофатда.
Биронта сўз деёлмай жим,
Юрар эрдим хижолатда.

Гўзал гулдай кулиб қўйди,
Бу ҳол қалбим яна ўйди.
Масалларда битилгайким:
— Тикон санчар гул одатда.

Дилим тилга деган шу пайт:
— Таманнога муродинг айт.
Агар айтолмасанг ҳозир,
Деёлмассан қиёматда!

Висол истаб бу орзуда,
Салом бердим тавозеда.
— Муҳаббатда шошилманг,— деб,
Сабоқ берди шу соатда.

Юрар йўлига гул сочдим,
Мўминдай мен дилим очдим.
Маним ҳолим тушунсайди —
Бўлиб доно фаросатда.

КУЗИМ ОҒАР БЕИХТИЁР

Боқмай десам, кўзим бирдан
Тушиб қолар, беихтиёр ўзингга.
Воқиф бўлиб бундай сирдан,
Бир жилмайиш югурсайди юзингга.

Кўриб туриб аҳволимни
Ё атайлаб билмасликка олдингми?
Кўздан берган саволимни
Уйлаб ёки мушкул ҳолга қолдингми?

Оҳ, шунчалар беқарорман,
Юрмагин кўп бино қўйиб ўзингга.
Умрим бўйи умидворман,
Тилгинангдан чиқувчи бир сўзингга.

Чин севгининг шифосига,
Висол деган, вафо деган даво бор.
Юрагимнинг даъвосига,
Эта қолгин, жонона, бир эътибор.

Боқмай десам, кўзим бирдан
Тушиб қолар беихтиёр ўзингга.
Воқиф бўлиб бундай сирдан,
Бир жилмайиш югурсайди юзингга.

ВИЖДОНЛИ ТИЛИНГДАН

Маъно тўла кетди ҳар ёнга тилингдан,
Мен сўз терар эрдим дostonга тилингдан.

Дил булбули таълим олдим ё сендан,
Шўх куй уча қолди осмонга тилингдан.

Гулғунчами тонгда лаб очган, у сенми?
Сен бўй сочасанми бўстонга тилингдан?

Бу боғ гули сенсан, мен эса боғбонман,
Бир тотли калом де боғбонга тилингдан.

Дил дастурхонин ёз бу сўз чаманига,
Сир бой бера кўрма нодонга тилингдан.

Севдим сўзи чиқса, кулмасми муродим,
Бахш эта олдинг жон, ҳар жонга тилингдан.

Сен тили ширинсан, мақташга Мўмин лол,
Бер аҳд ила паймон, виждонга тилингдан.

ҲИНАТАДУР

Жонона кулиб Ҳинаб
Ҳар жонни Ҳинатадур,
Бир қараб, юз қаратиб,
Мужгонни Ҳинатадур.
Даврада бўлиб юлдуз
Ишвадан сочади нур,
Ошуфта юракларда,
Тугённи Ҳинатадур.
Қўлларин ёзиб бир-бир
Силкитса қанот янглиғ,
Гоҳида отиб қошни —
Камонни Ҳинатадур.
Оқар у тиниқ сувда
Оҳанг билан сузгандай,
Тошади тўлқин уриб,
Уммонни Ҳинатадур.
Қараши, нози олий,
Кўзларга қувонч сочгай,
Хаёлан ушлагани,
Ҳайронни Ҳинатадур.
Гулзорга кириб борса,
Шаббода эсар бирдан,
Бахш этиб ниҳолга жон,
Бўстонни Ҳинатадур.
Бўлма, эй Мумин, ҳайрон,
Таҳсин айт санъатига,
Хаёлни Ҳинатиб ул,
Ҳайронни Ҳинатадур.

СИРДОШ ЭТИБ

Кетма жоним, бунчалар тез
Дил кўзини ёш этиб,
Ўз сиригини бир боқишда,
Қўймагил сен фош этиб.
Борлигини тавсиф айлаб
Еки қилдимми хато,
Шунча ўзгардингми, жонон,
Дилгинангни тош этиб?
Бўлдиларми беқарор ё,
Бор умидинг қушлари?
Дейдиларким, тезда бўлмас
Дил қушин юввош этиб.
Бу сенинг нозингми ёки,
Имтиҳонингми сенинг?
Чин муҳаббат енгадир, бил,
Барчасин бардош этиб.
Ери кетганларни кўрдим —
Кетгани афсусдалар,
Сен Мўминни қолдирурсан,
Кимга ҳам сирдош этиб?

ЖОН БЎЛИБДИ — ЖОНОН БЎЛИБДИ

Бир куй тушибди чиндан икки юракка,
Икки юрак етибди аҳду тилакка.
Узукка кўз солгандай келибдилар мос,
Севги-вафо бобида дoston бўлибди.

Қиз у барно йигитга жонон бўлибди,
Йигит эса ой қизга жон бўлибди,
Жон бўлибди, бўлибди, жонон бўлибди.

Қиз латофат боғида гулдан ўтаркан,
Йигит билим конида жавлон этаркан.
Мақсадлари бир экан, топибдилар бахт,
Йигиту қиз ўқибди — боғбон бўлибди.

Қиз у барно йигитга жонон бўлибди,
Йигит эса ой қизга жон бўлибди,
Жон бўлибди, бўлибди, жонон бўлибди.

Аҳиллигин кўрганлар юрар ҳавасда,
Иккала ёр мисоли икки гулдаста.
Садоқатда синовдан ўтибдилар соз,
Фарзандларин аввали — ўғлон бўлибди.

Қиз у барно йигитга жонон бўлибди,
Йигит эса ой қизга жон бўлибди,
Жон бўлибди, бўлибди, жонон бўлибди.

ҚИЗ БОЛА, ҲОЙ, ҚИЗ БОЛА

Қиз бола, ҳой, қиз бола,
Юзлари ой, қиз бола...
Чиройга бой қиз бола,
Шўхликлари бўз бола,
Қиз бола, ҳой, қиз бола.

Шамолмисан еласан,
Гулзоримга келасан.
Гул ташласам иласан,
Ўзинг гулми ё лола?
Қиз бола, ҳой, қиз бола.

Дилинг тўла кулгулар,
Кулишингдан гул кулар.
Боғимдаги бу гуллар
Сенга бўлсин ҳавола,
Қиз бола, ҳой, қиз бола.

ЕР ДЕМАДИНГ...

Кимдир етмоқ истаб юрди гўзал васлингга,
Кўринишда гўё сенга интизор бўлди.
Мафтунман дер, бир умрга гулдай фаслингга,
Қайга борсанг соя каби ҳардам бор бўлди.

Билолмадинг на ният бор унинг ўзида?
Севгисинмас мол-мулкингни мақтар сўзида,
Чин садоқат, чин муҳаббат сезмай кўзида —
Ёр демадинг, ёр бўлишинг чиндан ор бўлди.

Қапалакдай гулдан-гулга учиб ўтганга,
Ким кўринса севгисини изҳор этганга,
Бевафолик кўчасида санқиб кетганга,
Муҳаббатнинг бўстонлари доим тор бўлди.

ГУЛ БЕРДИ — КҰНГИЛ БЕРДИ

(Лапар)

Юрсам боғда бир йигит
Менга даста гул берди.
Қараб турсам гулига
Гули қизиқ сўз дерди:
Гул бердиё гул берди,
Гул бериб, кўнгил берди.

Олмай турсам бир лаҳза
Чарчаб қолмасми қўли?
Жуда-жуда ёқарди
Тутиб турган оқ гули.
Гул бердиё гул берди,
Гул бериб, кўнгил берди.

Аввалига уялдим,
Йигит боқар қўлимга.
Гули каби азалдан
Узи ёқар кўнглимга,
Гул бердиё, гул берди,
Гул бериб кўнгил берди.

КЕЛ, ЯЙРАШАЙЛИК

(Қизлар қўшиғи)

Кел, яйрашайлик,
Эй, соҳибжамол, дугонажоним,
Гулдай қўлингга
Дуторингни ол, дугонажоним.

Боғу пахтазор
Чиройимиздан олсинлар чирой,
Дилни эркалар,
Минг ширин хаёл, дугонажоним.

Овозимизни
Тинглаб булбуллар бўлсин маҳлиё,
Севгиъиз гули
Очмоқда ниҳол, дугонажоним.

Тотли давронда
Ёшлик завқини сурайлик яна,
Олтин днёрда
Топдик биз камол, дугонажоним.

ОШНО БЎЛАЙИН ДЕБ

Гунча очилур мен гули раъно бўлайин деб,
Сўз дилга келур шеърингга маъно бўлайин деб.

Ҳар кимса билим конин очар яхши ниятда,
У орзу қилар олими-доно бўлайин деб.

Чин инсон удир дўстларининг қадрига етгай,
У хизмат этар покиза сиймо бўлайин деб.

Гул тақди гўзал чаккасига тонгда чаманда,
Ерни кўзига ул яна барно бўлайин деб.

Қиз кўнгли тўлар севганидан меҳру вафога,
Сўз берса йигит севгида аъло бўлайин деб.

Ёригга, Мўмин, ҳурмат ила сақла садоқат,
Бер унга гулинг бир умр ошно бўлайин деб.

КУЙГАЙ

(Ҳамид Олимжон ғазалига мухаммас)

Муҳаббат уфқида билким, қизорган ул сароб куйгай,
Жамолинг жилвасидан товланиб ял-ял гулоб куйгай,
Сенга тенг келмайин рашки ўтидан моҳитоб куйгай,
Сўзингининг шарпаси текканда олам боб-боб куйгай,
Денгизлар, дәрёлар, ҳаттоки кўлларда хубоб куйгай.

Қачонким ўйласам васлинг, хаёлан гул тутар доим,
Кўнгил осмонида балқиб, юзинг ойдек ўтар доим,
Кўзингга гоҳ боқиб қолсам умидим уйғотар доим,—
Камондек қошларинг, киприklarингдан ўқ отар доим,
Сенинг ёдинг билан тинмай ҳама нозу итоб куйгай.

Ки ҳижрон зарбига дош бермаган ул ҳеч асаб эрмас,
Юракка йўл топиб бўлмас деган важлар сабаб эрмас,
Ҳаёсиз макридан эй дил, дегил ким дарғазаб эрмас?
Ениб ишқингда қалбим кулга айланса ажаб эрмас,
Кўзинг осмонга тушганда ловуллаб офтоб куйгай.

Ҳузурингда хижолатман, печун мен ёлборолмайман?
Агар борсам топиб қудрат кўнгил дардим ёролмайман,
Ҳарорат сенда зурдирким яқинроққа боролмайман,
Олай тоқатни қайдан кўзларингга ҳеч қаролмайман,
Тушибдир учқуни бағримга гўёки китоб куйгай.

ҚАЛБИ ДАРЕ БҮЛМАСА

1
2

(Қиз қўшиғи)

Бир йигит бор — йигитларинг сараси,
Уйларимиз учта ҳовли ораси.
Уч кун бўлди келганига олисдан,
Кўринмайди не сабабдан қораси?

Хатларига жавоб ёзиб турардим,
Гоҳо уни тушларимда кўрардим.
Кўринмайди ҳатто эшик олдида,
Кўрингандай бўлса аҳвол сўрардим.

Сирдош қизлар мени табрик этишар,
Баъзилари тўй қачон деб кетишар.
Пайқашмайди қалбимдаги оловни,
Ёнган дилга олов сочиб ўтишар.

Келмаса у ўзим бориб келайми?
Борлигимдан унга хабар қилайми?
Қалби унинг мунча дарё бўлмаса,
Бирортадан кўнгил сирий билайми?

СЕНИ УЙЛАР — МЕНИ УЙЛАР

Кўплар биздан сўзлашади,
Аллакимлар кўзлашади.
Унг келибди юлдузимиз,—
Айтар эмиш юз-кўзимиз.

Сени кўрган мени ўйлар,
Мени кўрган сени ўйлар.

Бу гапларда бордир асос,
Меҳримиз бор қушларга хос.
Бизни қўшиб қўшиқларга,
Ўхшатишар ошиқларга.

Сени кўрган мени ўйлар,
Мени кўрган сени ўйлар.

Ҳамма ерда юрар миш-миш,
Тўй кунимиз тайин эмиш. ✓
Пайванд этиб дилни дилга,
Улайдилар гулни гулга.

Сени кўрган мени ўйлар,
Мени кўрган сени ўйлар.

ЮРАКЛАР СЎЗЛАШАР

Энг ширин тил билан юраклар сўзлашар,
Бир-бирин ўйлашар, яхшилиқ кўзлашар.

Юраклар излашар,
Сизлашар юраклар.
Юраклар сирлашар,
Сўзлашар юраклар.

Юраклар гоҳида чўмарлар хаёлга,
Қўш бўлиб талпиниб шайланар висолга.

Юраклар излашар,
Сизлашар юраклар.
Юраклар сирлашар,
Сўзлашар юраклар.

Хабарлар олишгай бир-бирин ҳолидан,
Юраклар тотишгай муҳаббат болидан.

Юраклар излашар,
Сизлашар юраклар.
Юраклар сирлашар,
Сўзлашар юраклар.

ЭЙ, МУҲАББАТ

Эй, муҳаббат, шунчалар фусункорсан,
Эй, муҳаббат, оромбахш беғуборсан,
Эй, муҳаббат, гоҳида дилозорсан,
Эй, муҳаббат, қалбимда мудом борсан.

Муштоқдирман доимо меҳрингга мен,
Ҳар юракка туширган муҳрингга мен,
Лол қолганман кўрсатган сеҳрингга мен,
Эй, муҳаббат, чиндан сен сеҳркорсан!

Уйламаган юракни ўйлатасан,
Уйнамаган юракни ўйнатасан,
Сўйламаган тилни ҳам сўйлатасан,
Эй, муҳаббат, умримда бир баҳорсан.

Йўл қўясан баъзида хатога ҳам,
Баробарсан гадою подшога ҳам,
Не кулфатлар солмадинг Лайлога ҳам,
Эй, муҳаббат, сен мисли ҳукмдорсан.

Истардим мен, дилларни куйдирмасанг,
Ҳижронларга асло йўл қўйдирмасанг,
Ошиқни ҳам жонидан тўйдирмасанг,
Эй, муҳаббат, малҳаму шифокорсан.

Битилганми бирорта қонун сенга,
Этай таъзим юрт учун ҳар кун сенга.
Даврим берган янгича мазмун сенга,
Эй, муҳаббат, Мўминга мададкорсан.

ЭРКАЛАБ

Утди боғдан ёр нигорин эркалаб,
Олган эрди ихтиёрни эркалаб,
Тарқатарди дил хуморни эркалаб,
Бахтиёрдир бахтиёрин эркалаб.

Сўз берарди ёрига ўз аҳдидан,
Ўзга бахт йўқ чин садоқат бахтидан,
Ким вафодор тушмасин ишқ тахтидан,
Яйратарди аҳди борин эркалаб.

Эркалашдан дил қушини овланар,
Меҳри борнинг ёрга меҳри тобланар,
Эркалашдан лола юзлар товланар,
Ёр эритгай эрка ёрин эркалаб.

Ёр боқарди васлига ҳеч тўймайин,
Бир-бирига гул тутарди қўймайин,
Ёр соғинмас чин юракдан суймайин,
Эртак айтар интизорин эркалаб.

Севги бахтин топди Мўмин ўлкаси,
Барча ошиқ бу чаманзор эркаси,
Нурга тўлган ҳам бугун, ҳам эртаси,
Яшнасинлар гул диёрин эркалаб.

ЕР, БИЛИБ ЮР

Қўнгилда ҳамон сенсан ўзинг ёр, бидиб юр,
Бордирми кўнгил мен каби хуммор, билиб юр.

Йиллар ўтадир ҳусни гулинг сарфу ҳисоблаб,
Ешлик кечадир бўлмас у такрор, билиб юр.

Ишқ аҳли азал учрамасин турфа хатога,
Қим сенга ошиқ, ким сенга хуштор, билиб юр.

Юрма вафосиз сафида номингга тушар доғ,
Бўлмоқни улар ёнида сен ор, билиб юр.

Излаганинг изласа сендай, асли ният бу,
Бахтинг қуши ул, қўнадир бир бор, билиб юр.

Севгинг йўлида изла, Мўмин, яхши йўловчи,
Аввал элига бўлса вафодор, билиб юр.

ЭЙ, ШҰХ ЖОНОНА

Сен эурсан олганим кўз остига,
Қаддинг ўшар боғда гул бўй-бастига.
Ноз ила ўтдинг кеча боғ ёнидан,
Кўзларинг ё тушдими жон қасдига?

Сен одобда ягона,
Дема мени бегона.
Изладим ёна-ёна.
Эй, шўх жонона.

Ер тагидан бир савол отди кўзинг,
Шунчалар иссиқ туюлди юлдузинг.
Термулиб қолган эдим, оҳ, термулиб...
Бир нафасда зим-зиё бўлдинг ўзинг.

Сен одобда ягона,
Дема мени бегона.
Изладим ёна-ёна.
Эй, шўх жонона.

Интизордир кўзларим, йўлингдаман,
Ҳарна этсанг, мен мана, қўлингдаман.
Сен менинг кўнглимдасан, эй, сарвиноз,
Бахтиёрман бор эсам кўнглингда ман.

Сен одобда ягона,
Дема мени бегона.
Изладим ёна-ёна.
Эй, шўх жонона.

ВАФО ҚАРОРИ БЎЛСА

Тўй бўлса ҳар чаманда,
Базму гулери бўлса,
Жонон билан йигитнинг
Вафо қарори бўлса.

Куёв-келин икковлон
Юракка йўл топишса,
Сўзлари бир-бирига
Шифою дори бўлса,

Келин келган уйига
Холдай ярашса создир,
Катта-кичikka бирдай
Кулган рухсори бўлса.

Куёв ҳам ўз йўлида
Берилмаса ғурурга,
Кимнингки бор хатоси
Дарров иқрори бўлса.

Бўлур ҳаётда баъзан
Лччиқ, ширин фасллар,
Юриш-туриш, сўзида
Одоб ва ори бўлса.

Қўша қариб юришса,
Бўлиб қизу ўғлонлик,
Ҳаёт гулин тақишса,
Доим баҳори бўлса.

Мўмин, кўргил, бу тўйда,
Яшнабди оқ, қизил гул,
Келин-куёв замоннинг
Энг бахтиери бўлса.

РАЪНОГА ҲАМ АЛИШМАС

Ҳар кимда бир гул бўлур,
 Раънога ҳам алишмас.
Ҳар кимда бир юлдуз бор,
 Зухрога ҳам алишмас.

Гули ўз боғидан денг,
 Юракдан ранг югурган,
Баҳо қўйсанг гулига,—
 Тиллога ҳам алишмас.

Юлдуз эса сочар нур,—
 Кўнгиллардан кўнгилга,
Тўлқин-тўлқин шуъласин
 Дарёга ҳам алишмас.

Юлдуз толега тўмсол,
 Вафодан гул нишона,
Шудир топган иқболи,
 Дунёга ҳам алишмас.

Ёр юлдузи, ёр гули
 Илҳом берур Мўминга,
Ўз севгани яхшидур,
 Аълога ҳам алишмас.

ЎРТАНДИМИ?

Сўзимга ёр ишондимми?
Муҳаббатда уйғондимми?
Мени ишқда ўртаб-ўртаб,
Энди ўзи ўртандими?

Севилганин сезмас ҳамон.
Балки кўнглин тутар пинҳон,
Ўзгарибди бирдан жонон,
Лайлолардан ўргандими?

Нималардир ўйлаб-ўйлаб,
Ўтиб кетар кўча бўйлаб,
Бир қўлида гулми ўйнаб,
Чечакларга чулғондимми?

Сўзларимни тинглаганда,
Маъносини англаганда,
Ўзига ёр танлаганда,
Ёки мени қизғондимми?

Яна парво қилмайди у,
Биладию билмайди у,
Мўминга бир жилмайди у,
Қалби тошиб тўлғондимми?

ЖАМОЛИНГДИР

Хаёлимни олиб кетган
Мисолингми? Мисолингдир,
Мени ошифта ҳол этган
Шу холингми? Шу холингдир.

Мудом ўйларга толдирган,
Юзимдан рангни олдирган.
Жавобда лол қолдирган
Саволингми? Саволингдир.

Чиройинг гулга андоза,
Чайилган нурда — топ-тоза,
Элимга бўлган овоза,—
Жамолингми? Жамолингдир.

Чамандан гул бўйин сепган
Гўзал боғига ром этган,
Юракка илдизи кетган
Ниҳолингми? Ниҳолингдир.

Вафодорига гул терган,
Кўнгил уйини кулдирган,
Мўмин бахтига бахт берган
Висолингми? Висолингдир.

КЕЛИБДИ-Ю, КЕТИБДИ

Кеча гулзорга дилдор
Келибди-ю, кетибди.
Бир кўришга этиб зор
Келибди-ю, кетибди.

Бир оз кутиб боқмабди,
Нималардир ёқмабди.
Севмас эканми зинҳор
Келибди-ю, кетибди.

Севганим гуноҳимми?
Тингламасдан оҳимни.
Кимлардандир этиб ор,
Келибди-ю, кетибди.

Очар эдим қалбимни,
Билар эдим қадримни.
Демай исмимни бир бор
Келибди-ю, кетибди.

Бевафолик айларми,
Ваъдасидан айнарми,
Бунда қандай маъно бор?
Келибди-ю, кетибди.

Бу жонона нозими?
Нозими, эъзозими,
Айлаб Мўминни хумор,
Келибди-ю, кетибди.

БУЛМАККА БОҒБОН РОЗИМАН

Майли, жоним, ишқ йўлинда
Айла фармон, розиман,
Сен билан умрим бўйи
Сурмакка даврон розиман.

Мен гўзалмасман дема,
Сенсан менинг-чун энг гўзал,
Сенга қалбимни мудом
Этмакка эҳсон, розиман.

Бир тикомнинг заҳри деб,
Гулдан кечувчи мен эмас,
Чин муҳаббат боғига
Бўлмакка боғбон розиман.

Ногаҳон ҳижрон ҳужум
Этса висол бўстонига,
Кўкрагим қалқон қилиб
Турмакка посбон розиман.

Бир ширин ошён қуриб,
Тотсак бу ёшлик завқини,
Санъатинг булбул мисол
Қуйлашга, жонон, розиман.

Икки кўнгил тенглигин
Аҳду вафо дер-ку Мўмин,
Кел дилимнинг тўрига
•Бўлмакка мезбон розиман.

ДОВРУҒИНГНИ ЕЯЙ

Дилдан сўзлар териб маржонга,
Қўшиқ айтай сендай жононга.

Қанот ёйиб ўйинга тушсанг,
Бахш айлайсан ҳузур ҳар жонга.

Яшнаб кетар боғда ниҳоллар,
Қадамларинг етса бўстонга.

Жавлон этсанг пахтазор аро
Дур қўшурсан олтин хирмонга.

Меҳринг оқар кўздан кўзларга,
Юраклар ҳам тўлар дармонга.

Саҳнамизда юлдуз бўлиб юр,
Завқингдан нур сочиб ҳар ёнга.

Саодатинг санъатда, сенинг
Довруғларинг ёйи жаҳонга.

СЕВГИСИ ЁЛҒОН, ДЕМАДИММИ?

(Қиз қўшиғи)

У танлаганинг севгиси ёлғон, демадимми?
Танноз эрур у, этадир сарсон демадимми?

Бир бора синаб кўрмайин ошифта бўлибсан,
Ҳолингни кўриб, эл сенга ҳайрон, демадимми?

Судрар сени у санъат эмас кайфу сафога,
Умринг бўйича қилма пушаймон, демадимми?

Кўнгилдаги севгимни этиб баъзан ишора,
Ишқинг гулига бўламан боғбон, демадимми?

Кўрдингми, вафо қилмади у, бўлди гапим рост,
Бу йўлда яна чекмагил афғон, демадимми?

Аввал сени севган эдим-у сезмадинг асло,
Жонингга, Мўмин, мен бўлайин жон демадимми?

ҲАМҚОР ЭМАС

Ерга ёр хумори бор,
Қай дил бунга иқрор эмас,
Бошқа хуморлар унинг
Олдида ҳеч хумор эмас.

Тунлари уйқунг бузиб,
Кундузлар олгай ороминг,
Бунга бардош бермаган
Ёр, аслида чин ёр эмас.

Васлига етмоқ учун,
Ул соғиниш айёмида,
Берса озор ким сенга
Озори ҳам озор эмас.

Соғиниш мазмунида
Ёр имтиҳони борми ё?
Термилиб ёр кутмаган
Дилдор, билинг, дилдор эмас.

Дилга дил харидор эса,
Соғинчига тиксин юрак,
Бахту ҳуснин сётмасин,
Ишқ олами бозор эмас.

Қирга чиқмай лолани
Таққан етарми қадрига,
Ерингга гул топмасанг,
Гулзоринг ул гулзор эмас.

Осон ишқнинг, эй Мўмин,
Оз дейдилар чин роҳати,
Ерини соғинмаган,
Ишқ аҳлига ҳамкор эмас.

УЧРАСА

Не қилурсан ишқ йўлида
Нозли жонон учраса?
Узлигингни тез унутма
Моҳитобон учраса.
Балки севган ёри бордир,
Ё сени дер эҳтимол,
Бўл мададкор севгисига
Бир паришон учраса.
Ҳолини бил аввало сен,
Тингла кўнгил дафтарин,
Чин юракдан сўзла сен ҳам
Тоза виждон учраса.
Ёки қалбингни билишга
Излагайму бир илож,
Этма асрорингни ошкор
Кўнгли пинҳон учраса.
Севги илми кўп қийин фан,
Имтиҳони кўп оғир,
Қадрига ет ишқ йўлида
Чин қадрдон учраса.
Қўнса бошингга тўсатдан
Бахт қушими, пайқаб ол,
Уста овчи келмагай бўш
Овда жайрон учраса.
Учради деб учма дарров,
Учра унга сен ўзинг
Шошма, Мўмин, гул теришга
Узга бўстон учраса.

УЛ ДҮСТ-У, ЕР ЭКАН ДЕБ

Гоҳ индамай ўтармиз
Қисматда бор экан деб,
Богбонни йўқламаймиз,
Ажиб гулзор экан деб.

Уқиш зарур деганлар
Ҳардам ҳаёт китобин,
Парво қилмай кетурмиз
Англаш душвор экан деб.

Дўст-у, дилдорни танлаш
Мушкул эрур кўпинча,
Сўзларга ром бўлурмиз,
Тилда иқрор экан деб.

Баъзан шошиб қолурмиз
Теран идрок этолмай,
Дил армуғон қилурмиз
Менга ҳамкор экан деб.

Юрак сирларга кондир,
Мўмин сенга аён бу,
Очма кўнгилни бехос,
Ул дўст-у, ёр экан деб.

СЕН ҚАЙТАРСАН

Висолингга етишгандим севги деган бўстонда,
Яшар эдик фароғатда ўйин-кулги ҳарёнда.

Ажратолмас дердик бизни шубҳаю рашк, аразлар,
Вафомизнинг мисолини ўқирдик шеър, дostonда.

На бўлди-ю, севгимизга рахна солди шубҳалар,
Кетганингга талай бўлди, қолдим гўё ҳижронда.

Эҳтимол, сен бепарвосан, мен соғиндим юракдан,
Кўзим қолган мудом энди ўзинг кетган томонда.

Гулни яхши кўрар эдинг, гуллар экдим сенга деб,
Яна қандай гуноҳ бўлсин мендай содиқ боғбонда?

Умидвору интизорман, содиқдирман севгимга,
Сен қайтарсан, яшагаймиз бу бахтиёр давронда.

ДАВОЛАРГА БИРЛАШИБ

Хаёл, учма бўлак позик адоларга бирлашиб,
Оҳим, парвоз этма энди нидоларга бирлашиб.

Тўлиб-тўлиб куйла кўнгил, тавсиф этиб гўзални,
Етса арзинг ёринг сари садоларга бирлашиб.

Ер жамоли, ёр висоли бахш айлағай фароғат,
Эркаларми висол завқи сафоларга бирлашиб.

Ер нафаси таралганда чаманлар ҳам баҳр олур,
Гуллар бўйин таратғайми, ҳаволарга бирлашиб.

Муҳаббатнинг шифоси ул вафо деган малҳамдур,
Шифо бўлғай Мўминга ҳам даволарга бирлашиб.

БИР ЖОН МИСОЛ

Олганмисан дил измини
Жон офати — жонон мисол.
Айлаб бажо ишқ расмини
Юргаймисан ҳайрон мисол.

Боғлар аро кўрсам қачон
Сир бермайин юрдинг ҳамон.
Бу ёшлигинг — бахтинг билан
Кетдингми ё осмон мисол.

Сенга очиқ кўнгил йўлим,
Кўксимдадир икки қўлим.
Меҳмон бўлиб келсанг агар
Жоним тутай мезбон мисол.

Этгил синов ошиқлигим,
Исбот этай содиқлигим.
Сақлай бахт-у тахтингни мен
Умрим бўйи посбон мисол.

Гуллар кулар гуллар билан,
Диллар кулар диллар билан,
Боғингга боғ бўлса туташ
Довруғ ёяр бўстон мисол.

Орзуга ёт, орзум ўзинг,
Менга сиринг айтар кўзинг,
Кўргай баҳам бахтияр Мўмин
Бир тан мисол, бир жон мисол.

ҚАРАСАМ ҚАРАМАЙСАН

Қарасам қарамайсан,
Қарамасам қарайсан.
Севгингни яширолмай,
Жоним, энди қалайсан?

Иккимиз сўзлашмаймиз,
Сўзлашишга шошмаймиз.
Билишимча, жонгинам,
Бу йўлда адашмаймиз.

Кўнглимиз сўзлашади,
Висолми кўзлашади?
Қараш билан кўнглимиз
Бир-бирин излашади.

Кўнгилнинг ўз йўли бор,
Вафо деган гули бор.
Сезилар-ку қараши,
Кимда кимнинг кўнгли бор.

Қарасам қарамайсан,
Қарамасам қарайсан.
Севгингни яширолмай,
Жоним, энди қалайсан?

ТУИДАН БУГУН

Тўй эрур, ёр-дўстлар учрашган айём,
Икки дил пайванди туташган айём.
Энг олий ниятлар ушалган айём,
Ёр бўлдинг, ёрингнинг дийдорига тўй,
Дўстлар, бугун тўй!

Оила дейилган янги давлатга —
Келин ила куёв чиқишган тахтга.
Бўлиб шоҳ малика эришган бахтга,
Тарихий воқеа бергандайин рўй,
Қаранг, бугун тўй!

Пигит ҳам, жонон ҳам камолга етган,
Кўпдан ўйлагани — хаёлга етган.
Соғиниш йўлидан висолга етган,
Келинни кутади ясатилган уй,
Келинг, бугун тўй!

Одоб-андиша бор қиз севинчида.
Куёв ўтиради орзу ичида...
Бу онлар шириндир, шириндир жуда,
Икковлон суришар олам-олам ўй.
Эҳ-ҳе, бугун тўй!

Қариндош-уруғлар бўлган жамулжам,
Орзу-ҳавас болини кўришар баҳам.
Ёғдириб ташлашар тилакларни ҳам,
Кўзлар-у, юраклар келган рўбарў.
Яшанг, бугун тўй!

Дарвоза олдида таъзимда мезбон,
Уртада ёзиғлик азиз дастурхон,

Ҳаётнинг қаймоғи тўй деган даврон,
Вафо, садоқатдан янграр қўшиқ, куй,
Куйланг, бугун тўй!

Атрофни ёритган толедай чироғ,
Белларга боғлашган қамишдан белбоғ,
Қўшиқ тўқир Мўмин вақти бўлиб чоғ,
Кимгадир ким дейди: майли, майдан қуй!
Олинг, бугун тўй!

ҚУЕШНАМО ҚАЙТАДУР

Кўзгуларга тушган зиё қайтадур,
Тоғлардан ҳам акси садо қайтадур.

Онаизор кузатганда фарзандин,
Иўл ярмида қилиб дуо қайтадур,

Қаримталик дунё дерлар дунёни,
Бало қилма, локин бало қайтадур!

Бирор маккор учраб қолса улфатда,
Бориб-бориб барча ошно қайтадур.

Кунин бўйин қуёш бериб ҳарорат,
Эртасига у мусаффо қайтадур.

Сочиб ўтса ким яхшилик нурини,
Билгил, Мўмин, қуёшнамо қайтадур.

ЗЕБОГА ХОС

(Ҳамза ғазалига мухаммас)

Зангламаслик аслида тиллога хос,
Сўзламоқлик сўзи пурмаънога хос,
Чин вафодорлик азал Лайлога хос,
Шоҳи хўбонлик ўшал зебога хос,
Мулки ҳусн ичра ўзи яктога хос.

Утса эрди ул санам парво қилуб,
Ишва-ю, ноздан бир оз савғо қилуб,
Қанча ошиқларнинг қаддин ё қилуб,
Тири мужгон қошларига жо қилуб,
Сайд қилмоқ ул кўзи шаҳлога хос.

Кимга лозим пашшадан фил айламоқ,
Расм эрурми дилни чил-чил айламоқ,
Яхшидурким ёрни ҳамдил айламоқ,
Бир қиё боқмоқда бисмил айламоқ,
Зулфи анбар орази раънога хос.

Баъзи маъшуқ айласа ошиқни хор,—
Гар ўзи бўлгай анинг гардига зор.
Ишқ аро бунга мисол ҳар қанча бор.
Сочидек қилмоқ жигарни тор-тор,
Ул ситамгар шонаси буррога хос.

Ерга бахт ростликни одат айламоқ,
Шарт эрур, Мўмин, шижоат айламоқ,
Чин саодатдир садоқат айламоқ.
Эй, Ниҳон, санга шафоат айламоқ,—
Тонгла кун ул маъшуқи мавлога хос.

ЁР БИЛАН ЁР АЙЛАНИБ

Ҳамон кетмас хаёлимдан
Ушал дилдор айланиб,
Юрганми ё парво қилмай
Боғи-гулзор айланиб.

Чаманзордан изла дерди
Менга кўнглим-нишончим,
Кетганмикан у ердан ҳам
Санам бир бор айланиб.

Ниҳолларнинг чиройидан
Ухшарди у келганга.
Учратай деб кездим яна
Мен умидвор айланиб.

Изларин мен танир эрдим,
Боғ унарни пойидан,
У яшнатган боғни кўрдим
Хуммор-хуммор айланиб.

Боғ оралаб келди ногоҳ,
Кулди қуёш кулгандай
Ҳузурига пешвоз бордим,
Беихтиёр, айланиб.

Висол гаштин баён айла,
Мўмин, яйраб дилингдан.
Гулшанларда даврон сурса
Ёр билан ёр айланиб.

ЮРАҚДАН ОШИЁН ТУТГАЙ

Муҳаббат бахт қуши эрмиш,
Юракдан ошиён тутгай.
Авайлаб баъзилар қушни,
Ғанимлардан ниҳон тутгай.

Агарда парвариш топса
У сайрармиш, у яйрармиш,
Яна қайтиб учиб кетса,
Уволи кўп ёмон тутгай.

Уни қайта тутиб бўлмас,
Тутолганмас уни кимса,
Унинг дарди давосиздир,
Тўсатдан-ноғиҳон тутгай!

Кўнгилнинг қушларин овлаб
Юрувчи беюраклар бор,
Қаранг, қушлар тилин билмай,—
Юрак ўрнига дон тутгай.

Муҳаббатнинг заволидин
Қочолмассан, қочолмассан,
Билиб юр, қайда бўлсанг ҳам
Еқангдан бегумон тутгай.

Садоқат айлаган ошиқ,
У мафтун ёр, диёрига,
Мўминни дўсти ёр тутгай,
Заминни меҳрибон тутгай.

КИМ КЕЛАЁТИР? ЖИМ КЕЛАЁТИР...

Ҳар бир қадамин оҳиста қўйиб,
Гуллар бўйига мастона тўйиб,
Ҳусн оламда кўзларни ўйиб,
Гулшан оралаб,
Ким келаётир?
Очмай нега лаб
Жим келаётир.

Ким келаётир?

Жим келаётир...

Гуллар очилиб чиқди саломга,
Тиллар шошадур сўзга — каломга,
Е дарс ўқитур нозли хиромга?
Кўзларни олиб
Ким келаётир?
Уйларга толиб
Жим келаётир...

Ким келаётир?

Жим келаётир...

Ҳайрона қараб гул санъатига,
Сўз ёзадур ё барглар қатига?
Қай дил тушунур ёзган хатига?
Одимни санаб
Ким келаётир?
Ё ёрни синаб
Жим келаётир.

Ким келаётир?

Жим келаётир...

Сайр этадур у парвойи палак,
Гулшанда кезар ё бир капалак?
Ҳайратда Мўминя, тушганини малак?
Утларга ёқиб

Ким келаётир?
Гоҳ ерга боқиб
Жим келаётир.

Ким келаётир?
Жим келаётир...

ЕР МЕНГА УЗУК ТАҚДИ

(Қиз қўшиғи)

Кўнгилга кўнгил ёқди,
Бахтимга бахти боқди.
Ўз қалбин этиб тақдим,—
Ёр менга узук тақди.

Узукча ялт-ялт этар,
Юрак-чи, қалт-қалт этар...
Пинҳона қараб қўйдим,
Ёр менга узук тақди.

Узукнинг кўзи борми?
Маъноли сўзи борми?
Кўзига тушди кўзим,
Ёр менга узук тақди.

Оҳиста кулиб қўйди,
Кўнглимни билиб қўйди,
Меҳримга улаб меҳрин,
Ёр менга узук тақди.

ЕР ИЗЛА БОҒДАН

Кўз узиб бўлмас гулноралардан,
Гуллар бекинмиш дилкоралардан.

Ўзга ниятда кирган чаманга —
Бўлсин умрбод оворалардан.

Гуллар юзида шабнамми, ёшми —
Оқшом сочилган фавворалардан.

Гуллар нидоси таралмиш гўё:
— Узманг, дебон — биз бечоралардан!

Гул узма боғдан, ёр изла дерлар,
Ишқингга бўлган иқроралардан.

Зимдан қаранглар, дил дилни топгай
Кўзларда ёнган ишоралардан.

Одоб-ибода кулган чиройи,
Ойга етарли рухсоралардан.

Вафо осмонин ёритса ёринг —
Бўлса қуёшдек сайёралардан.

Севинди Мўмин яйраб чаманда,
Кўз узолмайди Дилдоралардан.

Гул узма боғдан — ёр изла боғдан,
Ишқингга бўлган иқроралардан.

КУКСИМДА ҚУЛИМ, ҚУЛИМДА ГУЛИМ

Севгили жонон,
Бўлмагил ҳайрон.
Бир нигоҳ ташла
Зимдан мен томон.
Гулим сўзлайди,
Кўнгил кўзлайди,
Улар икковлан
Сени излайди.

Кўксимда қўлим,

Қўлимда гулим.

Гулимни кўргил,
Ҳолимни сўргил,
Қалбим ниҳолин
Арзига кўнгил.
Узатгил қўлинг,
Ишонсин кўнглинг.
Қўшилса эрди
Гулимга гулинг.

Кўксимда қўлим,

Қўлимда гулим.

Даврон бекаси,
Гулим эгаси,
Муҳаббат гулин
Вафо меваси.
Сўз айтолмадим,
Кўргил ҳолатим.
Мўмин ўзингда —
Дейди омадим.

Кўксимда қўлим,

Қўлимда гулим.

ОШҚОРА БҰЛСА МАЙЛИ

(Қиз қўшиғи)

Севги доим пинҳонми?
Е ушалмас армонми?
Икки юрак ишонса
Ошқоралиқ ёмонми?

Қўниб кўнгил измига,
Хат ёздим ёр исмига.
Ғунча расми хатимнинг
Чирой қўшди ҳуснига.

Сўз маъноси етарми,
У ҳам жавоб битарми?
Вой, ўлмасам, бу хатим
Ишқим ошқор етарми?

Ёр ёнганда ёр ёнса,
Қувонганда қувонса.
Юраклар бир-бирига
Умри бўйи ишонса.

Садоқати туфайли
Лайли бўлганмиш Лайли.
Вафо қилса ёр ёрга
Ошқора бўлса майли.

ПИЁЛАНИНГ СИРИ

Бир пиёла чиройига ташласам кўз қирини,
Дил тўлғонди кўриб туриб тилла ҳалли — сирини.

Минг тасанно дегим келди санъаткорнинг қўлига,
Хаёлларим кезди юртим пахтазори, қирини.

Пиёлада қай гўзалнинг меҳри, сеҳри намоён?
Қим чой ичса чиқар эмиш ҳатто қантсиз ширини.

Пиёлага май қуйилса билинарми асрори?
Билиш мушкул бу тариқа пиёланинг сирини.

Мўминда бир маслаҳат бор пиёлани севганга:
Билиб олур аввал севса чиннисоз қиз бирини...

КЕЛ, ДЎСТИМ, ГАПЛАШАЙЛИК

Бор бўлсин дўст-улфатлар,
Кел, дўстим, гаплашайлик.
Бахтга тўла фурсатлар,
Бир кулиб, минг яшайлик,
Кел, дўстим гаплашайлик.

Ширин-ширин дамлардан,
Кўнгли пок одамлардан,
Лол этган санамлардан,
Кел, дўстим гаплашайлик,
Очилиб дардлашайлик.

Яхшиларни излашиб,
Ўтганларни эслашиб,
Орзуларни кўзлашиб,
Кел, дўстим, гаплашайлик,
Қониб сўхбатлашайлик.

Фазаллар шоҳ сатридан,
Ота-она қадридан,
Вафодорлар қалбидан,
Кел, дўстим гаплашайлик,
Майли, ҳасратлашайлик.

Меҳнат қилиб, гул териб,
Юрайлик кўкрак кериб,
Мўминга илҳом бериб,
Кел, дўстим, гаплашайлик,
Келсанг, бир яйрашайлик.

БЕПАРВО САНАМ

Бепарводай келар санам,
Куйдирмоқни билар санам.
Зимдан қараб, ним хўрсиниб,—
Ихтиёринг олар санам.

Ажойбдур таманноси,
Таманносин бор маъноси,
Писанд қилмас шайдоларни,
Қандайларни элар санам.

Кўзинг тушса жилвасига,
Илинтирар ишвасига.
Кўпларни у этиб сарсон,
Қимларга бахт тилар санам.

Гоҳо макри ҳаддан ошар,
Не юраклар жазиллашар.
Ишқ жангида чиқиб ғолиб,
Аста таъзим қилар санам.

Бордир унда на муддао?
Ошиқ дилга бермас даво.
Мўминларни лол қолдириб,—
Яна йўлда елар санам.

УХШАР ҚУЁШГА ЛОЛА

Қуёш олтин зувола,
Ерда лола — қиз бола.
Юборса нур — шалола —
Лолагами ҳавола.

Қуёшу ер эгизми?
Ерга қуёш негизми?
Лола қуёшга қизми?
Ухшар Қуёшга лола.

Офтоб лола қизига,
Қизнинг қирмиз юзига,
Йўлларига — изига
Нур сочар тола-тола.

Қуёш ерга тушаркан,
Лола қизин қучаркан,
Лола чирой сочаркан
Нурларни ола-ола.
Ухшар қуёшга лола.

БОҒБОН ЯИГИТ ҚУШИҒИ

Ёр, айлагин боғим аро сайру томоша,
Кулиб турган ниҳолларга ўзинг бер баҳо.

Сенга ишқим, элга севгим бунда намоён,
Ешлигимиз санъатини боғ этар баён.

Жамолингдан қиёс олган гуллар чиройи,
Нур берганми юзгинангнинг жилвагар ойи.

Бу чаманда гуллар очур севги ниҳоли,
Бахтимизни кўз-кўз этар боғим жамоли.

Ғазал ёзиб, гуллар экдик, атроф мусаффо,
Гулшан каби топсин камол дилларда вафо.

Ҳаёстингга боғлар Мўмин боғбон ҳаётин,
Бу боғларда бирга даврон сурмоқ муродим.

СОЧАР ЗИЁ НАЗОКАТ

Инсондаги андиша
Бергай ҳусну латофат.
Нурдай зарур ҳамиша
Одоб, ибо-назокат.

Сезилгай ҳар қадамда
Қалби тоза одамда —
Бўлиб турар намоён
Суҳбат аро назокат.

Салом бериб ўтишда,
Севги изҳор этишда.
Икки юрак аҳдига
Қурар вафо назокат.

Кўрсатар ўз қалбини,
Оширгай дўст қадрини,
Ёмон йўлдан қайтаргай
Чин ошино назокат.

Бўлса назокат одат,
Ердир унга саодат.
Ширин-ширин сўзларга
Берар маъно назокат.

Ёрга ҳурмат сақлашда,
Яхшиларни ёқлашда,
Мўмин дейди: одобдан —
Сочар зиё назокат.

ЮРАГИМ СЕЗМОҚДА

Кулдиргил хаёлим,
Гул очсин ниҳолим.
Юрагим сезмоқда,
Ўзингсан иқболим.

Намунча синайсан,
Ноз ила қийнайсан,
Қалбимнинг торини
Оҳ, нега тирнайсан?

Юрибман ҳажрингда,
Қолдирма жабрингда,
Борми ҳеч мурувват
Дилингда — меҳрингда.

Ортиқча карашма
Сен учун ярашмас,
Бахтимсан жонона,
Бахтингдан адашма.

Кулдиргил хаёлим,
Гул очсин' ниҳолим.
Юрагим сезмоқда
Ўзингсан иқболим.

ЎЗ-ЎЗИМГА АЙТИНГИЗ

Сиз севганим — паноҳим, ¹
Юрак бунга гувоҳим.
Агар бўлса гуноҳим,
Юз-кўзимга айтингиз,
Ўз-ўзимга айтингиз.

Севги дилни даволар,
Бўлса аҳду вафолар,
Кимдан ўтмас хатолар,
Юз-кўзимга айтингиз,
Ўз-ўзимга айтингиз.

Майли мени синангиз,
Яхши ният тилангиз.
Борми бирор гинангиз,
Юз-кўзимга айтингиз,
Ўз-ўзимга айтингиз.

Мўмин сўзи дармоним,
Қалбим сизга эҳсоним.
Бўлса хато-нуқсоним,—
Юз-кўзимга айтингиз,
Ўз-ўзимга айтингиз.

ТОПИБ ИМКОН, ЭШИТДИНГМИ?

Сени йўқлаб қўшиқ ёздим,
Дилимга жон, эшитдингми?
Қачон бу куйни машқ этсам
Тилим бийрон, эшитдингми?

Гўзаллик дерлар одобда,
Буни кўрдим мисолингда,
Ижодим боғида сенга
Куйим эҳсон, эшитдингми?

Ёқимтой ноз билан боққан
Қаро кўзлар кўз ўнгимда,
Жамолинг мадҳини тинглаб,
Ўзинг ҳайрон, эшитдингми?

Бирон сўз қолса кўнглингда
Ўзимни бахтиёр дердим,
Висол айёминни сен ҳам
Қилиб армон, эшитдингми?

Юракда куй олиб Мўмин
Ҳузуригга тушар йўлга,
Атай ҳар тонгда куйлайман,
Топиб имкон, эшитдингми?

АФСОНА ҚОЛДИРДИ

Санам ўз ишқидан элда
Ажаб афсона қолдирди.
У юрган барча манзилда
Чаман гулхона қолдирди.

Чирой, одобда ул аъло,
Ақл-идрокда ҳам танҳо.
Эшитган ёки кўрганни
Тамом ҳайрона қолдирди.

Ҳақиқий ишқни қўлловчи,
Вафо боғига йўлловчи,
Муқаддас севги қасрида —
Буюк кошона қолдирди.

Кўринганни демасдан ёр,
У севди умрида бир бор,
Талай ўткинчи ошиқнинг
Дилин вайрона қолдирди.

У ёр ишқи билан юрди,
Диёрин завқини сурди,
Мўмин ишқ таълимин олсин —
Дебон дарсхона қолдирди.

ЗОРГА ЗОР

Бўлди булбул тонггача гулзорга зор,
Енмас эрди бўлмаса ул ёрга зор.

Икки дилга тушса бир хил илтижо,
Севги сеҳри зорни этгай зорга зор.

Интизорлик имтиҳонми ишқ аро?
Дейдиларким, бўлма дил озорга зор.

Баъзи бирлар зор кўрингай зоҳирон,
Ким вафо топгай бўлиб хушторга зор.

Зор юриб етгач висол айёмига,
Зора диллар бўлмаса иқрорга зор.

Зор чекканга шифо топгил, Мўмин,
Ошиқ аҳли бўлмасин «ёр-ёр»га зор.

ТОРИНГНИ ЙИҒЛАТМА

Муғанний, тонг отиб бўлди,
Ҳадеб торингни йиғлатма,
Дилиннга қай алам тўлди?
Ўзинг зорингни йиғлатма.

Тан олдим иқтидорингни,
Тиларман бахт-барорингни,
Сато сенга мадад бергай,
Мададкорингни йиғлатма.

Нечун бунча эзиб чалдинг?
Дилимдан ўтказиб чалдинг.
Қўй-эй, булбул мисол ёнма,
Чаманзорингни йиғлатма.

Юрак қайғу учун тордир,
Юрак шодлик учуғ бордир,
Саодат васли айём бу,
Бутун борингни йиғлатма.

Бу аҳвол йиғласа торинг,
Адашмасми умидворинг?
Ҳаёт бахтига соз созла,
Умидворингни йиғлатма.

Кулиб торингни сайратсанг,
Қўнгил боғинда сайр этсанг,
Куйингдан эл дили, кулгай,
Вафодорингни йиғлатма.

Куйинг тинглаб туриб ёздим,
Ўйинг англаб туриб ёздим,
Бу санъат ошиги Мўмин,
Бугун, торингни йиғлатма!

РОЗИ ЭКАНМИ?

Уйнагали даврада ул рози эканми?
Еки бир оз уялгани нози эканми?

Ким кўзини узгуси бор моҳи санамдан,
Тортинадир одатими ёки одамдан.

Уйнаса у, ўйнаса у, ўйнаса бир бор,
Фориғ этар кўнгилларни дарду аламдан.

Уйнагани даврада ул рози эканми?
Еки бироз уялгани нози эканми?

Либослари төвланадир тинмай шамолда,
Ухшашини тополмадим ҳусни жамолда,

Уйинларини ўйларида ўйлаётирми?
Ним куладир, қаранг ана, турли ҳаёлда.

Уйнагани даврада ул рози эканми?
Еки бироз уялгани нози эканми?

Энди қаранг, маҳлиқо рақс этаётир,
Юракдаги орзулари акс этаётир,

Саодатин санъатидан топайин деб ул,
Раққосалар даврасида баҳс этаётир.

Уйнагани даврада ул рози эканми?
Еки бир оз уялгани нози эканми?

СЕНГА ЕТИШ ОСОНМИ?

Қайлардасан, эй, жонон,
Сенга етиш осонми?
Бўлган чоғинг намоён
Нари кетиш осонми?
 Ажаб оҳанрабосан
 Нари кетмоқ осонмас.
Кўзни қамаштирурсан,
Сўздан адаштирурсан,
Бориб олис жойларга
Е хат битиш осонми?
 Сўздан хато топурсан,
 Хатлар битмоқ осонмас.
Баъзан излаб атрофда
Юрарман изтиробда.
Мендай ошифталарга
Йўлда кутиш осонми?
 Кўрсанг парво этмассан,
 Йўлда кутмоқ осонмас!
Қалбим сенга аталган,
Боғ яратдим атайдан,
Вафоларим гувоҳи —
Гуллар тутиш осонми?
 Балки олмай ўтурсан,
 Гуллар тутмоқ осонмас.
Ягонасан тарихда,
Фарзонасан таърифда...
Сендай барно, донони
Тавсиф этиш осонми?
 Мўминга бир ғазалда
 Тавсиф этмоқ осонмас!

БОРСА ДАВО, ЖОНОНА ЁР

Гул боғидан боқса қиё, жонона ёр,
Оҳ, бунчалар оҳанрабо, жонона ёр?
Дил дардига берса даво, жонона ёр,
Ибо билан этса имо, жонона ёр.

Афсоналар айланарди ҳақиқатга,
Ўзимни мен топширдим садоқатга,
Кошоналар қурар эрдим муҳаббатга,
Ёр бўлишга бўлса ризо, жонона ёр.

Кўнгилларда ажаб сеҳрий жавоҳир бор,
Ул жавоҳир замиринда талай сир бор:
Умид ҳам бор, шубҳалару хавотир бор,
Орзуларим қилса бажо, жонона ёр.

Қувончимдан сизмас эдим жаҳонларга,
Таҳсин дердим садоқатли виждонларга,
Бўлиб Мўмин, етганлар кўп армонларга,
Дил дардига берса даво, жонона ёр,
Жонона ёр, жонона ёр, жонона ёр.

ИҚРОРГА ҚАРАНГЛАР

Сайрон келадир дилдорга қараңглар,
Гуллар чекинур гулзорга қаранглар.

Кўз жовдиратиб ўз ёрини излар,
Ул кўзлари шўх хумморга қаранглар.

Ёр ёрни кўриш ишқидан ким огоҳ!
Ким кимга зор-у, ул зорга қаранглар.

Таъзим қиладир оҳиста саломда,
Дил дилни топар, иқрорга қаранглар.

Тотли нақадар фасли висол онлар,
Гулдаста тутар ёр ёрга қаранглар.

Мўмин севинар гул гулга қўшилса,
Бу қўша қушга — ҳушёрга қаранглар

ЕДИМДАДИР АЛЛАНГИЗ

Онажоним, аллангиз,
Ҳамон-ҳамон ёдимда.
Тургандайсиз ҳамиша,
Меҳрибоним, ёнимда.

Орзу тўла аллангиз
Қизингизга дарс экан,
Алла айтиш азалдан
Оналарга фарз экан,

Еткандайман, онажон,
Оналикнинг қадрига.
Қуйилмоқда аллангиз
Жигарбандим қалбига.

Оналарнинг алласи,
Оҳ, шунчалар давоми?
Таралмоқда қалбимдан
Аллангизнинг давоми.

ГУЛЛАР ОЧИЛДИ УЧ БОР

Гуллар очилди уч бор,
Ҳамон йўқдир дарагинг.
Ваъдаларинг сўз экан,
Ўзга экан юрагинг.

Уч бор учиб ўтдилар
Осмонимда турналар,
Нимадандир, билмайман
Юрак бағрим тирналар.

Гуллар экан вафодор
Очилдилар вақтида,
Турналарга қарайман,
Собит экан аҳдида.

Қатор-қатор учганда
Турналарга боқдингми?
Чаманзордан юрганда
Ўзга гулга оғдингми?

Турна бўлсанг келардинг,
Очилардинг гул бўлсанг,
На қиларди кўнгилнинг
Гулларидан ўргулсанг.

Гуллар очилди уч бор...

ЕҒДУ ЭМАСМИСАН, СЕВГИ?

Роҳатмисан, озормисан,
Қайғу эмасмисан, севги?
Сен йўқмисан ё бормисан,
Еғду эмасмисан, севги?

Кўрин менга гар бор эсанг,
Элга сўзлай нелар десанг,
Хаёлларни чалкаштирган
Жоду эмасмисан, севги?

Яшар жойинг юракдами?
Энг мусаффо тилакдами?
Кимлар етган, ким етмаган
Орзу эмасмисан, севги?

Не ошиқлар куйлаб юрган,
Не оқиллар ўйлаб юрган,
Дил розини этган ошкор —
Кўзгу эмасмисан, севги?

Юрак тўлиб хирожингга,
Етган борми иложингга?
Мафтун айлаб бўлган ғойиб —
Оҳу эмасмисан, севги?

Боғлагансан юрт-диёрга,
Боғлагансан содиқ ёрга,
Мўмин кўнглини этган ишғол —
Туйғу эмасмисан, севги?

НОЗУ, ИБОЛАРГА

Муҳаббат гоҳ йўлиққаймиш хатоларга,
Сабаб бўлмай эмиш оҳу нидоларга.

Хатоларни тuzатгайми севишганлар?
Ўмид қилгай кўнгил ақли рассоларга.

Ўзингдан ишқ олар гоҳо хаёлингми,
Кўнгил қургур оғар нозу, иболарга.

Юраклар тенглиги кўздан намоёнмиш,
Санамлар зеб берар сеҳрий жилоларга.

Севишган дил чирой сочгай чаманларга,
Садоқат йўл очар аҳду вафоларга.

Сўзинг малҳам бўлиб, Мўмин, кўнгилларга,
Вафолар ўхшагай олий даволарга.

УЗУК КЎЗИ

Кўзни олур айлабми ноз узук кўзи?
Дилга солур минг эҳтирос узук кўзи?
Ишқ аҳлига этгайми роз узук кўзи?
Бир-бирига тушибди мос узук кўзи
Узук кўзи, узук кўзи, узук кўзи.

Кўнгил ўйин қуршаганди ажиб хаёл,
Олган экан заргар қайси кўздан мисол?
Ошиқ ила машуқ бунда топган висол,
Вафоларга бўлмиш қиёс узук кўзи.
Узук кўзи, узук кўзи, узук кўзи.

Ёқутмикан узукдаги ёнувчи тош?
У тош эмас, севги сеҳри ёққан қуёш,
Мўмин истар бу кўзлардан оқмасин ёш,
Садоқатдан топган асос узук кўзи.
Узук кўзи, узук кўзи, узук кўзи.

СЕН ИНТИЗОР — МЕН ИНТИЗОР

(Халқ йўлида)

Эй, дилхумор, эй, дилхумор,

Утгай яна қанча баҳор?

Рози дилинг сўйла менга,

Утгайми ҳеч қадрим сенга?

Сен унда зор,

Мен бунда зор.

Сен интизор —

Мен интизор.

Сен ҳам менга хуммормисан?

Ишқингга, ёр, иқрормисан?

Сен борлигинг — мен борлигим,

Сен зорлигинг — мен зорлигим.

Сен унда зор,

Мен бунда зор.

Сен интизор —

Мен интизор.

Васлинг этар ошифта ҳол,

Учгим келар гоҳ қуш мисол,

Уйлар сени Мўмин ҳамон,

Бахтимга бўл дейман омон.

Сен унда зор,

Мен бунда зор.

Сен интизор —

Мен интизор!

ГУЛЛАР, БУНЧА САНЪАТКОРСИЗ?

Сизга қараб ҳайронаман,
Гуллар, бунча фусункорсиз?
Чиройингиз бўлмиш чаман,
Гуллар, гуллар,
Гуллар, бунча санъаткорсиз?

Етти рангда минг товланган,
Кўз ўнгимда оловланган,
Уялгандай ороланган,
Гуллар, гуллар,
Гуллар, бунча санъаткорсиз?

Сеҳрланган ойқизмисиз?
Кўкдан тушган юлдузмисиз?
Раъномисиз, наргизмисиз?
Гуллар, гуллар,
Гуллар, бунча санъаткорсиз?

Боғлар аро гулғунчалар,
Мўъжизакор, эҳ, шунчалар,
Чалғиб кетар тушунчалар,
Гуллар, гуллар,
Гуллар, бунча санъаткорсиз?

Очилгайсиз пахта мисол,
Дилга шодлик, тилларга бол,
Мўминга бахш этган иқбол,
Гуллар, гуллар,
Гуллар, бунча санъаткорсиз?

ГУЗАЛЛИК КЎЗГА ДАВО

Гўзаллик оҳанрабо,
Бор унда меҳригиё,
Этгандай сенга имо —
Тарқататур сеҳрий зиё,
Гўзаллик кўзга даво.

Кўздан дилга ўтар у,
Ғамларни тўзгатар у,
Санъатдан завқ тутар у,
Маъноси бор бир дунё,
Гўзаллик кўзга даво.

Гўзаллик бўстонларда,
Сержило жононларда,
Оқшомларда, тонгларда.
Тўйиб бўларми асло?
Гўзаллик кўзга даво.

Бахш этар дилга ҳузур,
Мўминга илҳом берур.
Ранглардан сочиб у нур,
Этар дилни маҳлиё,
Гўзалик кўзга даво.

ИЗЛАМАСАНГ

Келарми ёр, гул кўтариб изламасанг,
Кўнгил ором оларми ҳеч эсламасанг?
Хумормисан ёр гулидан исламасанг?
Сийламагай агар уни, сизламасанг?

Кулганда кўр жононалар кўҳлигини,
Қим кўтарар эркалиги, шўҳлигини.
Сенга дили борлигини, йўқлигини
Билолмайсан юрагингдан сўзламасанг.

Боргил ўзинг тоғда ўстган дўлонага,
Жон чекмасанг етолмайсан жононага.
Аввалига ўхшаб турар бегонага,
Тингламагай ёниб-ёниб бўзламасанг.

Етса кўзинг етиш учун висолига,
Илгаридан жавоб ўйла саволига.
Исмингни ёз, Мўмин, дялу хаёлига,
Вафо қилар эгри ният кўзламасанг.

ЯНГИ ЕР-ЕР

Тўй бошланур бугундан,
Тўй муборак, ёр-ёр,
Патир олинг тугундан,
Тўй муборак, ёр-ёр.

Тўйдан ўзим айланай,
Тўй муборак, ёр-ёр,
Тўйга доим шайланай,
Тўй муборак, ёр-ёр.

Келин куёв бахтига
Айтинг қўшиқ, ёр-ёр,
Икки юрак аҳдига
Бўлманг тўсиқ, ёр-ёр.

Куёв томон сўзига
Барча рози, ёр-ёр,
Ярашибди ўзига
Келин нози, ёр-ёр.

Мос тушибди жуда ҳам
Икки томон, ёр-ёр.
Ишқи бўлса чинакам
Бўлсин омон, ёр-ёр.

Мақсадига эришар
Севган юрак, ёр-ёр,
Қуда томон келишар,
Тўй муборак, ёр-ёр.

НЕЧУН ЖАВОБ ЁЗМАДИНГ?

Нечун ёзмайсан жавоб,
Жонон, ёзган хатимга.
Баҳо бер, айлаб инсоф,
Бу соф муҳаббатимга.

Тилагим бор хатимда,
Юрагим бор хатимда,
Сўзлар гувоҳим бўлсин
Сенга садоқатимга.

Уй суришга барҳам бер,
Дил ўйингдан сўзлар тер,
Бир бор қараб кўрдингми
Юборган суратимга?

Майли, бир сўз бўлса ҳам,
Ёзгин жавобинг, эркам.
Раҳминг қелмасми, раҳминг,
Интизор ҳолатимга?

СЕНГА БИР ГАП АЙТАМАН

Тингла жоним, сенга бир гап айтаман,
Дил тўрида севги асраб айтаман.

/ Шунчалик доно экансан, жонгинам,
Ҳар сўзимни минг авайлаб айтаман.

Имтиҳон қил бу вафо бўстонида,
Булбулингман, гулда сайраб айтаман.

Қўзларингдан пайқаганман чин вафо,
Меҳри ёдинг дилга жойлаб айтаман.

Мақсадим шу, аҳд-вафони сен учун
Бир умрга ваъда айлаб айтаман.

Юртим ишқи бирла меҳрим ҳамовоз,
Гул ҳаётим сенга борлаб айтаман.

Икки қалбда ишқ яратган бу днёр,
Севгимизга бўлди мактаб, айтаман.

Рози бўлсанг сўзларимга сен агар,
Севгимизни элга мақтаб айтаман.

КЕЛ, ГУЛИМНИ ОЛ

Кел, соҳибжамол,

Кел, гулимни ол.

Гулга назар сол,

Гул ўзинг мисол.

Олмайсан нега?

Яқин кел хиёл,

Ол, гулимни ол,

Кел, гулимни ол.

Кўзим интизор,

Гуллар сенга зор.

Гул узатишим

Энг биринчи бор.

Келмасин сенга

Беҳуда хаёл.

Ол, гулимни ол,

Кел, гулимни ол.

Гулларим сўлим.

Қайтарма қўлим,

Синаб кўр, жонон,

Очилсин кўнглим.

Ишқим гули бу,

Бўлмасин увол.

Ол, гулимни ол,

Кел, гулимни ол.

Билиб қўй, дилдор,

Гулда хатим бор.

Ўқиб ишқимга

Бўларсан иқрор.

Севиб умрбод

Топайлик висол,

Ол, гулимни ол,

Кел, гулимни ол.

ИШОНАМАН КЎЗИНГГА

Севаман дер кўзларинг,
Севмайман дер сўзларинг.
Гар севмасанг не учун
Ёниб турар кўзларинг?

Яширсанг ҳам тилингда,
Яширмайсан дилингда,
Ишонайми сўзингга?
Ишонайми ўзингга?
Ишонаман кўзингга.

Юзинг тўла офтоб бор,
Ўзингда минг одоб бор.
Вафо сўзи ёзилган
Кўзларингда китоб бор.

Яширсанг ҳам тилингда,
Яширмайсан дилингда,
Ишонайми сўзингга?
Ишонайми ўзингга?
Ишонаман кўзингга.

Учрашганда, жонона,
Бўлма менга ҳайрона.
Нечун шошиб кетасан,
Излаб турли баҳона?

Яширсанг ҳам тилингда,
Яширмайсан дилингда,
Ишонайми сўзингга?
Ишонайми ўзингга?
Ишонаман кўзингга.

ИҚБОЛ ЖАВОБ

Тилга дил фармон бериб дер ол, жавоб,
Нозанинлар айламас дарҳол жавоб.

Гоҳ¹ жавоб ўрнида ўтгай ноз-ибо,
Шарт эканми севгида яққол жавоб.

Гунча лабдан чиқса сўз, бахтинг эрур,
Тотмасанг ҳам таъмида бор, бол, жавоб.

Севги асли тушмасин торозуга,
Фарқ қиларкан гоҳи бир миққол жавоб.

Гар саволингга савол берса санам,
Икки дилдан чиқса саз хушҳол жавоб.

Ҳар савол бирлан жавобнинг фарқи бор,
Бўлмасин ҳеч ўртада дудмол жавоб.

Фурсату ўрнида бўлса ҳар савол,
Бахш этар Мўминга ҳам иқбол жавоб.

МЕН СЕВАМАН, СЕН...

Мен севаман, сен севасанми?
Мени йўқлаб бор кезасанми?
Сўзларимдан ё безасанми?
Юрагимни ҳеч сезасанми,—
Мен севаман, сен севасанми?

Мафтунликда ўзим бўлиб кўр,
Жамолингни кўзим бўлиб кўр,
Дилимдаги сўзим бўлиб кўр,
Юрагимни ҳеч сезасанми,—
Мен севаман, сен севасанми?

Олиб кетар ҳар ён хаёлим,
Қандай тушди сенга саволим?
Гар севмасанг не кечар ҳолим?
Юрагимни ҳеч сезасанми,—
Мен севаман, сен севасанми?

Ҳар ким узар ёқтирган гулдан,
Сув ичади кўнгил кўнгилдан,
Юргин вафо кўрсатган йўлдан,
Юрагимни ҳеч сезасанми,—
Мен севаман, сен севасанми?

Жонон, сенга фақат зорим бор,
Зорим бору қўлда торим бор. '
Вафо деган дил қарорим бор,
Юрагимни ҳеч сезасанми,—
Мен севаман, сен севасанми?

Кўнглинг бўлса тутмагил пивҳон,
Майли этгил минг бор имтиҳон,
Уйлаб кўргин, ўйлаб кўр, жонон,
Юрагимни ҳеч сезасанми,—
Мен севаман, сен севасанми?

ҚҰЙСАНГ ҚАДАМЛАР

Оламда қанчадур сендай санамлар?
Оламда қанчадур сенга қарамлар?

Ухшашнинг учрарми, учратмоқ маҳол,
Тавсифда ҳайрондур ақлу қаламлар.

Ишвангда минг одоб, боқишларинг зол,
О, сенда шунчалар сеҳрий карамлар.

Кўзларинг кўзларни ўртайди ногоҳ,
Бормикан висол деб аталган дамлар?

Кулгингдан шодликлар таралгай ҳар ён,
Боғда гул жонланур қўйсанг қадамлар.

Менга сен танҳосан, танҳосан, танҳо,
Қувонган қалбимга солдинг аламлар.

Ё сенда сир борми, ё оҳанрабо?
Мўминдай мафтуну лолдир одамлар.

МИНГ БОР КЕЧИРГИЛ

Кўнгил арзим этай изҳор, кечиргил,
Сўзим берса агар озор, кечиргил,
Ранжимагил зинҳор-зинҳор, кечиргил,
Яқин тутиб дедим мен ёр, кечиргил.

Кўнгил экан юргизаркан йўлига,
Бошлар экан ўнгига ё сўлига,
Олиб кетар чаманига, чўлига —
Ёр юзига этаркан зор, кечиргил.

Бу йўлларда на тажрибам, машқим бор,
Аmmo сенга нурдай тиниқ ишқим бор.
Очиқ айтай, севгим билан рашким бор,
Гуноҳимга ўзим иқрор, кечиргил.

Сўзларимда чиқмадимми одобдан?
Фойда йўқдир билсанг нурли саробдан.
Бахтим кулса сен ёзажак жавобдан,
Малол келса, минг бор, минг бор, кечиргил.

Севги сира қолмас дерлар пинҳона,
Умидимга етказ ўзинг, жонона.
Кулиб қўйсанг, розиликдан нишона,
Мўмин сўзи этса бедор, кечиргил.

СЕВГИ ДАВО БЎЛДИ, ДЕНГ

Жононанинг ҳамиша
Касби ибо бўлди, денг,
Олган таълиму дарси
Одоб-ҳаё бўлди, денг.

Чиққан маҳал либосда
Кўзлар қамашди бирдан,
Сержозиба жамоли
Гулга жило бўлди, денг.

Оҳ урсалар ошиқлар,
Боқмасдан ўтди-кетди,
Гоҳида сўз отдилар,
Гоҳи имо бўлди, денг.

Ўз тенгини топгунча
Куйдирди, ўзи куйди,
Икки юрак келиб мос,
Севги даво бўлди, денг.

Севгида сурди даврон,
Садоқатдан топиб бахт,
Мақсадга етди, Мўмин,
Аҳди вафо бўлди, денг.

МЕҲРИГИЕСИ БОРИДАН

Дил хабар топган маҳал
Чин севгувчи дилдоридан,
Айласин тезда жавоб
 Ўз майлидан — иқроридан,
Севгувчи икки кўнги
 Бўлса агар орзуда мос,
Бахтининг болини тотар
 Аҳду вафо гулзоридан.
Ошиқу маъшуқалар
 Танларми ҳеч ортиқ чирой,
Севгани афзал эрур
 Ўзга гўзал рухсоридан.
Ким муҳаббат қадрига
 Етса эли қадр айлағай,
Тотмағай ошуфта дил
 Ҳижрону рашк озоридан.
Ҳар кўнгили кошона — тахт,
 Унда муҳаббат шоҳи бор,
Ишқ адолат истағай
 Кошоналар тождоридан.
Севмоқ осон дейдилар,
 Лекин севилмоқ кўп қийин,
Ким севилса бахт унга
 Тортиқ бўлар ўз ёридан.
Севгини пок сақламоқ
 Олий фазилатдир, Мўмин,
Ёрга ёр этсин насиб
 Меҳригиеси боридан.

ДАВРА ЧИРОИИ

Қадам қўйса даврага ёр ёнида ёр,
Таъзим қилур атрофга қўша вафодор.

Улардаги жозиба, назокат, одоб,¹
Нур сочгандай туюлгай даврага офтоб.

Давра узра югургай шодонлик шу он,
Барча боқар уларга, кўзлар чарогон.

Гўё қўша кабутар ёр ёрига мос,
Ё гулданми, нурданми кийганлар либос.

Кўнгиллари лиммо-лим завқу сафога,
Топширганлар ўзларин аҳду вафога.

Кимлар мафтун бўлмагай севги даврига,
Висол фасли ярашгай базму даврага.

НОЗЛАНИБ

(Ялла)

Булар «Баҳор» қизларидан, қизларидан,
Гул кулади саҳнадаги нзларидан,
Илҳом олиб созанданинг созларидан,
Шодиёна бахш этишар нозларидан.

Н а қ о р а т:

Раққосалар берар салом
Нозланиб, нозланиб.
Раққосалар айлар хиром
Нозланиб, нозланиб.

Кетишолмас, кўзингизга боғланишар,
Шод этишлар, ўзлари ҳам чоғланишар.
Раққосалар кўнгли мудом баҳор бўлар,
Қарсақлару қувончингиз баҳо бўлар.

Н а қ о р а т:

Рақс этишар минг ўргулиб,
Айланиб, айланиб.
Ром этишар кулиб-кулиб,
Айланиб, айланиб.

ЮРАКДАН УТКАЗИЛМАСМИ?

Дуторга жўр бўлиб қолсанг, таранг тори узилмасми?
Юрак хонишларинг тинглаб қувонган дил эзилмасми?

Дуторингга қулоқ тутсам баён этди кўнгил зорин,
Кўзингдан ёш бўлиб маржон юзинг узра тизилмасми?

Нечун бунча куйиб хониш қилурсан деб ачингайман,
Кўриб аҳволи тарзингни дегайман, бу ҳазилмасми?

Кўнгилнинг бўлмаса дарди, қувончинг қадри ошгайми?
Талай шодлик, талай ғамлар кўнгилдан ўтказилмасми?

Аламдан куйласанг гоҳо, бу сенмасдир, дуторингдир,
Бу санъат сеҳридан, Мўмин, юрак меҳринг сезилмасми?

ИШҚДА ЭЪЗОЗИНГДАН-ЭЙ!

Асли одоб гулгун этган
Нозми бу, возингдан-эй!
Санъатингдан нур югурган
Хусни пардозингдан-эй!

Бу чаманни яшнатибсан,
Яшна тобора ўзинг.
Кўзларимни кулдирувчи
Гулбаҳор, ёзингдан-эй!

Дил қувончим ошди минг бор
Бор аро сайр айлабон,
Хонишимга жўр бўлувчи
Чалганинг созингдан-эй!

Гоҳ ёзиб юрсанг қулочинг
Бу чаманзор бағрида,
Қушчалар андоза олгай
Тавти парвозингдан-эй!

Ассаломинг заб ярашган,
Қўлда гулдастанг билан.
Мўмин олгай завқу илҳом
Ишқда эъзозингдан-эй!

ВАФО БИЛАН КЕЛИБДИ

Ер уйига келинпошша
Ибо билан келибди.
Куёв тўра юрагига
Шифо билан келибди.
Аста-аста қадам босар,
Қутлуғ бўлсин қадамлар,
Ҳаё билан хиром айлаб,
Ҳимо билан келибди.
Тўй оқшоми хонадонга
Нур таралиб бир зумда,
Гўё тунда қуёш чиқиб,
Зиё билан келибди.
Назокати — чиройи,
Ешлигига нур қўшибди
Андишаю одоб деган
Сарпо билан келибди.
Узукка кўз солган мисол
Куёв бола ёнида,
Гўё куёв Тоҳир бўлиб
Зухро билан келибди.
Севги бахтин кўз-кўз этар,
Кўз тегмасин бахтига.
Бошига бахт қуши қўниб —
Ҳумо билан келибди.
Бу даргоҳдан кетмас бўлиб
Келган бўлсин, эй, Мўмин,
Юрагида аҳду паймон
Вафо билан келибди.

ТОБОРА ҚУЛСАНГ

Кўнглим гулдай очилгай
Жонон бир бора кулсанг.
Боқдим кўзингга тўймай,
Дебон сен зора кулсанг.

Чаманлар барқ урарди
Шодона кулганингда,
Гунча лабин очарди
Боқиб гулзора, кулсанг.

Чеҳранг узра кўринган
Кўксингдаги қувончдир
Қалбингдаги севгингдан
Айлаб ишора, кулсанг.

Кўзим тушиб кулгингга
Қалбимда қолди мангу,
Чамандаги товланган
Гўё гулнора, кулсанг.

Ешлигингда, кулгингда
Муҳаббату бахтинг бор,
Арзийди ҳур даврингда
Жонон, тобора кулсанг.

УШАЛ ЖОНОН СЕНМАСМИ?

Тандан оромим олган,
Дилдан илҳомим олган,
Гул ёнидан жилмайиб,
Бир бор саломим олган,—
Гўзал жонон сенмасми,
Ушал жонон сенмасми?

Олмасанг ҳам гулимни,
Олган эдинг кўнглимни.
Неча йиллар кўринмай
Адаштирган йўлимни
Гўзал жонон сенмасми,
Ушал жонон сенмасми?

Мен сезмабман нозингни,
Кўнгилда сир-розингни.
Пинҳон чалган экансан
Жонон, севги созингни.
Гўзал жонон сенмасми,
Ушал жонон сенмасми?

Олмасанг ҳам эсингга,
Зор айладинг изингга.
Яна чирой қўшибсан
Латофату ҳуснингга.
Гўзал жонон сенмасми,
Ушал жонон сенмасми?

Ой тўлгандай тўлибсан,
Кун кулгандай кулибсан.
Севилибсан, севибсан,
Бахтингга ёр бўлибсан,
Гўзал жонон сенмасми,
Ушал жонон сенмасми?

ТУЙ ТАРОНАСИ

Бу оқшом бор — чаман ҳусни кўзимга беқиёс эрди,
Қўлимда янги созим бор, куйим ғамдин халос эрди.

Чаманзор кўрқини очган йигит-қиз ўлтирар тўрда,
Куёв бунда баҳодирдай, келин кўзи чарос эрди.

Бу тўй икки кўнгил тўйи, буларни икки гул дердим,
Муҳаббат болидан тотган йигит-қизларга хос эрди.

Муборак айлашур тўйим келиб ошна- қариндошлар,
Висол оқшомидир бу дам, кўнгил кўнгилга мос эрди.

Ҳаёт қурсин аҳиликда, тамоман бахтиёр бўлсин —
Гўзал орзу юракларда, самимий илтимос эрди.

Вафодорлик китобини очишга икки гул кўнгил,
Яшайди иззат-икромда, бунга севги асос эрди.

ЎЗ КЎНГЛИДА

Сирларим билмайди дер,
Бечора ёр ўз кўнглида.
Бошқалар кўрсин дебон
Айларми зор, ўз кўнглида.

Яхшимас топган йўли,
Етмас бу йўлда бахтига.
Бунчалар мағрур, қаранг,
Е бахтиёр, ўз кўнглида?

Мақтанар ошиқлигин,
Гоҳ иқтидору илмини.
Ўзгаларни дейди ул,
Бейқтидор, ўз кўнглида.

Севганин қалбин сезиш
Севгучига бахтдир азал.
Наздида ром айлабон
Этмиш хумор, ўз кўнглида.

Янгича олам яшар,
Ҳар бир юрак орзусида.
Эй, Мўмин, ҳар кимсанинг
Дунёси бор, ўз кўнглида.

СЕВГАНИНГ БОРМИ ДЕЧИ

(Қиз қўшиғи)

Эй йигит, кўнглингдан
Суйганинг бормиди!
Сени деб ҳажрингда —
Куйганинг бормиди!
 Бир уни кўзлайсан,
 Бир уни излайсан.
Қизларга қарашга
Ўз кўзинг бормиди!
Қалбингни очишга
Чин сўзинг бормиди!
 Бир унга ошиқсан,
 Бир бунга ошиқсан.
Ер билан куйлашга
Қувончинг бормиди!
Ҳаётда мақсадинг,
Ишончинг бормиди!
 Бир уни кўзлайсан,
 Бир уни излайсан.
Ер билан кезишга
Гулзоринг бормиди!
Бир умр севишга,
Қароринг бормиди!
 Бир унга ошиқсан,
 Бир бунга ошиқсан.

ОЛМА ТЕРГАН ҚИЗЛАРГА

(Ҳазил)

Олма терган қизлар, асло толмангиз,
Боғингизда пишибди хўп олмангиз.

Қўшни боғнинг боғбонимиз бизлар ҳам,
Танимасдан тағин, қувиб қолмангиз.

Олма шохи эгилгандай саломга,
Бизлар кулсак сизлар қовоқ солмангиз.

Олмаларнинг мақтовини оширсак,
Сўзимизни кўнглингизга олмангиз.

Юзингиздай тарағ десак олмалар,
Олма била бошимизга солмангиз.

Барноликда, чеварликда, жононлар,
Бирингиздая бирингиз ҳеч қолмангиз.

Мўмин бўлиб келдик бизлар ҳашарга,
Орангизда кўпмиш бели толмангиз.

БОРГАН ЭДИК БОҒИНГИЗГА

(Қизлар ҳазили)

Борган эдик боғингизга йўқ экансиз,
Гулингизга боқсак, йигит, шўх экансиз.

Қизил гулга оқ гулингиз ёндошибди,
Севги деган қуёш кулиб нур сочибди.

Емон маъно ўтмасин деб кўнглингиздан,—
Бирорта ҳам гул узмадик гулингиздан.

Боғингизни обод қилдик дутор чалиб,
Гулларингиз салом берди эркаланиб...

Кўринсангиз дутор чалиб ўйнатардик,
Хаёлингиз олиб анча ўйлатардик.

Бўласизми яна борсак боғингизга?
Майли, қаранг ўзингизнинг чоғингизга...

БЎЛМАСИН ТАҚРОР АРАЗ

(Ҳажвий лапар)

Гапдан чиқиб ишқал гап,
Ёрдан қилса ёр араз.
Титраб кетар дил-асаб,
Келса ҳам бир бор араз.

Тушиб кетар қовоқлар,
Жавобсиздир сўроқлар.
Узоқлашар иноқлар,
Епишгай беор араз.

Сўздан чиқиб игналар,
Айтиларди гиналар.
Икки томон синалар,
Қимни айлар зор араз?

Қарасангиз агарда,
Йўқолиб ҳурмат парда,
Ишга тушар кек-зарда,
Дўст учун ағёр араз.

Қимдир роса ошиқар,
Гоҳ ўйиндан ўт чиқар.
Қайси бири мол йиғар,
Дилни этар тор араз.

Бир-биридан ўтишга,
Аризалар битишга,
Ажралишиб қетишга
Гоҳо сабабкор араз.

Кимнинг араз одати,
Бузилади роҳати,
Шудир Мўмин нияти:
Бўлмасин зинҳор араз.

ЭРКАК ТОМОН — ХОТИН ТОМОН

1 (Ҳажвий лапар)

Битта рўзғор, битта ҳамён,
Битта ястиқ, битта қозон.
«Эркак томон — хотин томон»
Деган эски жанжал-нуқсон
Учраб турар аҳён-аҳён.

Эр томондан келса биров,
Хотин эса бўлар соқов.
Қозонига ёқмас олов...
Эркак бўлар жиғибийрон,
Парво этмас хотин-жонон.

Хотин ёқдан келса таниш,
Эрни босар оғир ташвиш,
Уйга кириб ухлар пиш-пиш...
Хотин шўрлик чопар ҳарён,
Тушунолмас келган меҳмон.

Келса эрнинг қариндоши,
Чимярилар хотин қоши,
Отилади пичинг тоши,
Хотин тўрда тўкар жавлон,
Эркак эса бўлар мезбон.

Келса агар хотин урур,
Эри топар йўлу-йўриғ,
Ҳатто ёзда ейди совуқ,
Қўнгли гўё бўлар хуфтон,
Эркак пинак бузмас ҳамон.

Хотин ёқда бўлса бир тўй,
Керак эмиш совғага қўй,

Тушар эмиш бусиз обрўй...
Иўқса бўлар тўс-тўполон,
Бозор кезар эркак сарсон.

Маъмурчилик, кенглик замон,
Эру хотин тенглик замон,
Танқид есин қимки подон.
«У сен томон, бу мен томон»
Деган гаплар бўлсин тамом.

КУЁВ БОЛА — МИЖҒОВ БОЛА

(Ҳажвий лапар)

Бордир эрка куёв бола,
Ташқи турқи олов бола.
Димоғ — бурни тарнов бола,
Улфати йўқ — асов бола,
Куёв бола — куёв бола.

Отасининг пулчасига,
Уйланди қиз ғунчасига..
Келин энди ёқмас эмуш,
Уз ёрига эгов бола.
Куёв бола — куёв бола.

Қайнатаси-қайванаси,
Борса унинг парвонаси.
Иzzатларга қилмас парво,
Бамисоли у ёв бола,
Куёв бола — куёв бола.

На мактабда ўқишда бор,
На ҳунарда, на ишда бор,
Текинхўрнинг худди ўзи,
Эрка тайлоқ — ялқов бола,
Куёв бола — куёв бола.

Демайди ҳеч уйим-жойим,
Кўча-кўйда санқир доим.
Ўзида йўқ мулоҳаза,
Еки лақма — меров бола,
Куёв бола — куёв бола.

Тантиқ бўлиб ўсган ўзи,
Ҳеч қимга йўқ ширин сўзи.
Гапирса ҳам тўнғиллайди,
Хуллас калом, мижғов бола,
Куёв бола — куёв бола.

Куёв бўлиш фазилатдир,
Мард йигитга бу зийнатдир.
Чин куёвлар сурсин даврон,
Фақатгина анов бола,
Ўзига ғов — куёв бола.

ПОСБОН КЎЗУ ҚОШИНГГА

Мен боқдим-у бир бора
Жонон кўзу қошингга,
Бўлиб қолдим юз бора
Ҳайрон кўзу қошингга.

Кўзинг оҳанрабоми,
Е кўзгуми ҳуснингга?
Узоқ қарашга борми
Имкон кўзу қошингга.

Кўзинг дилга солар ўт,
Қошинг чертар юракни,
Қайси шонр ёзмагай
Достон кўзу қошингга.

Одобингни мақтасам,
Мафтун этар чиройинг,
Бахту иқбол бахш эмиш
Даврон кўзу қошингга.

Жонон, дилу юзингда,
Шодлик эрур ҳукмрон.
Мўмин бўлсин умрбод
Посбон кўзу қошингга.

ЖОНЛАРГА ЖОН ЎТАРДИ

Қаранг, жонон ўтарди,
Жонларга жон ўтарди.
Ишонмасдим ўзимга,
Осмон гирён ўтарди.

Билиб ол деб кўзимдан,
Сирли боқарди зимдан.
Учратмайин мезбонни
Балки меҳмон ўтарди.

Боқсин дебон одамлар,
Ташлар нозли қадамлар.
Олиб гўё жодуга
Оҳусимон ўтарди.

Баъзи бирлар шодланар,
Жонон номи ёдланар.
Дардли ошифталарга
Шифо-дармон ўтарди.

Қимса унга етолмас,
Гир айланиб кетолмас.
Юраклардан бир дунё
Оҳу-армон ўтарди.

Илож излаб висолга,
Мўмин толди хаёлга.
Кўнгиллардан кўнгилга
Ишқий туғён ўтарди.

.

КЎЗ ВА КЎНГИЛ

Тушунгайми кўнгил кўзлар имосига,
Шунингдек кўз боқарми дил нидосига?

Ишонч боғлаб бутун умри кўнгил кўзга,
Фусун бергай гўзал кўзлар жилосига.

Яшаб юрса икковлон йўл топиб одил,
Кўнгил нур бахш этар ул кўз зиёсига.

Кўнгил асрори гоҳ кўздан эрур ошкор,
Ажиб ҳолат аёндир ўз фидосига.

Агар кетса муҳаббатда хатога йўл,
Тўкарди кўз ёшин кўнгил хатосига.

Агар мафтун эсанг оҳанрабо кўзга,
Умид боғла ўшал кўнгул вафосига.

Вафодордир, Мўмин, кўнглинг, кўзинг элга,
Мудом малҳам топиб юргил шифосига.

ГУЗАЛЛИГИНГ БИЛУРСАНМИ?

Жамолига оро берган эй санам,
Гўзаллигинг билурсанми ўзинг ҳам?
Оҳанрабо жамолингга шайдони
Ҳеч назарга илурсанми ўзинг ҳам?
Гўзаллигинг билурсанми ўзинг ҳам?

Ақлим ҳайрон маъно тўла сўзингга,
Дилим ёнар боқиб қолсам кўзингга.
Чиройингга ноз-у, одоб ярашган,—
Боққамисан ҳеч ўзинг ҳам ўзингга?
Гўзаллигинг билурсанми ўзинг ҳам?

Қулоқ солма асло кўнглинг майлига,
Кўзгуга ҳам қарамасанг майлига.
Гуллар сендан бўлмасинлар хижолат,
Гулсиз чиққан оқшомда гул сайлига.
Гўзаллигинг билурсанми ўзинг ҳам?

Ўзингга кўп ўзинг бўлма маҳлиё,
Чин гўзаллар қилмас ғурур, таманно.
Уни илм-у одоб билан безатсанг
Дўстларингдай Мўмин ҳам дер тасанно.
Гўзаллигинг билурсанми ўзинг ҳам?

ҚҰЛИНГНИ БЕР

(«Жон қызлар» комедиясидан)

- Шайдо бўлдим бу чаманнинг чиройига,
Яйловига, қирларига шўх сойига.
Мен қоламан, дўстим, энди қўлингни бер, қўлингни.
- Булоқ топдим бу макондан ижодимга,
Бир ёр топдим севги тўла ҳаётимга.
Мен қоламан, дўстим, энди қўлингни бер, қўлингни.
- Юрагимга нурлар сочган қуёш шунда,
Муҳаббатдан сўзлайдиган сирдош шунда.
Мен қоламан, дўстим, энди қўлингни бер, қўлингни.
- Шаҳар яхши, шаҳардан ҳам бу ер яхши,
Қолсам агар жононимиз бўлмас қарши.
Мен қоламан, дўстим, энди қўлингни бер, қўлингни.
- Бу қишлоқни алишмаймиз шаҳарларга,
Оро берай оқшомларга, саҳарларга.
Мен қоламан, дўстим, энди қўлингни бер, қўлингни.
- Қолгин дейди жўшқин урган ёшлик фасли,
Қолгин дейди чин юракдан жонон васли.
Биз қоламыз, дўстим, энди қўлингни бер, қўлингни.

ЕР ХАТИЮ ЕР ХАТИ

Учиб келди ёр хати,
Ёримнинг хуммор хати.
Хаёлларга толдирди
Ошиқ дилнинг зор хати.
 Ёр хатию ёр хати,
 Висолига зор хати.

Сўзлари илиққина,
Сезилди бирозгина.
Қайта-қайта ўқидим,
Оҳ, севима-севина.
 Ёр хатию ёр хати,
 Висолига зор хати.

Тушундим ёр дардига,
Тушундим сўз шарҳига.
Онажоним кўнарми
Ёр хатининг шартига?
 Ёр хатию ёр хати,
 Висолига зор хати.

Ёр хатида исмим бор,
Бир ёнида расмим бор.
Барчаси ҳам майли-я,
Унда қалбим — жисмим бор.
 Ёр хатию ёр хати,
 Висолига зор хати.

МЕНГА БОҚДИ БИТТАСИ...

Борар эрдик тўрт дугона кўча бўйлаб,
Қўлимизда битта-битта гулни ўйнаб.
Тўртта йигит келиб қолди қаршимиздан,
Кўзларини узишмасди сира биздан.

— Менга боқди биттаси,

— Менга ёқди биттаси.

— Менга оғди биттаси.

— Менга ёқди биттаси.

Қўл бўшатиб четга чиқдик тўртталамиз,
Қовоқларни солиб олдик жўрттага биз.
Бизлар уйга жўнаб қолдик шошиб-пишиб,
Тўртталаси қараб турар анграйишиб...

— Менга боқди биттаси,

— Менга ёқди биттаси.

— Менга оғди биттаси.

— Менга ёқди биттаси.

СЕНДУРСАН — МЕНДУРМАН

(Лапар)

Сўз келса деб тилиннга,
Чиқиб турдим йўлингга.
Минг термулиб қарардим
Қўлингдаги гулингга.

Бунча ҳам бепарвосан,
Мисоли кенг дарёсан.
Шайдойинг мен ўзим-ку,
Ахир кимга шайдосан?

Сен бўлсанг мен кўзлаган,
Мен бўлсам сен излаган.
Излаганинг — мендурман
Кўзлаганим — сендурсан

Хайронликда қолмагин,
Дилга ғашлик солмагин
Кўрганнингда бунчалик
Кўрмасликка олмагин.

Сўзлашга ийманарсан,
Ёки мени синарсан.
Сезишимча, жонгинам,
Тўйга бир кун унарсан.

Сен бўлсанг мен кўзлаган,
Мен бўлсам сен излаган.
Излаганинг — мендурман
Кўзлаганим — сендурсан.

ЕТКАЗСА САОДАТГА

Имтиҳон этиб бахтим,
Дил очдим Саодатга.
Кўнглимда шудир аҳдим:
Етказса саодатга.

Тил бўлса, кўнгилга мос,
Бир-бирин этар эъзоз.
Муҳаббат бўлиб устоз —
Ургатгай итоатга.

Севганда, севилганда,
Ёр дилин ёр билганда,
Кўзларда сезилганда —
Доғ сояма садоқатга.

Номига қўшиқ куйлаб,
Ёр юрганда гул ўйнаб,
Кўнглига ўзи сўйлаб —
Оғдиргай хаёлатга.

Саодат — саодат у,
Бахтимга сочар ёғду.
Мўминда висол орзу:
Айланса ижобатга.
Етказса саодатга.

УЙЛАНИШНИ УЙЛАЙМАН

(Ҳазил қўшиқ)

Дилимда бир орзум бор,
Сизга аста сўйлайман,
Кўпдан бери қиз танлаб,
Уйланишни ўйлайман.
Бир қиз кўрсам кўчада
Юбораман овчилар.
Мени роса мақташиб,
Қуруқ қайтар совчилар.

Уйланишни ўйлайман,
Қиз танлашни қўймайман.

Дўстим берди маслаҳат,
Бор деб олий мактабга,
Бориб роса севиндим,
Етган каби мақсадга.
Қарай бериб қизларга,
Наҳ кўзларим қамашди...
Жўнаб қолинг куёв деб,
Қизлар мен ҳайдашди...

Уйланишни ўйлайман,
Қиз танлашни қўймайман.

Бир қиз ёқса ойимга,
Дадамларга ёқмайди,
Ёққанига борсам-чи,
Асло қиё боқмайди.
Уйланай деб юрибман
Ҳам гўзал ҳам созига,

Иўлиқмасам бўлгани
Танлаб энг таннозига,

- Уйланишни ўйлайман,
Қиз танлашни қўймайман.





**БИР ЖАҲОН
БОЛАЛАРМИЗ**

ЛЕНИН БОБОМЛАР — МЕНИНГ БОБОМЛАР

Қуёшга ўхшар
Ленин бобомлар,
Минг йиллар яшар
Ленин бобомлар.

Ленин бобомлар —
Менинг бобомлар.

Бахт улашганлар
Барча одамга.
Номлари кетган
Бутун оламга.

Ленин бобомлар —
Менинг бобомлар.

Қўшиқлар айтсак
Едимиздалар,
Боғчада юрсак
Енимиздалар.

Ленин бобомлар —
Менинг бобомлар.

Қуёшга ўхшар
Ленин бобомлар,
Минг йиллар яшар
Ленин бобомлар.

Ленин бобомлар —
Менинг бобомлар.

ВАТАНИМИЗ — БОҒИМИЗ

Дўстлар, келинг боғимизга, қувнашамиз.
Бахтиёрлик қўшиғини куйлашамиз,
Боғчамизни яшнатганмиз роса ишлаб,
Гул ўтқазиб, кўчат экиб, парваришлаб.

На қ о р а т:

Ватаннимиз — боғимиз,
Биз унинг ниҳолимиз.
Бизга бердинг тарбия,
Яша, юксал доимо
Боғбонимиз — партия!

Бунда Павлик Морозовнинг ҳайкали бор,
Ёшлик каби яшнаб турар кенг чамазор.
Қуёшдан нур, тоғлардан сув оқиб келар,
Гулзорида ўйнар доим майин еллар.

Мевалари асал бўлар ёз чоғида,
Дарахтларнинг салқинида — қучоғида
Китоб ўқиб, роҳат-роҳат оламиз дам,
Яшнамоқда ўлкамиз ҳам, боғимиз ҳам.

На қ о р а т:

Ватаннимиз — боғимиз.
Биз унинг ниҳолимиз.
Бизга бердинг тарбия,
Яша, юксал доимо
Боғбонимиз — партия!

ГАЛСТУГИМ, ҲИЛПИЛЛА!

Сени тақиб юрсам бўйнимга
Севинчларим тўлар кўнглимга.
Галстугим, яшна, ҳилпилла,
Нурлар сочиб юргин йўлимга.

Н а қ о р а т:

Тенгдошларим каби кирганман
Еш ленинчи мардлар сафига.
Аъло ўқиб эга бўлганман.
Сени тақиб шон-шарафига.

Сени тақиб мен ҳам бўлдим мард,
Дилимда бор шундай шонли шарт:
Муқаддасан қизил байроқдай,
Сенга ҳеч бир юқтирмайман гард.

Н а қ о р а т.

Ҳур ёшлигим мангу бахтиёр,
Улуғ-улуғ мақсадларим бор.
Билим олиб, Ватан ишига
Дўстларимдай тайёрман, тайёр!

Н а қ о р а т:

Тенгдошларим каби кирганман
Еш ленинчи мардлар сафига.
Аъло ўқиб эга бўлганман
Сени тақиб шон-шарафига.

ХАТ ЁЗАМАН ДЎСТИМГА

Қалам олиб қўлимга,
Яқин тутиб кўнглимга,
Келтириб кўз ўнгимга,
Маъно излаб сўзимга,
Хат ёзаман дўстимга.

У юртимда, чет элда,
Тоғда, ўрмон, соҳилда.
Мақсад бирдир кўнгилда,
Яқин тутиб ўзимга,
Хат ёзаман дўстимга.
Ўқишларим соз, дейман,
Бу билганим оз, дейман,
Вақтида хат ёз, дейман.
Топ-тоза қоғозимга,
Хат ёзаман дўстимга.

Хатим — юрак кўзгуси,
Яхшиликдир орзуси.
Яшар дўстлик туйғуси —
Шайман ҳурмат — таъзимга,
Хат ёзаман дўстимга.

БУ ЖУДА СОЗ-ЖУДА СОЗ

Турли-туман болалар кўп жаҳонда,
Йиғилсалар сизмас минг-минг майдонга.

Нақорат:

Бу жуда соз,
Бу жуда соз,
Жуда соз!
Бири сариқ, бири оқ тан, қора тан,
Аҳил бўлса қил ўтмаса орадан.

Нақорат.

Ватанию онажонин севсалар,
Улар меҳрин, ғамхўрлигин сезсалар.

Нақорат.

Юракдаги шодликларин англатиб,
Қўшиқ айтса ер-осмонни янгратиб.

Нақорат.

Дунё юзи яна тинчу кенг бўлса.
Ҳар боланинг бахти доим тенг бўлса.

Нақорат:

Бир-бирига дўстлик хати битсалар,
Ҳаммалари орзуларга етсалар:

Нақорат:

Бу жуда соз,
Бу жуда соз,
Жуда соз!

АЧОМ-АЧОМ, БУВИЖОН!

Салом-салом, бувижон,
Ачом-ачом, бувижон!

Оқ пахтадай сочингиз,
Омон бўлсин бошингиз.
Айта қолинг, бувижон,
Неча ёшда ёшингиз?

Салом-салом, бувижон,
Ачом-ачом, бувижон!

Сўзларингиз хўп қизиқ,
Юзингизда бор чизиқ.
Ачомласам, бувижон,—
Бағрингиз мунча иссиқ?

Салом-салом, бувижон,
Ачом-ачом, бувижон!

Дадамларни боққансиз,
Ойимларга ёққансиз.
Топишмоғу эртакка
Бувижон, хўп чаққонсиз.

Салом-салом, бувижон,
Ачом-ачом, бувижон!

РАҲМАТГА РАҲМАТ

- Биринчи бола: — Икки бола уришар,
Кўплар қараб туришар.
- Иккинчи бола: — Раҳмат келди-ю, дарров
Уртасига бўлди ғов.
- Учинчи бола: — Икковини ажратди,
Болаларни тарқатди.
- Ҳамма бола; — Раҳматга раҳмат!
- Биринчи бола: — Раҳмат роса чиниққан,
Футболда донғи чиққан.
- Иккинчи бола: — У қўшилган команда,
Қолмас асло армонда.
- Учинчи бола: — Майдон бўйлаб югурган,
Бир зум ўтмай гол урган.
- Ҳамма бола:— Раҳматга раҳмат!
- Биринчи бола:— Ҳар яхши иши учун,
Чинакам беши учун.
- Иккинчи бола: — Юриши-ю, туришига
Ва аъло ўқишига.
- Учинчи бола: — Тоза китоби учун
Ҳурмат, одоби учун
- Ҳамма бола: — Раҳматга раҳмат!

МЕҲРИБОН ОЙИЖОН

Жуда ҳам аълосиз, ойижон,
Жуда ҳам доносиз, ойижон,
Сиз мени қўзим, деб севасиз,
Нур тўла кўзим, деб севасиз.

Ойижон,

Ойижон

Ойижон!

Жилмайсам қувониб кетасиз,
Оғрисам нақ ёниб кетасиз,
Мен учун куясиз-пишасиз,
Мен учун ҳар томон шошасиз.

Ойижон,

Ойижон,

Ойижон!

Сиз мени барчага яхшилаб,
Қучасиз ўргилиб, эркалаб,
Шу азиз бошимни силайсиз,
Менга бахт, омонлик тилайсиз.

Ойижон,

Ойижон,

Ойижон!

Мен учун меҳрингиз бир жаҳон,
Бахтимга бор бўлинг ҳар қачон.
Ҳаммага, оламга мақтайман,
Сизни мен қуёш деб атайман.

Ойижон,

Ойижон,

Ойижон!

ДАДАМЛАРГА ҲАШАСАМ

Дилда орзум тўлуғдир,
Бир-биридан улугдир,
Ўқиб-ўқиб бир куни
 Дадамларга ўхшасам.

 Одамларга ўхшасам.
Ишнинг кўзин биларлар,
Элга хизмат қиларлар.
Мен ҳам тезда улгайиб

 Дадамларга ўхшасам.
 Одамларга ўхшасам.

Яхшиларга дўст бўлсам,
Доим ширин сўз бўлсам,
Аҳил бўлиб юришда
 Дадамларга ўхшасам.
 Одамларга ўхшасам.

 Пионерман мен ҳали.
Келганида ўз гали —
Элда ҳурмат топишда
 Дадамларга ўхшасам,
 Одамларга ўхшасам.

ОҲ, ДУЛАНА-ДУЛАНА

Усган жойинг тоғларми,
Тоғлардаги боғларми?
Гўё тилла маржонсан,
Ҳам ширинсан, нордонсан.

Оҳ дўлана-дўлана,
Оҳ-оҳ-оҳ!
Дона-дона дўлана,
Оҳ-оҳ-оҳ!

Нурга тўйиб пишдингми,
Майсаларга тушдингми?
Узим бориб терайин,
Дўстларга келтирайин.

Оҳ, дўлана-дўлана,
Оҳ-оҳ-оҳ!
Дона-дона дўлана,
Оҳ-оҳ-оҳ!

ОФТОБ ҲАМ ЯХШИ, ОДОБ ҲАМ ЯХШИ

Офтоб яхшими,
Одоб яхшими?
Офтоб берар нур,
Одоб-чи — ҳузур.
Лолалар учун
Офтоб яхшидир,
Болалар учун
Одоб яхшидир.
Офтоб бўлмаса
Қоронғи тушар,
Одоб бўлмаса
Ғам-қайғу тушар,
Офтоб кўринар
Тоғ-тепаликда,
Одоб кўринар
Салом аликда.
Одоб ҳар кимнинг
Яхши сўзида,
Одоб ҳар кимнинг
Юзи-кўзида.
Оламнинг юзи
Офтобдан исир,
Одамнинг юзи
Одобдан исир.
Оламнинг доим
Офтоби бўлсин,
Одамнинг доим
Одоби бўлсин.

ЕШ ФИЗКУЛЬТУРАЧИЛАР МАРШИ

Бизнинг саф — соғломлик мактаби,
Довюрак ёшларнинг кенг сафи.
Етуклик қудрати барқ урар,
Дўстларни мардликка чақирар.

Нақорат:

Эй, ўртоқ,
Кел тезроқ,
Бу сафга!
Моҳирлик,
Ботирлик
Бизларда!

Тайёرمىз билимга, меҳнатга,
Юраклар тўлиқдир ғайратга,
Пўлатдай чиниққан мускуллар,
Биз юрсак, кўчалар гурсуллар.

Нақорат

Энг соғлом авлодмиз дунёда,
Бизга хос Ленинча ирода.
Доммо товланар кучимиз,
Юрт учун яшамоқ бурчимиз.

Нақорат:

Эй, ўртоқ,
Кел тезроқ,
Бу сафга!
Моҳирлик,
Ботирлик
Бизларда!

«5» БАҲО ҚҶШИҒИ

Бўлса кимнинг табелида беши кўп,
Ҳамма жойда унинг дўсти—эши кўп.
Беш олувчи одобли ҳар боланинг
Бўш вақти йўқ — ўқиши-ю, иши кўп.

Н а қ о р а т:

Беш баҳо — аъло баҳо,
Бебаҳо тилло баҳо.
Донмо доно баҳо,
Мағзи тўқ маъно баҳо.

Уй ишини — дарсини оз қилса у,
Китоб бор-у, ўқишга ноз қилса у,
Ололмайди, ололмайди беш баҳо,
Ҳам дангаса — уйқумижоз бўлса у.

Н а қ о р а т.

Баҳоларнинг гул ушлаган полвони,
Ҳар нарсага етар кучи — имкони.
Аълочилар қандай ошно бўлишган,
Бирор жойда борми ёки беш кони?

Н а қ о р а т.

Бешнинг кони қатор-қатор китобда,
Ширин сўзда, яхшиликда, одобда.
Дарс чоғида берилган ҳар саволга
Лўндагина тўғри-тўғри жавобда.

Н а қ о р а т:

Беш баҳо — аъло баҳо,
Беш баҳо тилло баҳо,
Донмо доно баҳо,
Мағзи тўқ маъно баҳо.

КҮЙЛАГИМ

Янги кўйлак тикдилар
Аяжоним байрамга,
Севинчимга сизга
Раҳмат дедим аямга.
 Кўйлагим, ҳо, кўйлагим,
 Кийсам келар ўйнагим.
Унга тақсам юлдузча
Яна-яна очилди,
Кўйлагимнинг гулига
Зар нурлари сочилди.
 Кўйлагим, ҳо, кўйлагим,
 Кийсам келар ўйнагим.
Кийиб чиқсам қизчалар
Қарашгани-қарашган. . .
Ярашибман мен унга,
У ҳам менга ярашган.
 Кўйлагим, ҳо, кўйлагим,
 Кийсам келар ўйнагим.
Чир айланиб ўйнасам,
Гир айланиб ўйнасам,
Елпинарди кўйлагим,
Ялтирарди кўйлагим.
 Кўйлагим, ҳо, кўйлагим,
 Кийсам келар ўйнагим.

ХҲП БҮЛАДИ, ХҲП БҮЛАДИ

Буюрса иш бизга биров

Шундай деймиз унга дарров:

— Хўп бўлади,

Хўп бўлади.

Яхши бола сўзга кирар,

Қатталарга салом берар.

— Хўп бўлади,

Хўп бўлади.

Пухта ўқиб «беш» баҳо ол,

Жавобимиз тайёр дарҳол:

— Хўп бўлади,

Хўп бўлади.

Пионерсан, бурчинг бажар,

Бахтинг кулар, илминг ошар.

— Хўп бўлади,

Хўп бўлади.

Халқ ишига бизлар тайёр,

Кўнгилда чин сўзимиз бор:

— Хўп бўлади,

Хўп бўлади.

УРМОНЗОР МЕҲМОНИ

Урмонзордан келган меҳмон,
Салом-салом, жон арчажон.
Қувнашамиз яйраб-яйраб,
Ватанимиз чин меҳрибон.

Яшнайвергин чаман арча,
Безак тақдик қанча-қанча,
Атрофингда ўйин қуриб,
Қувнашамиз хоҳлаганча.

Бошлаб байрам тўйимизни,
Хўп безатдинг уйимизни.
Москвамиз тинглаб турар
Айтган қўшиқ-қуйимизни.

ОҒАЙНИМДАН УРГАНДИМ

Дўстим гоҳо ўйлайди,
Бармоғини ўйнайди.
Бу ўйлашда эҳтимол,
Қилмоқчимни ихтиро?

Бордир яхши саволим,
Бўлмоқчимни ё олим?

Уқигани ёдида,
Сафдоши кўп ёнида.
Кулган каби баҳори
Бешдир барча баҳоси.

Масалалар ўйлайди,
Ҳал қилмасдан қўймайди.

Баъзан ушлаб бошини,
Чимиради қошини.
Хаёл сураб беҳисоб,
Ёзмоқчимни ё китоб?

Айтаинми мен ростим,
Келар, унга ҳавасим.

Оғайнимдан ўргандим.
Ўйлар ўйлаб юргандим.—
Фикрим ўсди, тиниқди,
Машқ этишдан чиниқди.

Юрмоқ ширин хаёлда,—
Яхши экан ҳар ҳолда.

БАҲОР, БАҲОР, БАҲОРЖОН

Қучоқ очиб кел, баҳор,
Сен ҳам биз ҳам бахтиёр.
Хўп ёқимли кунларинг
Ёшлик фасли, баҳоржон!
Биздай кулсин гулларинг,
Баҳор, баҳор, баҳоржон!

Ҳар йил кўчат экамиз,
Бағрингда сайр этамиз.
Қуёш бўлиб боқарсан
Чаман фасли, баҳоржон,
Ҳуснинг билан ёқарсан,
Баҳор, баҳор, баҳоржон!

Сенинг учун гулбаҳор,
Совғамиз бор — беш баҳо.
Келгин бизнинг мактабга
Қўшиқ фасли, баҳоржон.
Гул сочдинг ҳар тарафга,
Баҳор, баҳор, баҳоржон!

ЕЗ ҚУШИҒИ

Езганда ёз
Гул поёндоз,
Сайр айламоқ
Қандайин соз.

Анҳорда сув
Чаларди соз,
Тинглаш учун
Дил ишқибоз.

Шодлик ҳарён
Этган парвоз,
Меҳнат элга
Берган пардоз.

Езганда ёз
Гул поёндоз,
Сайр айламоқ
Қандайин соз.

ОҚ ГУЛЗОР

Оқ гулзор-у, оқ гулзор,
Гули оппоқ — беғубор.
Улар юлдуз чаноғда
Очилишар куз чоғда.
Қараб кўзлар қамашар,
Далаларга ярашар,
Гулмисағ, нақ олтин гул,
Барча гулдан олдин гул.
Жуда азиз — табаррук,
Ундан бўлар галстук.
У гул асло сўлмайди,
Тез термаса бўлмайди,
Гулдан ясай зўр хирмон,
Элга бойлик ва дармон.
Оқ гулзор-у, оқ гулзор,
Оқ гулзорим — пахтазор.

ГУНАФША

Ҳарён навбаҳор,
Осмон кўк шиша.
Изладим сени
Боғма-боғ оша.

Кўрдиму тердим
Мен шоша-пиша,
Яша, гунафша,
Гўзал гунафша.

Қанча кўп терсам
Ухшадимг камга,
Кўрсин деб дўстлар
Тақдим чаккамга.

Менга, барчага
Тансиқ ҳамиша,
Яша, гунафша,
Гўзал гунафша.

Ҳидлаб тўймайман —
Хушбўй исингга
Сиеҳим ранги
Ухшар тусингга.

Қўшиқлар айтай
Сенга яраша,
Яша, гунафша,
Гўзал гунафша!

МАКТАБ ҚУШИҒИ

Мактабжоним, мақтай десам
Сўз етишмас мақташга,
Менга рухсат бергин, сени
Онам, дея аташга.

Она мактаб, барринг иссиқ,
Ўзинг билим конисан.
Биздек ўғил ва қизларнинг
Азиз меҳрибонисан.

Билим олиш ва юксалиш
Энг биринчи бурчимдир.
Фан боғига етакловчи
Улуғ ўқитувчимдир.

Дўстларимга ўхшаб мен ҳам
Меҳр қўйдим китобга,
Ширин-ширин орзуларим
Чиқсин дея рўёбга.

Она мактаб, завқим қайнаб
Сени чиндан мақтадим.
Юрагимнинг тўридасан,
Онажоним — мактабим.

— ХУРСАНДМИСИЗ?

— ХУРСАНДМИЗИ!

(«А» синфи билан «Б» синфи лапарни)

«Б» синфи: — Хўш, «а»чилар қалайсиз?

«А» синфи: — Қалаймасмиз олтинмиз.

«Б» синфи: — Бу чоракда қандайсиз?

«А» синфи: — Мактабда энг олдинмиз.

«Б» синфи: — Хурсандмисиз?

«А» синфи: — Хурсандмиз!

«А» синфи: — Қалай энди интизом?

«Б» синфи: — Кўрсак, деймиз «ассалом»

Синфмиз хўп озода,
Уқиймиз соф ҳавода.

«А» синфи: — Хурсандмисиз?

«Б» синфи: — Хурсандмиз!

— Синфимизда йўқ асло
Ҳатто «икки», «уч» баҳо.

«А» синфи: — Синфянгизда бўлганмиз,
Кўриб завққа тўлганмиз.

«Б» синфи: — Хурсандмисиз?

«А» синфи: — Хурсандмиз!

«А» синфи: — Табриклаймиз «б»чилар

«Б» синфи: — Раҳмат сизга эпчиллар.

Аҳил бўлдик, кенгашдик,
Энди сизга тенглашдик.

«А» синфи: — Хурсандмисиз?

«Б» синфи: — Хурсандмиз!

ПАХТА ҚУШИҒИ

Олтин пахта, оқ пахта,
Биз сенга иноқ, пахта.
Ҳосилинг мўл бўлганда,
Ҳаммамиз қувноқ, пахта.

Тракторда ер ҳайдаб,
Экадилар авайлаб.
Меҳнат фасли ишлайди
Қолхозчилар бел бойлаб.

Бир чигитдан кўкариб,
Сен унасан кўпайиб:
Нурдан баҳра оласан
Бошинг кўкка кўтариб.

Чаман-чаман пахтазор —
Юртимизга нефтихор.
Сендан бахтин топади,
Меҳнат қилиб пахтакор.

Қузда баланд хирмонда,
Товланасан ҳар ёнда.
Ҳосилинг ошар доим
Бизнинг Ўзбекистонда.

Олтин пахта, оқ пахта,
Биз сенга иноқ, пахта.
Ҳосилинг мўл бўлганда,
Ҳаммамиз қувноқ, пахта.

БИР ЖАҲОН БОЛАЛАРМИЗ

Бир жаҳон болалармиз,
Қиз-ўғлон болалармиз.
Улғайиб бизлар тезда
Юрармиз нузли изда.

Бир жаҳон болалармиз,
Қиз-ўғлон, болалармиз!

Узоқ-яқин орамиз,
Оқу сариқ, қорамиз.
Ҳар ерда бизга атаб
Қурилган боғча, мактаб.

Бир жаҳон болалармиз,
Қиз-ўғлон, болалармиз!

Бизни дерлар гул-чечак,
Бизникидир келажақ.
Эртага, албатта, биз
Эл учун хизматдамиз.

Бир жаҳон болалармиз,
Қиз-ўғлон, болалармиз!

ЎИНАДИК, ҲЕЧ ТЎЙМАДИК

Бағри кўм-кўк далалар,
Гуллари кўп далалар.
Дала жуда кенг экан,
Бир оламга тенг экан.

Далаларда ўйнадик,
Ҳеч ўйинга тўймадик.

Офтоб бизни кўрарди,
Ўйнайми, деб сўрарди.
Шамол аста еларди,
Даврамизга келарди.

Далаларда ўйнадик,
Ҳеч ўйинга тўймадик.

Қўшиқ айтиб қувнашиб,
Дала бўйлаб қувлашиб,
Бир бурчига етмадик,
Кечга қадар кетмадик.

Далаларда ўйнадик,
Ҳеч ўйинга тўймадик.

СИНФИМИЗ ҚҶШИФИ

Бизлар ўттиз бола аҳил — ўртоқмиз,
Синфимиз қўйнида шодон-қувноқмиз.

Дарсимиз тинглаймиз бир одам бўлиб,
Қўшиқлар айтамиз бир олам бўлиб.

Синфимиз бағрини сақлаймиз тоза,
Мактабда таратдик яхши овоза.

Синфимиз чамандай — доимо баҳор,
Унинг чечаклари: «тўрт»-у «беш» баҳор.

Синфимиз муқаддас — билим уйимиз.
Фан, ҳунар чўққиси орзу-ўйимиз.

СУЗИ УЧҚУРИМ

Қўш саҳифанг — варагинг,
Менга очиқ қучоғинг,
Доҳий ёққан чироқсан,
Барчамизга иноқсан.

Н а қ о р а т:

Доимо бор бўл,
«Ленин учқуним»,
Янгиликка мўл
Сўзи учқурим.
«Ленин учқуним».

Пионерлик бурчимдан
Доим ўргатувчимсан.
Ҳақиқатдир сўзларинг,
Мендайн кўп дўстларинг.

Н а қ о р а т.

Сўзлайсан ҳар соҳадан,
Пахтазор, бор, воҳадан...
Маъно қўшиб дарсимга,
Қалитсан фан — тилсимга.

Н а қ о р а т.

Юрт ишига содиқ бўл,—
Дер Партиям, комсомол,
Қўлимдан ҳеч қўймайман,
Ўқиб-ўқиб тўймайман.

Нақорат:

Доимо бор бўл,
«Ленин учқуним»,
Янгилликка мўл
Сўзи учқурим.
«Ленин учқуним»—
Сўзи учқурам.

АВЛОДЛАР ҚУШИҒИ

Боради ёнма-ён уч авлод:

Коммунист,

Комсомол,

Пионер.

Суянган, меҳрибон уч авлод:

Коммунист,

Комсомол,

Пионер.

Бир кўз, бири қош, бири бош,

Тобланган ирода ва бардош,

Боғлари, баҳори серқуёш —

Коммунист, комсомол, пионер.

Бир боғнинг гуллари — меваси,

Отаси, опаси, укаси,

Барчаси келажак эгаси:

Коммунист, комсомол, пионер.

Боражак йўллари шонга мўл,

Бир Ватан, бир мақсад, бир кўнги

Байроқни элтишар қўлма-қўл

Коммунист, комсомол, пионер.

Ишлайди,

Яшайди уч авлод,

Меҳнати, илмидан эл обод,

Ильичдан миннатдор умрбод:

Коммунист,

Комсомол,

Пионер!

ЕШЛИК ДЕЯДИ

Ешлик ўзи гул дегани,
Ешлик сўзи кул дегани.
Гул очилса кулиб турар,
Қўнгил ундан тўлиб турар.

Нақорат:

Ешлик фасли
Бахт дегани,
Олтинга тенг
Вақт дегани.
Ешлик асли
Иўл дегани,
Иўлга тайёр
Бўл, дегани.

Ешлик дейди: — Иўлингни топ,
Боғлардан ўз гулингни топ.
Ешлик дейди: — Ҳўрган, Ҳўрган
Кўп билади, кўпни кўрган!

Нақорат:

Ешлик фасли
Бахт дегани,
Олтинга тенг
Вақт дегани.
Ешлик асли
Иўл дегани,
Иўлга тайёр
Бўл дегани,

ЖИЙДА ЖИЛВАСИ

Ариқ бўйи — увотда
Гуллади жийда.
Жимир-жимир товланар
Қўш мавжида.
Таралади жийданинг
Иси-уфори.
Еқар эди мисоли
Шифобахш дори.

Кўҳлик эди жудаям
Кумуш баргчаси.
Ялтирарди гулларда
Олтин парчаси.

Эҳ, шунчалар завқ берар
Гуллар жилваси,
Маза бўлар ундан ҳам
Пишса жийдаси.

БОЛАРИНИНГ БАРИ ИШЛАР

Боларининг ҳеч бекори бўлмайди,
Боларининг ҳеч беори бўлмайди.

Н а қ о р а т:

Ишлашади боларининг
Болалари,
Холалари.
Ҳаракатда боларининг
Тоғалари,
Оғалари.
Боларилар вазифасин
Бажаришар,
Бари ишлар.

Боларилар сира-сира эринмас,
Иш пайтида хонасида кўринмас.

Н а қ о р а т.

Шу сабабдан боларининг асали
Бўлар экан жуда-жуда мазали.

Н а қ о р а т:

Ишлашади боларининг
Болалари.
Холалари.
Ҳаракатда боларининг
Тоғалари,
Оғалари.
Боларилар вазифасин
Бажаришар,
Бари ишлар.

МАЙСАЛАР ҚУШИҒИ

Майин, барра ниҳоллар,
Эркалаган шамоллар,
Майсалар, ҳо, майсалар.
Водийлар поёндози,
Гидамларнинг энг сози —
Майсалар, ҳо, майсалар.

Бўялгандай яп-янги,
Товланган яшил ранги,
Майсалар, ҳо, майсалар.
Ипакдай ҳилпиллаган,
Офтобда йилтиллаган —
Майсалар, ҳо, майсалар.

Баргида тонги нурлар,
Қуёшдан эмган нурлар,
Майсалар ҳо, майсалар.
Далаларда, адирда,
Чўмилганлар ёмғирда
Майсалар ҳо, майсалар.

Мунчалар мусаффосиз,
Кўзларга минг шифосиз, —
Майсалар, ҳо, майсалар.

КИТОБ — ҲАММАБОП

Ҳаётимиз ойнаси,
Билимларнинг онаси,
Буюмлар дурдонаси —
Менга ўргатган одоб,
Бу китобдир, бу китоб!

Акс этган еру осмон,
Ўтмиш, келажак замон,¹
Унда шеър, эртак дoston,
Ҳар саволга бор жавоб,
Бу китобдир, бу китоб!

Ҳеч тугамас хазина,
Ҳар бир варағи зина,
Онадай иссиқ сийна,
Сахийликда ҳаммабоп,
Бу китобдир, бу китоб!

Мазмунлари хилма-хил,
Ақлингга қўшар ақл,
Дўстимдир жуда аҳил,
Фан йўлида нур-офтоб,
Бу китобдир, бу китоб!

Ҳар маҳал менга сирдош,
Пўлимда яқин йўлдош,
Асло бўлмайдди одош,
Фазилати беҳисоб,
Бу китобдир, бу китоб!

ЕШ НАҚҚОШЛАР ҚУШИҒИ

Икки ўртоқ сўзлашди,
Наққошликни кўзлашди.
Қизикдилар ҳунарга,
Энди қаранг уларга:
Пўлдош,
Қўлдош —
Еш наққош.

Қунту зеҳн қўйдилар,
Юрак меҳрин қўйдилар.
Ҳар кун-ҳар кун оз-оздан
Ургандилар устоздан:
Пўлдош,
Қўлдош —
Еш наққош.

Етти рангда бўёқлар
Қўлларида ярақлар.
Деворда гул-нақшлар,
Қўрган одам олқишлар.
Пўлдош,
Қўлдош —
Еш наққош.

«УЧДИ-УЧДИ» ҚУШИҒИ

— Учди-учди, нима учди?
Учди-учди, ҳамма учди.

Учди-учди, каптар учди,
Қўрқоқларнинг ранги ўчди.

Учди-учди, хаёл учди.
Хаёл фазо томон кўчди.

Учди-учди ракетамиз.
Вимпел олиб ойга тушди.

«Учди-учди» айтолмаган
Учта бола қўлга тушди.

Яхшиларги учди салом,
«Учди-учди» этсин давом.

КУЛЧА НОН — ГУЛЧА НОН

Ойим ёпдилар кулча,
Е дедилар тўйгунча.
Кулчам ўхшар гулчага,
Юзим ўхшар кулчага.

Кулча нону кулча нон,
Кўриниши гулча нон.

Ширинлиги ўзимдай,
Иссиқлиги юзимдай,
Келинг, ўртоқлар, еймиз,
Ойимга раҳмат деймиз.

Кулча нону кулча нон,
Кўриниши гулча нон.

НЕГА ҲАЙРОНСАН, ЖАЙРОН?

Ялангликда
Кезган жайрон,
Чопқиллардинг,
Мисли жийрон.
Нима бўлди
Сенга ўзи —
Бирдан тўхтаб
Боқдинг ҳарён?
Жавдирайди
Икки кўзинг,
Қарашларинг
Ҳайрон-ҳайрон.
Юракларинг
Дук-дук этар,
Кимлар этди
Дилинг вайрон?
Отишдими,
Е овчилар?
Қўрқитдими
Бирор ҳайвон?
Узим сени
Қўриқлайман,
Уйнайвергин,
Сайрон-сайрон
Жийрон-Жайрон!

ОППОҚ ЗАРДАЙ ОЙПАХТА

(Беш бұлимли болалар кантатаси)

1. ОППОҚ ЗАРДАЙ ОЙПАХТА

Юмшоқликда пардайсан,
Узинг оппоқ зардайсан,
 Ойпахта, ҳо, ойпахта.
Тоғ сувйдан ичдингми,
Чаноқлардан чиқдингми?
 Ойпахта, ҳо, ойпахта.
Қандай сиғдинг чаноққа?
Қулдинг ўхшаб чироққа,
 Ойпахта, ҳо, ойпахта.
Лўппи бўлиб пишибсан,
Қуёшдан нур шимибсан,
 Ойпахта, ҳо, ойпахта.
Хирмонларинг оқ тоғлар,
Сенга лойиқ мақтовлар,
 Ойпахта, ҳо, ойпахта.
Аста олсам қўлимга
Ҳузур бердинг кўнглимга,
 Ойпахта, ҳо, ойпахта!

2. ЧИГИТЛАР ҚУШИҒИ

Чигитнинг ҳар донаси
Мўл ҳосил нишонаси.
Етилар ер бағрида,
Тупроқ унинг онаси.

На қ о р а т:

Мағзи тўқ дурдона,
Чигитлар, чигитлар!
Тенги йўқ дурдона,
Чигитлар, чигитлар!

Юракда борми мойи,
Қайда дерсиз иш жойи?
Пайкалларга экилар
Кун илиб баҳор ойи.

Н а қ о р а т.

Қаршилиқни йиқарлар,
Ерни қазиб чиқарлар, ■
Қулоқ тутиб атрофга .
Барглар ёзиб чиқарлар.

Н а қ о р а т.

Мағзи тўқ дурдона,
Чигитлар, чигитлар!
Тенги йўқ дурдона,
Чигитлар, чигитлар!

3. ҒЎЗАЛАР СЎЗ ОЛАР

(дуэт)

Болалар:
Ғўзалару ғўзалар,
Гапиришга сўз олар.
Ғўзалар: Қатор-қатор ғўзамиз,
Ҳар кун-ҳар кун ўсамиз.
Бизнинг яшил баргчалар —
Шохлардаги панжалар.
Болалар: Ғўзалару ғўзалар,
Қўл кўтариб сўз олар,
Ғўзалар: Биз ўнгдамиз, чапдамиз,
Эгатларда — сафдамиз.
Қуёш бобо сув тарар.
Болалар: Ғўзалару ғўзалар,
Болалардай сўз олар.
Ғўзалар: Икки марта гуллаймиз,
Яшнаимиз, ялтиллаимиз.

Куз келганда энг олдин
Биз бўламиз «оқ олтин».
Ҳамма: Ғўзамиз, ҳо, ғўзамиз,
Мўл ҳосилда ўзамиз!

4. ҲИССА ҚЎШМОҚҚА ШАЙМИЗ

(хор)

Пахтазор ҳам мактабдир,
Ота касби шарафдир.
Биз ўқиймиз, ишлаймиз,
 Ҳисса қўшмоққа шаймиз!
Ғўзаларни ўташда,
Ҳосил учун курашда,
Илғорларга ўхшаймиз,
 Ҳисса қўшмоққа шаймиз!
Ҳашаротни қиришда,
Техника ўрганишда
Бизлар ҳам бўш келмаймиз,
 Ҳисса қўшмоққа шаймиз!
Кенг пахтазор майдонда,
Қолмай сира армонда —
Терим фасли терлаймиз,
 Ҳисса қўшмоққа шаймиз!

5. ХИРМОН ВА УҒЛОН

Уғлон: Пахта хирмон,
Бўйинг осмон.
Савлатинг зўр,
Полвонсимон. .

Хирмон: Қаддим баланд,
Барча хурсанд,
Кузда мени
Кўргандирсан?

Уғлон: Куз чоғларда
Чаноқларда —
Пахта эдинг
Ҳар ёқларда.

Хирмон: Яша, ўғлон,
Тердинг чаққон.
Уқишда ҳам
Бўлгин пөлвон.

Иккови: Уйиб хирмон
Ўзбекистон.
Йилдан-йилга
Топмоқда шон!

ЧАҚҚОНЛАР — ЧИНИҚҚАНЛАР

На қ о р а т

- Қимлар экан бу чаққонлар,
Барчамизга тенг ёққанлар?
- Бу чаққонлар — чиниққанлар,
Тобланганлар — куч йиққанлар.
- Бу чаққонлар!
- Чиниққанлар!

Келгандайин омадлари,
Заб келишган қоматлари.
Эпчил оёқ ва қўллари,
Бўртиб чиққан мускуллари.

На қ о р а т.

Талай ишга улгурганлар,
Соф ҳавода югурганлар.
Аскарлардай соғлом-полвон,
Иродали қиз ва ўғлон.

На қ о р а т.

Кураш тушган, сувда сузган,
Тортишувда доим ўзган.
Мустаҳкамлаб ўз сафини,
Еқлаган юрт шарафини.

На қ о р а т:

- Қимлар экан бу чаққонлар,
Барчамизга тенг ёққанлар?
- Бу чаққонлар — чиниққанлар,
Тобланганлар — куч йиққанлар.
- Бу чаққонлар!
- Чиниққанлар!

БОҒЧА ОПА, БЎЛМАНГ ХАФА

Боғча опажонимиз,
Бизнинг меҳрибонимиз,
Гапларингиз мулойим,
Омон бўлинг ҳар доим.

На қ о р а т:

Боғча опа,
Боғча опа,
Биз хурсандмиз ўзингиздан,
Бўлманг хафа,
Бўлманг хафа,
Чиқмаймиз ҳеч сўзингиздан.

Билинг, боғча опажон,
Ҳеч қилмаймиз тўполон,
Сизни яхши кўрамиз,
Енингизда юрамиз.

На қ о р а т:

Боғча опа,
Боғча опа,
Биз хурсандмиз ўзингиздан,
Бўлманг хафа,
Бўлманг хафа,
Чиқмаймиз ҳеч сўзингиздан!

ЭНГ МАЗА, ЭҲ, МАЗА!

Устозинг чин дилдан мақтаса,
Бўлмасанг ҳеч қачон дангаса.

Энг маза,
Эҳ, маза!

Кўнгли оқ болага дўст бўлмоқ,
У билан ўйнамоқ ва кулмоқ.

Энг маза,
Эҳ, маза!

Қунт билан уй ишини қилганга,
Дарсининг маъносин билганга

Энг маза,
Эҳ, маза!

Тер тўкиб ишласанг пайкалда,
Мевасини еганинг маҳалда

Энг маза,
Эҳ, маза!

Дўстларнинг кўнглини овламоқ,
Улғайиб эл бурчин оқламоқ

Энг маза,
Эҳ, маза!

БАРЧА БОЛА ДҮСТ БҮЛСА

Қандай яхши,
Боғларда гул кўкарса,
Қандай яхши,
Дўстлар сафи кўпайса.

На қ о р а т:

Кимнинг кўнгли бўлса оқ,
Биз ўшанга чин ўртоқ.
Қандай яхши,
Дўстлар сенга ишонса,
Қандай яхши,
Қувонтирса, қувонса.

На қ о р а т.

Қандай яхши,
Бир мақсадни ўйласа,
Қандай яхши,
Яйраб-яйраб ўйнаса.

На қ о р а т.

Қандай яхши,
Дўстлар билан уй тўлса.
Қандай яхши,
Барча бола дўст бўлса.

На қ о р а т:

Кимнинг кўнгли бўлса оқ,
Биз ўшанга чин ўртоқ.

ҚУЕШЖОН — ҚУЕШЖОН

Тонг ҳам айтмоқда шошгин,
Қуёшжон-қуёшжон!
Нурли кўзингни очгин,
Қуёшжон-қуёшжон!

Ҳаммаёқ нур олади
Юзингдан-юзингдан.
Баланд тоғлардан ошгин,
Қуёшжон-қуёшжон!

Ҳаво билан сувдайин
Зарурсан-зарурсан,
Дарё мисоли тошгин,
Қуёшжон-қуёшжон!

Ҳеч ким совуқ емасин
Ҳеч қачон-ҳеч қачон.
Илиқ нурунгни сочгин,
Қуёшжон-қуёшжон!

**КИЧКИНТОЙМИЗ,
ГИЖИНГ ТОЙМИЗ,**

Ишимиз кўп,
Отимиз — чўп,
Тапиллаймиз,
Чопқиллаймиз.
 Кичкинтоймиз,
 Гижинг тоймиз.

Бизлар ҳар кун —
Усиб дуркун.
Куч йиғамиз,
Чиниқамиз.
 Кичкинтоймиз,
 Гижинг тоймиз.

ХОҲ ҲҚИШДА, ХОҲ ИШДА

Доим тайёр дарсимиз,
Йўқдир асло қарзимиз.
Ютуқлардан нишона,
Қўшиғимиз, маршимиз.

Н а қ о р а т:

Хоҳ ўқишда, хоҳ ишда,
Хоҳ баҳорда, хоҳ қишда,
Барча мусобақада,
Қолмаганмиз орқада.

Ялқовликни йиққанмиз,
Қатта йўлга чиққанмиз,
Етиш учун мақсадга,
Тобланган-чиниққанмиз!

Н а қ о р а т.

Чин юракдан сўзлашиб,
Улуғ ишни кўзлашиб,
Мушкулларни енганмиз,
Аҳил бўлиб, дўстлашиб.

Н а қ о р а т:

Хоҳ ўқишда, хоҳ ишда,
Хоҳ баҳорда, хоҳ қишда,
Барча мусобақада
Қолмаганмиз орқада!

ДАЛАЛАРГА ҚАРАСАМ

Далаларга қарасам
Чақиргандай туюлар,
Юрагимда жуда ҳам
Орзуларим қуюлар,—
Далаларга қарасам.

Далаларга қарасам
Кўзим ўйнар боғларда,
Қувончларим бир олам
Шундай тотли чоғларда —
Далаларга қарасам.

Далаларга қарасам
Меҳрим яна ортади,
Нурда яшнаб кенг ўлкам
Ўз бағрига тортади —
Далаларга қарасам.

Далаларга қарасам
Товланади чаманзор,
Мен биламан, чинакам
У ерларда ўрним бор —
Далаларга қарасам....

ЖИБЛАЖИБОН

(Кичкинтойлар қўшиғи)

Лип-лип этар,
Учиб кетар.
Кўзим нури
Зўрға етар.

Жиблажибон,
Жиблажибон.

Жуда эпчил,
Жуда енгил.
— Нон увоғин —
Десам, — егил —

Учиб қочар,
Чўчиб қочар.
Бир увоғни
Чўқиб қочар.

Жиблажибон,
Жиблажибон.

САЕҲАТ — РОҲАТ

Дўстим, юр тезроқ,
Сайр этайлик бир.
Элни ўрганмоқ
Узи мактабдир.
Юрайлик яёв,
Ҳаво топ-тоза,
Бепоён яйлов —
Кўрайлик роса.

Н а қ о р а т:

Баҳорда, ёзда
Қилсак саёҳат,
Кузда, аёзда
Берар куч-ғайрат.
Энг яхши одат:
Саёҳат-роҳат!

Ҳар нарса гўё
Бергандай сўроқ.
Шарқирар дарё,
Кел, дер дала, боғ.
Қанча кўп кўрсак,
Илмимиз ошар,
Соғлом, довюрак
Бўлмоқ ярашар.

Н а қ о р а т:

Баҳорда, ёзда
Қилсак саёҳат,
Кузда, аёзда
Берар куч-ғайрат.
Энг яхши одат:
Саёҳат-роҳат!

ЯНГИ ЙИЛ ТИЛАҚЛАРИ

Янги йилда
Янги хилда
Юракларнинг овози.
Қайнаб чиқар,
Яйраб чиқар
Тилакларнинг энг сози.

Янги йилда яхшиларни
Табриклаймиз, қутлаймиз,
Дангасалик, хафаликни
Кўнглимиздан қувлаймиз.

Яхшиларга гул берамиз,
Бошларини силаймиз.
Қолоқлар ҳам тузалсин деб
Яхши ният тилаймиз.

Яхши истак,
Янги истак
Доим олға етаклар.
Иўлимизга,
Кўнглимизга
Сочилгандай чечаклар.
Истагимиз дўст кўпайсин
Орангизда, юрт-элда.
Истагимиз билимлардан
«Б» кўпайсин табелда.

БУВИ БИЛАН НАБИРАЛАР

Бувисини бориб кўрар
Набиралар,
Улар, анча: Гулноралар,
Ҳабиралар...

Бувижони уйи томон
Чопишади,
Гўё улар йўқотганин
Топишади.

Қичкинтойлар қилишади
Ачом-ачом,
Бувижон ҳам улашади
Совға-салом.

Гир айланиб бувижонни
Урашади.
Янги эртақ айтинг дея
Сўрашади.

Кечга қадар ҳол-жонига
Қўйишмайди,
Бувижонин меҳрига ҳеч
Тўйишмайди.

ЧИН УРТОҒИМ — ҚАРҚИНОҒИМ

Сенинг каби ширин чоғим,
 Сенга бўлсин гулзор-боғим.
 Қарқиноғим,
 Қарқиноғим;

Иккаламиз катта боғда:
 Мен ердаман, сенчи шохда,
 Овунчоғим,
 Қарқиноғим.

Қарқиноғим, булбул бўлиб
 Сайраб бергин тўлиб-тўлиб,
 Хушчақчоғим,
 Қарқиноғим.

Боғда учиб юравергин,
 Ҳашаротни қиравергин,
 Ҳей, ўртоғим,
 Қарқиноғим.

ЁШ ПАХТАКОР ҚУШИҒИ

Водийлар ҳам кондир, ҳам
гулзор,
Ажойиб мактабдир пахтазор.
Фарзандлик бурчимиз —
улуғвор,
Бўлолдик ҳар ишда мададкор,
Мададкор, мададкор,
Бизлар ёш пахтакор.
Ургандик, тинмадик, қарашдик,
Чаманга чаноқдай ярашдик,
Ҳосил мўл бўлганда яйрашдик,
Хирмонда бизнинг ҳам ҳисса бор.
Ҳисса бор, ҳисса бор,
Бизлар ёш пахтакор.
Пахтамыз мўъжиза нақадар,
Олтинлар келарми баробар!
Пахтага тер тўкса ким агар —
Бўлажак бир умр бахтиёр!
Бахтиёр, бахтиёр,
Бизлар ёш пахтакор.

САЛОМ БЕРГАН БОЛАЛАР

Салом берган боланинг
Узи одобли.
Қулиб турган юзлари
Гўё офтобли.

Н а қ о р а т:

Салом бериш бу
Аъло аломат,
Салом берганлар,
Бўлинг саломат.
Салом берган боланинг
Дарси дони «беш»,
Мактаб, уйда, кўчада
Яхшиларга эш.

Н а қ о р а т:

Салом берган боланинг
Юраги соғлом,
Барча салом берганга,
Бир олам салом.

Н а қ о р а т:

Салом бериш бу
Аъло аломат,
Салом берганлар,
Бўлинг саломат.

УРГАНАМИЗ — УРГАТАМИЗ

Билакдаги ёшлик кучин,
Юракдаги ёшлик бурчин,
Ҳунарларга сарф этамиз,
Моторларни сайратамиз.

Ўрганамиз — ўргатамиз,

Ўзимизни кўрсатамиз.

Аҳдимиз бор — онтимиз бор,

Иродамиз, қунтимиз бор,

Енгларимиз шимарамиз,

Ҳунар илмин шимирамиз.

Ўрганамиз — ўргатамиз,

Ўзимизни кўрсатамиз.

Устозларга қўйиб ихлос,

Орзуларни қилиб асос,

Пешонадан тўқамиз дур,

Кўзимиздан тўқамиз нур.

Ўрганамиз — ўргатамиз,

Ишда ўзни кўрсатамиз.

УХШАГИМ ҚЕЛАДИ, УХШАГИМ

Кимлар донг таратса ўлкамга,
Ухшагим келади, ўхшагим,
Билагон опамга, акамга
Ухшагим келади, ўхшагим.

Меҳнатда чиниққан, пишган,
Тер тўкиб, бахт топган кишига,
Заводда инженер, ишчига
Ухшагим келади, ўхшагим.

Созанда чолғусин чалганда,
Тингловчи юрагин олганда,
Устози қувониб қолганда,
Ухшагим келади, ўхшагим.

Маррага ким чаққон югурса,
Футболда ким қойил гол урса,
Ким ишлаб ҳам ўқиб улгурса,
Ухшагим келади, ўхшагим.

Денгизлар остига тушганга,
Бепоен фазога учганга,
Билимда янгилик очганга,
Ухшагим келади, ўхшагим.

Мен ҳали навқирон боламан,
Ачинманг чарчайман, толаман.
Устозлар йўлидан бораман,
Ушанда кўрарсиз, ўшанда.

СИРДАРЕ — ЗҰР ДАРЕ

Сирдарёю Сирдарё,
Кўп дарёдан зўр дарё.

Шовиллаган, тинмаган,
Жуда ҳам чуқур дарё.

Ҳосил берар боғларга,
Суви аъло — дур дарё.

Талай Фарҳод ГЭСларга,
Қувват берган нур дарё.

ГУЛЛАР — МАНИМ КУЛГАНИМ

Бўлсин дея эл чаман,
Боғларга гул экаман,
Кулди бахту ёшлигим,
Гулшанимда эркаман.

Гулшаним, ҳо, гулшаним,
Гуллар — маним кулганим.

Гулшаним — юрт қиёси,
Кулганим — дил зиёси.
Боғим туташ боғларга,
Гулим меҳнат жилоси.

Гулшаним, ҳо, гулшаним,
Гуллар — маним кулганим.

Толе тўла кунларим,
Кўксимдадир қўлларим,
Келинг, сайру чаманга,
Яна кулгай гулларим.

Гулшаним, ҳо, гулшаним,
Гуллар — маним кулганим.

ОМОН БЎЛ, ОЛТИН ҚЎЛ

Қўлдир одам қаноти,
Яшнар меҳнат — ижоди.
Қўлда барпо этилган
Бу бахтиёр ҳаёти.

Н а қ о р а т:

Ҳаётда барча қўл
Бахтига очар йўл,
Омон бўл, олтин қўл.
Берайлик қўлга-қўл,
Куч яна бўлар мўл,
Омон бўл, олтин қўл.

Н а қ о р а т.

Қўл туташган юракка,
Юрак мадад билакка.
Қўл ва юрак бирлашиб
Етказди тилакка.

Н а қ о р а т:

Ҳаётда барча қўл
Бахтига очар йўл,
Омон бўл, олтин қўл,
Берайлик қўлга-қўл,
Куч яна бўлар мўл,
Омон бўл, олтин қўл.

ГУЛ ТЕРДИК

Очилган гул, гунчалар,
Нари кетиб бўлмайди.
Жуда кўпки шунчалар,
Санаб етиб бўлмайди..
Далалардан гул тердик,
Боғчамизга келтирдик.

Улар роса чиройлик,
Шошиб қолди кўзимиз.
Қаранг, офтоб нурида
Гулдай ёнди юзимиз.
Далалардан гул тердик,
Боғчамизга келтирдик.

Гуллар бизни кўрганда
Очилгандан очилди.
Қаҳқаҳамиз чаманнинг
Чиройини оширди.
Далалардан гул тердик,
Боғчамизга келтирдик.

ЧАМАНДАГИ ГУЛЛАРМИЗ

Қизлармиз, ўғиллармиз:
Чамандаги гуллармиз.

Бизлар кўпмиз дунёда,
Сув оққандай дарёда.
Биз юрсак қаторлашиб,
Кўчалар кетар тошиб.

Қизлармиз, ўғиллармиз:
Чамандаги гуллармиз.

Қўшиқ айтсак баралла,
Топ-тоза тонги палла —
Овозимизни тинглаб,
Офтоб чиқар йилтиллаб.

Қизлармиз, ўғиллармиз;
Чамандаги гуллармиз.

Оламини кулдирайлик,
Шодликка тўлдирайлик,
Бизлар ўқиб, ишлаймиз,
Энг тинчликни истаймиз!

Қизлармиз, ўғиллармиз;
Чамандаги гуллармиз.

ЕЗ ЯХШИ-ЕЗ ЯХШИ

Ез кези яшнаган элимда,
Ез завқи тилимда, дилимда,
Қушларим сайрашар, қайнашар,
Булоқлар шивирлар, шилдирар;
Ез яхши, ёз яхши, ёз яхши!

Қуёшдай меҳнатим қудрати,
Паҳлавон халқимнинг суръати
Юртимни безаган, қаранглар,
Ез куйи ҳар ёнда жаранглар:
Ез яхши, ёз яхши, ёз яхши!

Боғларим шифобахш меваси,
Минг турда гулларим жилваси,
Бепоен пахтазор пайкаллар,
Ҳосилдан мавж уриб чайқалар:
Ез яхши, ёз яхши, ёз яхши!

Ёзимнинг иссиғи ва нури,
Жонимнинг ҳаловат, ҳузури,
Айлаймиз сайри боғ, сайри тоғ,
Ишладик, дам олдик, кўнгил чоғ:
Ез яхши, ёз яхши, ёз яхши!

КУРАШАЙЛИК

Аввалига сўрашайлик,
Белимизни бурашайлик,
Кўкрак кериб полвонлардай,
Кел, оғайни, курашайлик!

Томошабин қолди пойлаб,
Машқ этганмиз ҳафта-ойлаб,
Қийиқ билан белни бойлаб,
Кел, оғайни, курашайлик!

Кучимизни синаш учун,
Бир-биримиз сийлаш учун,
Танни бироз қийнаш учун,
Кел, оғайни, курашайлик!

Кўрсатайлик санъатимиз,
Иродамиз, ғайратимиз.
Қизғин бўлсин суҳбатимиз,
Кел, оғайни, курашайлик!

Ерга қаттиқ йиқитмасдан,
Осмон томон итқитмасдан,
Чалмасдан ва чалғитмасдан —
Кел, оғайни, курашайлик!

Бузилмасин қонда-шарт,
Бўшангларни тузатар мард,
Соғлиққа ҳеч юқмасин гард,
Кел, оғайни, курашайлик!

Курашайлик, курашайлик,
Ютган билан сўрашайлик!

УЙНАСАНГ-ЧИ, ТИПИРАТИКОН!

Сен ҳам келиб ўйнасанг-чи,
Хижолатга қўймасанг-чи

На қ о р а т:

Типратикон,
Типратикон,
Ўйинга туш
Дикон-дикон!

Қараб тургин ўйин тушай,
Қушдай учай — қушдай учай!

На қ о р а т.

Нега ҳамма ёғинг тикон?
Кийиб олгин қалин чопон.

На қ о р а т.

Аста ўзим ўргатаман,
Қўлинг ушлаб ўйнатаман!

На қ о р а т:

Типратикон,
Типратикон,
Кел, ўйнаймиз
Дикон-дикон!

ДУСТИНГ ҚАНЧА КҮП БҮЛСА...

Дўстинг қанча кўп бўлса,
Кўп бўлса-ё, кўп бўлса.
Чаманзорга ўхшарди,
Эҳ, бир жойга тўп бўлса!

Дўстинг қанча кўп бўлса,
Қаторинг тўлиқ бўлар.
Ҳаммадан ҳам яхшиси —
Кўнглинг доим тўқ бўлар.

Дўстинг қанча кўп бўлса,
Осон бўлар мушкулинг.
Ҳаттоки қиш фаслида,
Очилар боғда гулинг.

- Дўстинг қанча кўп бўлса,
Урганасан яхшилик,
Душманларинг ҳеч қачон
Қилолмайди қаршилик!

Дўстинг қанча кўп бўлса,
Маънолидир сўзларинг.
Ҳар доимо, ҳар ерда
Кулиб турар кўзларинг,
Дўстинг қанча кўп бўлса!

ЖҰР БҰЛАЙЛИК, ҰРТОҚЖОН!

Чорлар бизни саёхат,
Юр, ұйнайлик, ұртоқжон!
Қандай гүзал табиат,
Ұрганайлик, ұртоқжон!
Жон ұртоқжон, ұртоқжон!

Орзу бизга йўл бошлар,
Дилда ғайрат, бардошлар.
Қўшиқ айтар сафдошлар —
Жўр бұлайлик, ұртоқжон!
Жон ұртоқжон, ұртоқжон!

Ошиб қирлар, тоғлардан,
Сув ичиб булоқлардан,
Олтин ёшлик чоғлардан —
Ұргулайлик, ұртоқжон!
Жон ұртоқжон, ұртоқжон!

ҚАЙСАР БОЛА

- Овқат еса ўз оғзини
Шапиллатар
Қайси бола?
— Қайсар бола.
- Гоҳ ўтирган партасини
Тақиллатар
Қайси бола?
— Қайсар бола.
- Кўчадаги кучукларни
Акиллатар,
Қайси бола?
— Қайсар бола.
- Бирор уйни сўрасангиз,
Лақиллатар
Қайси бола?
— Қайсар бола.
- Бўлса агар ақли чала,
Кўзи ола,
Қайси бола?
— Қайсар бола.
— Қайси бола
Қайсар бола?

«2» ҚҰЙМАНГ, ҰҚИТУВЧИМ

Қийим экан саволингиз,
Йўқми бошқа мисолингиз?
Ұқитувчим, кўп қийнаманг,
Баланд бўлсин иқболингиз.

Н а қ о р а т:

Етарлидир «икким», «учим»,
«2» қўйманг, ўқитувчим.
Осондан озроқ сўранг,
Жон домлажон, «2» қўйманг,
«2» қўйманг, «2» қўйманг.

Вазифалар анча оғир,
Китоб олсам, бошим оғрир,
Қандоқ қилай, ўқитувчим,
Шу аҳволда қолмай охир.

Н а қ о р а т.

Юрагимни босмасин ғам,
Нима дейди ота-онам.
Сирларимни айламанг фош,
Майли эди «4» бўлса ҳам..

Н а қ о р а т.

Имтиҳондан ўтиб олай,
Кейин ўзим ўқиб олай.
Илож қилинг, ўқитувчим,
Каникулга етиб олай.

Нақорат:

Етарлидир «икким», «учим»,
«2» қўйманг, ўқитувчим.
Осондан озроқ сўранг,
Жон домлажон, «2» қўйманг,
«2» қўйманг, «2» қўйманг.

ЗАРУР ОДАТ — МАШҚ ЭТМОҚ

Бўлсин десанг вақтим чоғ,
Бўлсин десанг танним соғ,
Тургин тонгда эртароқ —
 Эй, ўртоқжон, бил, ўртоқ,
 Зарур одат — машқ этмоқ.

Етоғингда уйғониб
Етма тонгда тўлғониб,
Тургин дарров қувониб,
 Эй, ўртоқжон, бил, ўртоқ,
 Зарур одат — машқ этмоқ.

Шимир тоза ҳаводан,
Қочма текни даводан,
Баҳра ол нур — зиёдан —
 Эй, ўртоқжон, бил, ўртоқ,
 Зарур одат — машқ этмоқ.

Чинниқишда кўпдир гап,
Соғлиқ учун чин мактаб,
Беш баҳолар бўлар саф —
 Эй, ўртоқжон, бил, ўртоқ,
 Зарур одат — машқ этмоқ.

Тезда бўлиб серғайрат,
Белга тўлар куч-қувват,
Ҳаракатда бор ҳикмат —
 Эй, ўртоқжон, бил, ўртоқ,
 Зарур одат — машқ этмоқ.

Унутмагин машқингни,
Чиндан қўйгин ишқингни,
Дўндир дарсу ишингни —
 Эй, ўртоқжон, бил, ўртоқ,
 Зарур одат — машқ этмоқ.

Унга дори — меҳнат қилмоқ,

Ғайрат билан бұлса ұртоқ,
Такрорланса дарсу сабоқ,

;

Қочиб кетар дангасалик,
Тузалади бу касаллик.

СУДРАЛУВЧИЛАР

Уч ўртоқ мактабга кетади,
Билмайсиз, вой, қачон етади?
Биттадан папка бор қўлларда,
Тош ўйнаб санқишар йўлларда,
Йўлларда, йўлларда...
Гоҳида қайтишар кейинга,
Етволиш ўхшайди қийинга.
Тошбақа булардан жез юрар,
Эҳтимол кўп ишга улгурар,
Улгурар, улгурар...
Қачонлар чалинган қўнғироқ,
Санқийди, санқийди уч ўртоқ.
Судралиб юрувчи ҳайвонлар
Ҳақида мактабда дарс борар,
Дарс борар, дарс борар...
Судралиб-судралиб кетишар,
Бу ҳолда эҳ, қачон етишар?
Судралиб юрувчи ҳайвонлар
Кўрганда қолмасми ҳайронлар. .
Ҳайронлар, ҳайронлар...

ЖОВДИРАЙДИ, ДОВДИРАЙДИ

(Ҳазил)

Билармисиз, бир бола бор,
Иссиқ кунда қалтирайди.
Утар ширин вақти бекор,
 Икки кўзи жовдирайди,
 Савол берсанг довдирайди.
Тайёрламай келар дарсин,
Писанд қилмай «2» — қарзин,
Айтолмайин ҳатто арзин,
 Икки кўзи жовдирайди,
 Савол берсанг довдирайди.
Доскага у чиқса агар,
Қўлида бўр, бўйини эгар,
Яна лўнда «2» тегар.
 Икки кўзи жовдирайди,
 Савол берсанг довдирайди.
Қулоқ солмай насиҳатга,
Қарамаса китоб, хатга,
Қолиб кулги — маломатга,
 Икки кўзи жовдирайди,
 Савол берсанг довдирайди.

ДАНГАСА ҲАМ ШОШАДИМИ?

Дангаса ҳам шошадими?

— Ҳа, шошади.

Аввалига боши гангиб,
Адашади.

Не қиларин билмас, қаранг,
Ғйлар узоқ,

Мактабига боришлиги —

Мажбур бироқ...

Чала-чулпа ювинар-да

У баъзида,

Мактаб томон югуради,

Нон оғзида...

Ана шунда шошганлиги

Кўринади,

Барибир — у ҳамма жойда

Эринади!

Эринади...

УЧ БАҲО — ПУЧ БАҲО

Уч баҳою уч баҳо,
Таги бўм-бўш — пуч баҳо.
«Икки»нинг ёмон қўшниси,
«Беш» уни танитайди,
Ҳатто баҳо демайди.

Агарда ким олса «уч»,
Ялқовликка бўлган дуч.

Ухшар инжиқ касалга,
«Иккига» тушар салга.
Бу баҳо жуда арзон,
Кўпларни этар сарсон.
На билару, на билмас,
Гапни қулоққа илмас.

Агарда ким олса «уч»,
Урганишин мағзи пуч.

«Уч»ни дерлар «ўртача»,
Ёки тешик тўрвача.
Ярамас ҳеч буюмга,
Арзимас бир тийинга.
Олувчини ланж этар,
Эшитганни ранжитар.

Оғайнилар, олманг «уч»,
Сизда бор «беш», «тўрт»га куч.

САЛИМЖОН — НИМЖОН

(Ҳазил)

Салим, Салим, Салимжон,
Бунча бўлдинг сен нимжон?
Копток мисол семирдинг,
Гўё танинг хамиржон.
Салимжон — нимжон!

Ҳеч бир чиқмай офтобга,
Рангинг ўхшар бетобга.
Уйқу босиб кўзингни
Қаролмайсан китобга,
Салимжон — нимжон!

Айтаверсак бир четдан:
Доим қочдинг меҳнатдан,
Ҳеч қилмайсан зарядка,
Асло борми ғайратдан?
Салимжон — нимжон!

Бизлар каби куч йиққин,
Тур, ўртоқжон, тез чиққин,
Ишлаб мактаб боғида
Терлаб-терлаб чиниққин.
Бўларсан полвон!

КИМКИ БЎЛСА ЙИҒЛОҚИ

Ҳамма қочар нарига
 Кимки бўлса йиғлоқи.
Таланади арига
 Кимки бўлса йиғлоқи.

Оқавериб кўз ёши
 Гув-гув қилади боши.
Совиб қолади оши...
 Кимки бўлса йиғлоқи.

Кулишни унутади,
 Мужмал касал тутади,
Шўр ёшини ютади —
 Кимки бўлса йиғлоқи.

СОВУҚ КИМНИ ИЗЛАЙДИ

Совуқ кимни излайди?
Шамоли ғиз-ғизлайди.
Совуқ кимни синайди,
Қандайларни қийнайди?

Бўлса ланжу дангаса,
Тугмасини тақмаса,
Совуқ тезда йиқади,
Ундан ғолиб чиқади!

Синовларга шайланиб,
Юрса ўйнаб, айланиб,
Бўшашмаса ким агар,
Совуқ унга бош эгар.

Қувонтириб янада,
Учиради чанада.
Бўлинг, дея қаҳрамон,
Ўйнатади қорбўрон.

БОҒЧАГА БОРМАСА...

Қай бола эриниб,
Уйқуга берилиб,
 Боғчага бормаса,
 У бола
 Дангаса,
 Дангаса!
Пингмаса жойини,
Ичмаса чойини,
 Юз-қўлни ювмаса,
 У бола
 Дангаса,
 Дангаса!
Боғчада ўйнамай,
Яхшилиқ ўйламай,
 Гапингга кирмаса,
 У бола
Дангаса,
Дангаса!

БҮШАШМАЙМАН!

(Кичикинтойлар қўшиғи)

Бўшашмайман,
Ишга шайман!
Бўшашса ким,
Ўтирса жим,
Уни кўплар
Туртиб ўтар.
Шуняг учун,
Ўзим ҳар кун
Юрагимга,
Билагимга
Куч йиғаман,
Чиниқаман!
Бўшашмайман,
Ишга шайман!

САЛИМЖОН ЭНДИ ПОЛВОН

Салим, Салим, Салимжон,
Олдин эди сал нимжон.
Агар уни кўрсангиз
Салимжон энди полвон.
Салимжон — полвон.

Дўстларини таниган,
Губор кетган танидан.
Бизнинг ўша Салимжон
Танқидларни тан олган,
Салимжон — ўғлон,
Салимжон — полвон.

Копток бўлиб шишганмас,
Лабн-лунжи тушганмас.
Чеҳраси ҳам очилган,
Уқимайди «беш»дан паст.
Салимжон — шодон,
Салимжон — полвон.

Егдай ёққан зарядка,
Кирган роса ғайратга.
Бел боғлаган дўстлардай
Доим, ўқиш меҳнатга,
Салимжон — чаққон,
Салимжон — полвон.

МУНДАРИЖА

<i>Туроб Тўла</i> Қанотли қўшиқлар муаллифи . . .	3
Халқим — бахтиёримга	8
Сизга таъзим	9
Улуғ Ленин мадҳияси	10
Доно партиям	11
*Олий режалар	12
Комсомол марши	14
Давронлардан давронларга	15
Ҳам хазина — ҳам чаманзор	16
Онадир ул онадир	18
Халқим — бахтиёримга	19
Водий қўшиғи	20
*Шифокорнинг ширин сўзи	21
Ижрода меҳру оқибат	22
Жоним Тошкентим	23
Соҳибкор қўшиғи	25
Туғилган кун қўшиғи	26
Санъат саодатимдир	27
Нон мақтови	28
Олтин ижодкорлар	29
Жонга жон шифокорлар	30
Оламда шодиёна	31
*Қалби кулган	32
Жилмаяр тонг	33
Узма дўстлик торини	34
Иссиқ салом ширин сўз	35
Даврони соз	36
Дуторимнинг боридан	37
Олтин толалар	38
Шодонлигим — шодлигим	39
*Сиз раҳнамо яхшилар	40
Полвон кузимиз	41
Ёр ва диёр қўшиғи	42
Пахта терсам	43
ТошМИ қизлари	44
*Фарзанд бўлай	45
Бахтим бор	46
*Номи кўчган қўшиқларга	47
Мардлик мадҳи	48
Юлдуз тақдим юлдуздан	48

Улкам ясанибди	49
Пахта жилва қилар	50
Ота-онангга	51
Устозлар	52
Кетма-кет кўклам келиб	53
Сўзи санъат, десинлар	54
*Кўнгил кўнгилга	55
Мақсадлари ягона	56
Тиллоларга баробар	57
*Имтиҳон эт	58
*Таърифи дoston палов	59

Яхшиям севги бор

Севилганлар, севганлар	62
Бунча доно сўзларинг	63
Кўнглим олди бир қараб	64
Кўшиқ айтиб	65
Бу қандай савдо?	66
Тонг юлдузимсан	67
*Вафони ғоя қилди	68
Раъноси билан	69
Гул узатсам қўлингга	70
Кўрингай	71
Сиздан	72
Гулзор яхшидир	73
Нега бундоқсан?	74
Ҳеч бўлмаса	75
«Куйиб» қолибди	76
Ким ўргатди фироқни?	77
*Суратингни сақлагайман	78
Гулни этма безовта	79
Айтиларми арзи ишқ	80
Севги сир	81
Эъзоз этарди	82
Вафодорингман	83
Кулди хиёл, индамади	84
*Таслим этай	85
Айла минг бор илтифот	86
Аҳду вафодан кечмас	87
*Бир он келақол	88
*Доно бўлиб	89
*Сен гўзалсан	90
Мақтанмагил	91
Бу ишқингга ишонмасмуш	92

Жонли гулдаста	93
Қайси бири	94
Кўзим асло узилмас	96
Еринг кимга оғибди?	97
Анор баҳонаси	98
Туздим гулзор онамга	99
Уйлайди у ўзини	100
Совчи келди	101
Ҳар кун қуёш айланди	102
*Боғларда	103
Чин ёрми у?	104
Марғилон жононаси	105
Мақташга эт ижозат	106
Суҳбатинг	107
Таъриф этилди	108
Жонон сабаб	109
Яхшиям севги бор	110
Ер жамолин ўйласам	111
Келинчак	112
Оҳ уради оҳулар	113
Бу гулнинг зори борми?	114
Кўнгил боғдир	115
Ишқ баҳсида сен	116
Ҳушёр юраклар	117
*Шояд	118
Юрса одоб-ибода	119
Бахту даврон асрагай	120
Яна сени кўриб қолдим	121
Саболар бўлса	122
Бўлиб доно фаросатда	123
Кўзим оғар беихтиёр	124
Виждонли тилингдан	125
Уйнатадур	126
Сирдош этиб	127
Жон бўлибди — жонон бўлибди	128
Қиз бола, ҳой, қиз бола	129
Ер демадинг	130
Гул берди — кўнгил берди	131
Кел, яйрашайлик	132
Ошно бўлайин деб	133
*Куйгай	134
Қалби дарё бўлмаса	135
Сени ўйлар — мени ўйлар	136
Юраклар сўзлашар	137
Эй, муҳаббат	138

Эркалаб	139
*Ер, билиб юр	140
Эй, шўх жонона	141
Вафо қарори бўлса	142
Раънога ҳам алишмас	143
Уртандими?	144
Жамолингдир	145
Келибди-ю, кетибди	146
Бўлмакка боғбон розиман	147
Довруғингни ёяй	148
Севгиси ёлғон демадимми?	149
Ҳамкор эмас	150
Учраса	151
Ул дўст-у, ёр экан деб	152
*Сен қайтарсан	153
Даволарга бирлашиб	154
Бир жон мисол	155
Қарасам қарамайсан	156
Тўйдан бугун	157
*Қуёшнамо қайтадир	159
*Зебога хос	160
*Ер билан ёр айланиб	161
*Юракдан ошиён тутгай	162
*Ким келаётир? Жим келаётир	163
Ер менга узук тақди	165
*Ер изла боғдан	166
*Кўксимда қўлим, қўлимда гулим	167
*Ошкора бўлса майли	168
*Пиёланнинг сири	169
Кел, дўстим, гаплашайлик	170
Бепарво санам	171
*Ухшар қуёшга лола	172
Боғбон йигит қўшиғи	173
Сочар зиё назокат	174
Юрагим сезмоқда	175
Ўз-ўзимга айтингиз	176
Топиб, имкон, эшитдингми?	177
Афсона қолдирди	178
Зорга зор	179
Торингни йиғлатма	180
Рози эканми?	181
Сенга етиш осонми?	182
Берса, даво жонона ёр	183
Иқрорга қаранглар	184

*Едимдадир аллангиз	185
*Гуллар очилди уч бор	186
*Егду эмасмисан, севги?	187
Нозу, иболарга	188
*Узук кўзи	189
*Сен интизор — мен интизор	190
*Гуллар, бунча санъаткорсиз?	191
*Гўзаллик кўзга даво	192
Исламасанг	193
*Янги ёр-ёр	194
Нечун жавоб ёзмадинг?	195
Сенга бир гап айтаман	196
Кел, гулимни ол	197
Ишонаман кўзингга	198
Иқбол жавоб	199
Мен севаман, сен	200
Кўйсанг қадамлар	202
Минг бор кечиргил	203
Севги даво бўлди, денг	204
*Меҳригиёси боридан	205
*Давра чиройи	206
Нозланиб	207
*Юракдан ўтказилмасми	208
*Ишқда эъзозингдан-эй!	209
Вафо билан келибди	210
Тобора кулсанг	211
Ушал жонон сенмасми?	212
Тўй таронаси	213
Ўз кўнглида	214
*Севганинг борми ҳеч	215
Олма терган қизларга	216
*Борган эдик боғингизга	217
Бўлмасин такрор араз	218
Эркак томон — хотин томон	220
Куёв бола — мижғов бола	222
Посбон кўзу қошингга	224
*Жонларга жон ўтарди	225
Кўз ва кўнгли	226
Гўзаллигинг билурсанми	227
*Кўлингни бер	228
*Ёр хати-ю, ёр хати	229
Менга боқди биттаси	230
Сендурсан — мендурман	231
*Етказса саодатга	232
Ўйланишни ўйлайман	233

Бир жаҳон болалармиз

Ленин бобомлар — менинг бобомлар	236
Ватанимиз — боғимиз	237
Галстугим, ҳилпилла!	238
Хат ёзаман дўстимга	239
Бу — жуда соз, жуда соз	240
Ачом-ачом, бувижон!	241
Раҳматга раҳмат	242
Меҳрибон ойижон	243
Дадамларга ўхшасам	244
Оҳ, дўлана, дўлана	245
Офтоб ҳам яхши, одоб ҳам яхши	246
Еш физкультурачилар марши	247
«5» баҳо қўшиғи	248
Кўйлагим	249
Хўп бўлади, хўп бўлади	250
Урмонзор меҳмони	251
Оғайнимдан ўргандим	252
Баҳор, баҳор, баҳоржон	253
Ез қўшиғи	254
Оқ гулзор	255
Гунафша	256
*Мақтаб қўшиғи	257
— Хурсандмисиз, — хурсандмиз	258
Пахта қўшиғи	259
Бир жаҳон болалармиз	260
Ўйнадик, ҳеч тўймадик	261
Синфимиз қўшиғи	262
Сўзи учқурим	263
*Авлодлар қўшиғи	265
Ешлик дейди	266
Жийда жилваси	267
Боларининг бари ишлар	268
*Майсалар қўшиғи	269
Китоб — ҳаммабоб	270
*Еш наққошлар қўшиғи	271
Нега ҳайронсан, жайрон?	274
Оппоқ зардай ойпахта	275
Чаққонлар — чиниққанлар	279
Боғча опа, бўлманг хафа	280
Энг маза, эҳ маза	281

Барча бола дўст бўлса	282
Қуёшжон-қуёшжон	283
Кичкинтоймиз, гижинг тоймиз	284
Хоҳ ўқишда, хоҳ ишда	285
Далаларга қарасам	286
*Жиблажибон	287
Саёҳат-роҳат	288
Янги йил тилаклари	289
Буви билан набиралар	290
Чин ўртоғим — қарқиноғим	291
Ёш пахтакорлар қўшиғи	292
Салом берган болалар	293
Урганамиз-ўргатамиз	294
Ўхшагим келади, ўхшагим	295
Сирдарё — зўр дарё	296
Гуллар маним кулганим	297
Омон бўл, олтин қўл	298
*Гул тердик	299
*Чамандаги гуллармиз	300
Ёз яхши — ёз яхши	301
*Курашайлик	302
*Ўйнасанг-чи, типратикон	303
*Дўстинг қанча кўп бўлса	304
*Жўр бўлайлик, ўртоқжон	305
Қайсар бола	306
«2» қўйманг, ўқитувчим	307
Зарур одат — машқ этмоқ	309
Судралувчилар	311
Жавдирайди, довдирайди	312
Дангаса ҳам шошадими?	313
Уч баҳо — пуч баҳо	314
Салимжон — нимжон	315
*Кимки бўлса йиғлоқи	316
Совуқ кимни излайди	317
Боғчага бормаса	318
*Бўшашмайман	319
Салимжон энди полвон	320

Ғафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти,
1983 й.

На узбекском языке

Пулат Мумин

КНИГА ПЕСЕН

Редактор *И. Мирзамахмудов*

Рассом *З. Трасинова*

Расмлар редактори *А. Бобров*

Техн. редактор *Е. Поталова*

Корректор *К. Зиямухамедова*

ИБ 2594

Босмахонага берилди. 03.01.82. Босишга рухсат
стилди 18.03.83. Р 01842. Формати 70x90^{1/2}.
Босмахона қоғози № 3. Адабий гарнитура.
Юқори босма. Шартли босма л. 15,3+0.03 вкл.
Нашр л. 10,11+0.03 вкл. Тиражи 20000. Заказ
№1527. Баҳоси 1с.20т. Ғафур Ғулом номидаги
Адабиёт ва санъат нашриёти. 700129, Тош-
кент, Навоий кўчаси, 30.

Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси
ишлари бўйича Ўз ССР Давлат Комитетининг
Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқа-
риш бирлашмасининг Бош корхонаси. Тош-
кент—700129, Навоий кўчаси, 30.